



«Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси»

СЎЗ, ФИКР ВА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ: ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази

**СЎЗ, ФИКР
ВА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ:
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР**

УЎК 347.727(08)

КБК 67.400

C21

Саидов, Акмал Холматович, Мирзаев, Ғулом Абдираимович.

Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар [Матн]: ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами / А.Х. Саидов, Ғ. Мирзаев. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 114 б.

ISBN 978-9943-7234-0-5

Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Акмал САИДОВ,

академик, юридик фанлар доктори, профессор

Тузувчи ва таржимон:

Ғулом МИРЗО,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

“Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси” туркумига мансуб ушбу тўплам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида тайёрланган.

Тўпламда БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши, Америка давлатлари ташкилоти, Африка давлатлари ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган 48 та халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир қоидалари жамланган.

Янги нашрдан ўрин олган Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисидаги қўшма декларация, Халқаро раiddия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция, Виндхук Декларацияси, Йоханнесбург принциплари, София Декларацияси, Таллуар Декларацияси каби халқаро ҳужжатлар, бир томондан, миллий хавфсизлик, фикрни ифодалаш эркинлиги ва ахборотга эга бўлиш борасидаги муҳим қоидалари билан машҳур бўлса, иккинчи томондан, ушбу ҳужжатларнинг матни илк бор ўзбек тилида тўлиқ ҳолда тақдим этилаётгани аҳамиятлидир.

Тўплам ҳуқуқшунослар, журналистлар ва шу соҳага қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

“Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАРУР ШАРТИ **(Сўзбоши ўрнида)**

Биз яшаётган XXI аср – глобал ахборот жамияти шиддат билан шаклланиб бораётган том маънодаги ахборот асридир. Бугун ахборот жамият тараққиётининг бош омили сифатида намоён бўлмоқда. Ахборот ва билим энг муҳим миллий ва дунёвий бойликка, уларни яратиш ва тарқатишни таъминлайдиган тизимлар эса, барқарор ривожланишнинг стратегик омилларига айланмоқда.

Халқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларига кўра, 2019 йилда Ер шаридаги 53 фоиз одам интернетга уланиш имкониятига эга бўлиб улгурган. Бу рақам, бир томондан, янги асримиз бошидаги кўрсаткичга нисбатан 15 марта кўп бўлса, иккинчи томондан, у ахборот-коммуникация технологиялари жамият ривожига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири эканидан далолат беради.

Яъни, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожига кўп жиҳатдан фуқароларнинг фикрлар, ғоялар, маълумотлар ва билимларга бўлган эҳтиёжлари нечоғлиқ қондирилишига боғлиқ.

Фикр ва сўз эркинлиги ҳар қандай демократиянинг жон томирлари. Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳамда уни ифодалаш инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, инсон ҳуқуқларининг оташин тарафдори бўлган Вольтер “ўз фикрларини эълон қилиш эркинлиги фуқаронинг

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқидан // <https://president.uz/uz/lists/view/4179/22.02.2021>.

муҳим ҳуқуқи”, деб билган. “Бирорта ҳам гапингизга қўшилмайман, лекин уни айтиш ҳуқуқингиз учун ўлишга ҳам тайёрман”, деган тамойил унинг ҳаёт тарзини белгилаб берган.

Машҳур америкалик ҳуқуқшунос Ральф Нейдер таъбири билан айтганда эса, “Ахборот – демократиянинг асосий валютасидир”. Сўз эркинлигисиз демократия ҳам, инсон эркинлиги ҳам бўлмайди. Сўз эркинлиги – авваламбор, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи, ахборот эркинлиги – бу ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқидир.

Замонавий демократлар ахборотдан фойдаланиш, уни таҳлил қилиш ва тезкорлик билан тарқатиш имконияти замонавий жамиятда инсон камолотининг асосий шarti, деб ҳисоблайдилар. Фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигига асосланган эркин ва очиқ муҳокамалар, одатда, ҳар қандай масалада энг яхши ечим ва танловга олиб келади, жиддий хатолардан асрайди.

Инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ҳар қандай ҳолатда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниши зарур. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари глобал ҳуқуққа айланди. Матбуот эркинлиги 3 даражада:

биринчидан, давлат даражасида, яъни миллий қонунларда; **иккинчидан**, ҳар бир минтақа даражасида – минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда;

учинчидан, глобал даражада – дунё миқёсида қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тан олинган универсал шартномаларда ўз аксини топган.

Ўзбекистонда сўз эркинлигини, фикрлар хилма-хиллигини, одамлар ўз қарашларини очиқ-ошкора ифода этишини амалда таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилган.

Бу, авваламбор, ривожланган миллий қонунчилик асосига таянади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатидир. Унда ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

Лекин, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасно. Шунингдек, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ушбу қоидаларни такомиллаштириш мақсадида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қи-

лиш тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги каби 20 дан ортиқ қонун қабул қилинди.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкам-ланган асосий тамойиллар ўзининг тўла ифодасини топганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Декларациянинг 19-моддасида қайд этилган фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳамда ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги шулар жумласига киради¹.

Бугунги кунда Конституциямиз ва қонунларимиз талабига кўра сўз, ахборот, эътиқод, фикр ва ғоялар эркинлиги ҳамма фуқароларга тегишли ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир”².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармонида мувофиқ, **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**³ тасдиқлангани ва изчил амалда татбиқ этилаётгани бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этди. Шу асосда кейинги беш йилда республикада сўз эркинлигини таъминлаш, эркин фикр юритиш учун ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш, давлат идораларининг очиқлигини кучайтириш, блогерлик мавқеини кўтариш, барча тоифадаги ОАВ ходимларини ҳимоя қилиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ОАВнинг оммалашишига, халқ орасида ҳурмат қозонган ҳолда, амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилишига олиб келмоқда. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда қандай янгилик пайдо бўлмасин, турли мунозарали

¹ Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: Адолат, 2002. – 51-бет.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017. 8 декабрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 6-сон. 70-модда.

баҳслар, фикрлар, тортишувлар кўринишида ушбу ахборотга муносабатлар билдирилади. Бу ҳам фуқароларнинг фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

Афсуски, шундай муносабатлар орасида охириги пайтда ҳақоратли сўзлар, тухматли гаплар, сўқинишлар, обрўсизлантирувчи фикрлар кўпайиб бормоқда. Бундай ноҳолис изоҳлар эса, ўз навбатида, ҳар бир фуқарога салбий таъсир кўрсатиб, ёлғон маълумотлар шаклланиши, одамларимиз орасида турли миш-мишлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Энг ёмони, бу каби изоҳларнинг аксарияти қандайдир бир гуруҳ “трол”лар ёки “фейк”, яъни сохта аккаунтлар томонидан уюштирилмоқда.

Айниқса, 2019 йил охиридан буён жаҳон жамоатчилигини ташвишга солиб келаётган COVID-19 вируси пандемияси шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали тарқатиш ҳолатлари учрай бошлади. Шу боис Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНЕСКО каби ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан очилган бир қатор веб-сайтларда дарҳол пандемия ҳақидаги ишончли ахборотлар жойлаштирилди.

Шунга қарамай, коронавирус ҳақида ёлғон ахборотлар тарқалиши билан боғлиқ ташвишли ҳолат жаҳон миқёсида ниҳоятда кенг тус олди. Шунинг учун халқаро ҳамжамият COVID-19 ҳақидаги ёлғон маълумот вируснинг ўзидан ҳам кўра хавфли эканига қайта-қайта эътибор қаратиб, барчага расмий манбалардан фойдаланишни тавсия этди.

БМТ Бош котиби **Антонио Гутерриш** таъкидлаганидек, бутун дунё нафақат коронавирусга қарши, балки COVID-19 ҳақида нотўғри ахборот кўпайишига қарши ҳам курашмоқда. Бош котибининг фикрича, мамлакатлар мунтазам расмий маълумотларни эълон қилиб боришлари зарур. Чунки ҳозирги вақтда пандемияга қарши энг яхши қурол – бу ишончли ахборотдир.

Демократия ва сўз эркинлиги – бу исталган нарсани қонунга хилоф равишда, ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмасдан айтавериш дегани эмас. Сўз эркинлиги, аввало, демократик кадрият ва катта масъулият.

Сўз эркинлиги ва демократия ҳуқуқининг бошқа кишилар эркинликлари ҳамда ҳуқуқларига дахл қилиш ёки дахл қилмаслигини ажратиб кўрсатадиган чегара қаерда?

Бир кишининг эркинлиги бошқа бировнинг эркинлиги бошланган жойда тугайди, деган фикр ҳаммамизга маълум. Бироқ, бу ҳуқуқнинг чегаралари борми ва бир шахсга зарар етказадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар учун жавобгарлик қаердан бошланади, деган савол кўпинча жавобсиз қолмоқда.

Европа Комиссияси ўз ҳужжатларида, хусусан, Европа Кенгашининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси, Ахборот жамиятида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги бўйича Вазирлар Ҳайъатининг декларациясида “интернет нафақат очиқ хабарларнинг ҳажми ва ранг-баранглигини оширганлигини, балки фейк, яъни ёлғон хабарларнинг ҳам кенг қўламда ва мислсиз тезкор тарқалишига йўл очиб бергани”ни тан олади.

Ёлғон хабарлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ хавф туғдиради. Оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариб, кўпинча давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солади.

Шу билан бирга, ёлғон ва ишончсиз ахборотга “иқтисодий фойда олиш ёки жамоатчиликни тўғри йўлдан қасддан адаштириш мақсадида яратиладиган, тақдим этиладиган ва тарқатиладиган ҳамда жамоатчиликка зарар етказиши мумкин бўлган сохта ёки чалғитувчи маълумотлар” сифатида таъриф берилади.

Бу вазиятда таҳдид нафақат демократик сиёсий қарор қабул қилиш жараёнларига, балки инсон соғлиғига ёки атроф муҳитга ҳам зарарли бўлиши мумкин.

Шуни инобатга олиб, Европа Кенгаши миллий қонунчиликда ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТдан) фойдаланиш билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишининг янги шакллари ҳисобга олиш зарурлиги ва АКТ бундай зарарли омилларни сезиларли даражада ошириши мумкинлигига эътибор қаратган.

Интернетни бошқаришда Европа Иттифоқи мамлакатлари ахборот олиш эркинлиги ва жамият хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш тамойилига амал қилади.

Интернетдан фойдаланиш ва ахборотни чеклаш имконияти дунёнинг жуда кўплаб мамлакатлари, шу жумладан, Европа Иттифоқи давлатлари қонунчилигида ҳам кўзда тутилган.

Мисол учун, Франция 2000 йилда Европа Иттифоқида биринчилардан бўлиб шахси идентификация қилинмаганларга хостинг бергани учун провайдерларга нисбатан жиноий жавобгарликни жорий қилди. Бунда маҳаллий серверларда жойлашган барча сайтларнинг муаллифлари ўзи ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим қилиши керак.

Акс ҳолда, қонунда олти ойгача қамоқ жазоси кўзда тутилган. Бундан ташқари, нафақат маълумотларни текширмаган провайдерларга, айти пайтда фойдаланувчиларга нисбатан ҳам жавобгарлик кўзда тутилган.

Франция Ички ишлар вазирлиги интернетдаги сайтларнинг мазмунини назорат қилади. Айрим ҳолларда полиция ходимлари

суд санкциясиз провайдерлардан веб-сайтдан фойдаланишни чеклашни талаб қилиши мумкин.

Провайдерлар ҳуқуқ-тартибот органларининг талабига мувофиқ, бош бошқарма “қора рўяхати”га киритилган шубҳали сайтларни ёпиши шарт. Улар бундай қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундан ташқари, қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга прокуратура органлари розилиги билан қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддалари савдоси, ноқонуний пул маблағларини легаллаштириш сингари оғир жиноятларни тергов қилиш пайтида ахборот олиш учун фойдаланувчиларнинг компьютерларига уланишга рухсат беради.

Буюк Британияда ҳам бу борада муайян чекловлар ўрнатилган. Интернетда иш олиб борадиган ҳуқуқбузарларни қидириш билан юқори технологиялар соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича миллий бўлим шугулланади.

Интернетдаги назоратнинг бошқа бир қўриниши жамоат ташкилотлари фаолияти орқали амалга оширилади. Улардан энг таъсирчани – “Интернет-кузатув” бўлиб, у интернет тармоғида порнография ва миллий ҳамда ирқий адоват қўзғатувчи материаллар тарқалишининг олдини олиш учун масъулдир.

Халқаро ҳуқуққа кўра, сўз эркинлиги фундаментал ҳуқуқлар сирасига киради. Шунга қарамай, у мутлақ, абсолют ҳуқуқ эмас.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган БМТнинг – 70 га яқин, ЮНЕСКОнинг – 60 дан ортиқ, Европа Кенгашининг – 160 дан зиёд, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг – 30 дан ортиқ халқаро конвенция, декларация ҳамда пактларида сўз ва фикр эркинлиги соҳалари ҳам халқаро-ҳуқуқий тартибга солинган.

Хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга кўра, агар бундай эркинлик нафрат, инсонни камситишга ундаш, қасд олиш ёки зўравонлик тарғиботи учун қўлланилса, у қонунийлик мезонлари асосида қатъий чекланиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда “нафрат” сўзининг аниқ таърифи келтирилмаган. Шунга қарамай, сўз эркинлиги ва нафратнинг тарғиботи чегаралари қаерда эканлигини аниқлаштирувчи халқаро стандартлар ва ҳуқуқий асослар мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, бунда сўз эркинлигини чеклаш уч шартга жавоб бериши керак:

биринчидан, у қонун доирасида бўлиши (қонунийлик қонуности актлари билан эмас, айнан қонун билан ўрнатилган бўлиши керак);

иккинчидан, қонун мақсадларига мос ва халқчил бўлиши;

учинчидан, демократик жамиятда муҳим ҳисобланган зарурият ва мутаносиблик ҳолатларидагина мумкин бўлади.

Жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 20-моддасида қайд этилишича:

“1. Урушни ҳар қандай тарғиб этиш қонун орқали тақиқланиши керак.

2. Камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан тақиқланган бўлиши лозим”.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 20-моддасидаги қонуний чекловлар сўз эркинлигига зид эмаслигига аниқлик киритган. Яъни:

“... 2-банд, тегишли давлатга нисбатан ички ёки ташқи хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, камситиш, душманлик ёки зўравонликни қўзғатадиган миллий, ирқий ёки диний нафратни қўллаб-қувватловчи ҳар қандай ташвиқот ёки чиқишга қарши қаратилган”, деб таъкидлаган.

Ўзбекистон қонунчилиги халқаро ҳуқуқ, сўз эркинлиги ва нафрат тарғиботига қарши кураш тўғрисидаги ушбу умум эътироф этилган принципларга мос келади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 20-моддаси 1-бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 150-моддасида – урушни тарғиб қилиш, 156-моддасида эса миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қўзғаш тақиқланади.

Бирок, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 20-моддаси 2-банди миллий қонунчилигимизда ҳали ҳам бирон-бир тарзда ўз аксини топмаган.

Афсуски, қонунчилигимиз кибермайдонда виртуал таъқиб қурбонларини ва уларни ҳимоя қилувчиларни ҳимоя қилмайди. Оқибатда фуқаролар ҳам, ташкилотлар ҳам, мансабдор шахслар ҳам қалтис вазиятда қолади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасида ҳақорат “шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш” деб таърифланади.

Бирок, кўп минглаб обуначилари бўлган блогернинг шамали хабарлари тўғридан-тўғри ҳақорат қилмасдан, камситиш ва зўравонликни тарғиб қилишга қаратилган бўлса, қонунчилик онлайн таъқиб қурбонини ҳамда унинг тарафдорларини ҳимоя қилмайди.

Шу ўринда “блогер” атамасига таъриф бериш лозимдек кўринади. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 8-қисми 3-моддасида блогер – ўз веб-сайтида ва (ёки) веб-сайт саҳифасида

ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа характердаги оммавий маълумотни жойлаштирадиган, шу билан бирга, уни муҳокама қилиши мумкин бўлган ахборот фойдаланувчиси, деб белгиланган.

Ўз навбатида, зўравонлик ва камситишни тарғиб қилиш учун жавобгарликни кучайтириш Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига зид эмас. Чунки ушбу модданинг учинчи қисмида:

“Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар учун зарур бўлиши лозим.

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун”, дейилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ушбу бандга аниқлик киритиб, қуйидагиларни таъкидлагани жуда муҳим:

“Сўз эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиш махсус вазифалар ва мажбуриятларни юклайди, шунинг учун ҳам мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш доирасида ҳам алоҳида шахсларга, ҳам жамиятга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган айрим чекловларга йўл қўйилади. Бироқ, иштирокчи-давлат ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқини амалга оширишда маълум чекловларни қўйганда, ушбу чекловлар мазкур ҳуқуқнинг тамойилига зид бўлмаслиги керак”.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига қўтарилгани жуда муҳим. Янада муҳими, ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланиш учун астойдил интилмоқда.

Бинобарин, бу борада юксак натижадорлик қўлга киритилган тақдирдагина жамиятимиз ва давлатимиз янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини қўйиш ҳамда дунёнинг 50 та энг ривожланган давлати сафидан жой олишдек ўз олдига қўйган улуғвор мақсадларига том маънода эриша олади.

2020 йил 22 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилиниши халқимиз учун улкан аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди. Ушбу стратегик ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган бош мақсад – Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишдир.

Миллий стратегияда назарда тутилган 14 та асосий вазифадан иккитаси айти шу мавзудадир. Яъни, саккизинчи ва ўн иккинчи вазифа **“сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш... соҳаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш”** ҳамда **“инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифий фаолиятнинг сифати ҳамда манзиллилигини яхшилаш”**¹ дан иборат.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мазкур вазифалар ижроси доирасида **“Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси”** туркумида ҳуқуқий адабиётлар нашр этмоқда. Ушбу нашрлар аҳолининг барча қатламларини қамраб олиб, юртимизнинг энг чекка ҳудудларигача етиб боради ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Сизга тақдим этилаётган **“Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар”** тўплами ушбу йўналишдаги нашрлардан биридир. Мухтасар айтганда, мазкур тўпламда бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган 48 та халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир қоидалари жамланган. Тўпламнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, тўпламнинг биринчи бобида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО ва Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларидаги сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир нормалардан намуналар келтирилган.

Учта муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат – Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисидаги қўшма декларация, Халқаро раддия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция ҳамда Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисида Виндхук декларацияси эса тўлиқ ҳолда ҳамда илк бор ўзбек тилида чоп этилмоқда.

Иккинчидан, тўпламнинг иккинчи бобида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши, Америка давлатлари ташкилоти, Африка давлатлари ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақавий ҳужжатларининг сўз, фикр ва ахборот эркинлиги билан боғлиқ нормалари тақдим этилган.

Бунда Европа Кенгашининг Фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги тўғрисидаги декларацияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси, шунингдек МДҲнинг Инсон ҳуқуқлари ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4872355>.

асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенциясидаги сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир нормалар китобхон эътиборига ҳавола қилинган.

Учинчидан, тўпламнинг учинчи бобида ноҳукумат йўналишдаги халқаро анжуманлар ҳамда нодавлат ташкилотлар қабул қилган сўз, фикр ва ахборот эркинлигига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланган.

Айниқса, Йоханнесбург принциплари, София Декларацияси, Таллуар Декларацияси каби халқаро ҳужжатлар, бир томондан, фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги борасидаги муҳим қоидалари билан машҳур бўлса, иккинчи томондан, ушбу ҳужжатларнинг матни биринчи марта ўзбек китобхонига давлат тилида тақдим этилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур тўплам оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ушбу соҳа фаолияти билан қизиқувчи барча китобхонларга манзур ва фойдали бўлади, деган фикрдамиз.

Ўзбекистонда ишлаб чиқиляётган Ахборот кодексида ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган норма ва принциплар ўз аксини топишига ишонч билдириб қоламиз.

А.Х. Саидов,
академик, Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

БИРИНЧИ ҚИСМ.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР**

1-БОБ. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

1948 йил 10 декабрь

(кўчирма)

19-модда

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги

ҳалқаро пакт

1966 йил 19 декабрь

(кўчирма)

14-модда

1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки бунини томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши керак. Балоғат ёшига етганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низо-ларга ёки болаларга васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно.

19-модда

1. Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қи-дириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклай-ди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар учун за-рур бўлиши лозим:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломат-лигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун.

20-модда

1. Урушни ҳар қандай тарғиб этиш қонун орқали тақиқланиши керак.

2. Камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан тақиқланган бўлиши лозим.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 1966 йил 19 декабрь (кўчирма)

15-модда

(...)

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қи-лиш мажбуриятини олади.

**Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг
қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни
камситувчи турларига қарши конвенция**
1984 йил 10 декабрь
(кўчирма)

10-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат қийноқни тақиқлашга тегишли ўқув материаллари ва ахборотлар ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг ходимларини, фуқароларга оид ёки ҳарбий, тиббий ходимларни, давлатнинг мансабдор шахсларини ҳамда ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган, ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ушлаб туриб, сўроқ қилишга ёки улар билан муомала қилишга муносабат билдириши мумкин бўлган шахсларни тайёрлаш дас-турларига тўлиқ равишда киритилишини таъминлайди.

**Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш
тўғрисидаги халқаро конвенция**
1966 йил 7 март
(кўчирма)

4-модда

Иштирокчи давлатлар бир ирқ ёки муайян тана ранги ёки этник насабдаги шахслар гуруҳининг устунлиги ғоялари ёки назарияларига асосланган ёки қандай шаклда бўлмасин, ирқий нафрат ва камситишни оқлаш ёки рағбатлантиришга уринадиган ҳар қандай тарғиботни ва барча ташкилотларни қоралайдилар ҳамда шундай камситишни ёки камситиш ҳаракатларини ҳар қанақасига гижиглашни тугатишга қаратилган шошилинч ва ижобий тадбирлар қабул қилиш мажбуриятини олади ва шу мақсадда улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси принципларига ҳамда ушбу Конвенциянинг 5-моддасида аниқ баён этилган қоидаларга биноан, бошқалар қаторида:

а) ирқий устунлик ёки нафратга асосланган ғояларни ҳар қанақасига ёйишни, ирқий камситишни ҳар қанақасига гижиглашни, шунингдек исталган ирқ ёки бошқа тана ранги ёки этник насабдаги шахслар гуруҳига қарши қаратилган ҳамма зўравонлик ҳаракатлари ёки уларни гижиглашни, шунингдек маблағ билан таъминлашни қўшиб ирқчилик фаолиятини ўтказиш учун ҳар қандай ёрдам кўрсатишни қонунга биноан жазоланадиган жиноят деб эълон қиладилар;

б) ирқий камситишни рағбатлантирадиган ва уни гижиглайдиган ташкилотларни, шунингдек уюшган ва ҳар қандай бош-

қа тарғибот фаолятини қонунга қарши деб эълон қиладилар ва тақиқлайдилар ҳамда шундай фаолятда қатнашишни қонун билан жазоланадиган жиноят деб тан оладилар;

с) давлат ҳокимиятининг миллий ёки маҳаллий органларига ёки давлат муассасаларига ирқий камситишни ёки уни гижгижлашни рағбатлантиришга рухсат этмайдилар.

5-модда

Ушбу Конвенциянинг 2-моддасида баён этилган асосий мажбуриятларга мувофиқ, иштирокчи давлатлар ирқий камситишни унинг барча шаклларида тақиқлаш ва йўқотишга ҳамда ҳар бир одамнинг ирқи, тана ранги, миллий ёки этник насабидан қатъи назар, айниқса қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширишга нисбатан қонун олдида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мажбуриятини оладилар:

(...)

d) бошқа фуқаролик ҳуқуқлари, жумладан:

(...)

vii) фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи;

7-модда

Иштирокчи давлатлар жумладан, ўқитиш, тарбиялаш, маданият ва ахборот соҳасида ирқий камситишга қарши кураш, миллатлар ва ирқий ёки этник гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, сабр-чидамлилик ва дўстликни рағбатлантириш, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги декларацияси ва ушбу Конвенция мақсадлари ва принципларини оммалаштириш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган ва самарали тадбирлар қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция

1989 йил 20 ноябрь

(қўчирма)

13-модда

1. Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи бир чеклашларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклашлар фақат қонунда кўзда тутилган чеклашлардан иборат бўлади, бу қуйидагилар учун зарур:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини (ordre public), аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун.

16-модда

1. Бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг махфийлигига бўлган ҳуқуқи амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашиш ёхуд унинг шаъни ва обрўсига ғайриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

2. Бола ана шундай аралашишлар ёки тажовуз қилишлардан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

17-модда

Иштирокчи-давлатлар оммавий ахборот воситаларининг муҳим мавқеини эътироф этадилар ҳамда бола турли хил миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотлари ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига қўмаклашишга қаратилган ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар. Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар:

а) оммавий ахборот воситаларини ижтимоий ва маданий йўналишдаги ҳамда 29-модда руҳидаги бола учун фойдали ахборот ва материалларни тарқатишга рағбатлантирадилар;

б) турли хил маданий, миллий ва халқаро манбалардан бундай ахборот ва материаллар тайёрлаш, айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар;

с) болалар адабиётини нашр этиш ва тарқатишни рағбатлантирадилар;

д) оммавий ахборот воситаларининг қандайдир озчиликни ташкил қилувчи гуруҳ ёки туб аҳолига мансуб боланинг тил эҳтиёжларига алоҳида эътибор беришни рағбатлантирадилар;

е) 13- ва 18-моддаларни ҳисобга олган ҳолда боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилишнинг тегишли тамойилларини ишлаб чиқишни рағбатлантирадилар.

**Аёлларга нисбатан камситишларга
барҳам бериш тўғрисидаги декларация**

1967 йил 7 ноябрь

(кўчирма)

3-модда

Аёлларнинг тўлақонли эмаслиги ғоясига асосланган тушунчаларга барҳам бериш ва одатлар ва бошқа амалиётни тугатишга жамоатчилик фикрини тайёрлаш ва миллий интилишларни қара-тиш мақсадида барча тегишли чоралар кўрилиши лозим.

**БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов
юритишга доир минимал стандарт қоидалари
("Пекин қоидалари")**

1985 йил 29 ноябрь

(кўчирма)

8. Махфийликнинг таъминланиши

(...)

8.1. Ёш ўғил ёки қиз болага кераксиз ошкоралик туфайли зиён етишидан ёхуд улар обрўсига путур етказишдан сақланиш учун балоғатга етмаган болаларнинг махфийликка тааллуқли ҳуқуқи барча босқичларда ҳурмат қилиниши зарур.

8.2. Принципга кўра балоғатга етмаган ҳуқуқбузар боланинг шахсини кўрсатишга сабаб бўладиган бирор-бир ахборот чоп этилмаслиги керак.

Шарҳ

8-қоидада балоғатга етмаган боланинг махфийликка тааллуқли ҳуқуқини таъминлаш нечоғли муҳим экани таъкидланган. Ёшлар ўз обрўсига етказилган зиёндан айниқса қаттиқ ранжийди. Обрўга зиён етказиш масаласи юзасидан ўтказилган криминалогия тадқиқотлари натижалари далолат беришича, ўсмирларга нисбатан муносабатда "ҳуқуқбузар" ёки "жиноятчи" таърифларининг мунтазам равишда ишлатилиши салбий (турли хил) оқибатларга олиб келиши мумкин.

8-қоидада, шунингдек балоғатга етмаган болаларни ўз иши ҳақидаги маълумотларнинг (масалан, гумондор ёки судланган балоғатга етмаган ҳуқуқбузар болалар исмларининг) оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши билан боғлиқ салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш муҳим экани таъкидланади. Принципга кўра шахс манфаатлари имкон қадар ҳимоя қилиниши ва кафолатла-

ниши лозим. (8-қоидада баён этилган умумий қоидалар 21-қоидада янада аниқлаштирилган).

21. Протоколлар

21.1. Балоғатга етмаган ҳуқуқбузар болалар иши материаллари қатъий равишда махфий сақланиши зарур ва учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас. Бундай материаллардан фойдаланиш учун рухсат этилган шахслар доираси мазкур ишни бевосита ўрганаётган шахслар ёки тегишли ваколатга эга бошқа шахслар билан чекланган бўлиши шарт.

21.2. Балоғатга етмаган ҳуқуқбузар болалар иши материаллари катта ёшдаги ҳуқуқбузарлар ишини ўрганиш пайтида худди ўша ҳуқуқбузар билан боғлиқ бўлган кейинги ҳолларда фойдаланилмаслиги керак.

БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (“Ар-Риёд дастурий принциплари”)

1990 йил 1 декабрь

(кўчирма)

D. Оммавий ахборот воситалари

(...)

39. Оммавий ахборот воситаларининг ўсмирларни ахборотлар ва турли миллий ва халқаро манбалар материаллари билан таъминлаши рағбатлантирилиши лозим.

40. Оммавий ахборот воситаларининг ёшларнинг жамиятда тутган ижобий ролини ёритиши рағбатлантирилиши лозим.

41. Оммавий ахборот воситалари орқали жамиятда ёшлар учун тегишли хизматлар ва имкониятлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларнинг кенг ёйилиши рағбатлантирилиши лозим.

42. Оммавий ахборот воситаларини тўғалигича ҳамда қисман телевидение ва кинематографияни порнография, гиёҳвандлик ва зўравонлик билан боғлиқ материалларни кўрсатишни камайтириши, зўравонлик ва эксплуатацияни салбий тасвирлаши, шунингдек болалар, аёллар ва шахсий муносабатларни қадр-қимматни ҳақоратлайдиган шаклда кўрсатишдан айниқса эҳтиёт бўлиши ва тенг ҳуқуқлилик принципларини тарғиб этиши учун рағбатлантириш лозим.

43. Оммавий ахборот воситалари ўзининг улкан ижтимоий роли ва жавобгарлигини, шунингдек, кўпинча ёшларнинг гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар билан боғлиқ суиистеъомликлари ҳақидаги ахборотларни тарқатиш йўли билан кўрсатадиган тегишлича таъсир этиш имкониятини ҳис этиши керак. Улар му-

возанатли ёндашувга асосланган тегишли ахборотларни узатиш йўли билан гиёҳвандликнинг олдини олишда ўзининг ана шу имкониятларини ишга солиши зарур. Барча босқичларда гиёҳванд моддаларнинг зарари ҳақида ахборот тарқатиш бўйича самарали кампаниялар ўтказишга қўмаклашиш лозим.

**БМТнинг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган
чораларга доир минимал стандарт қоидалари
("Токио қоидалари")
1990 йил 14 декабрь
(кўчирма)**

22. Тегисли муассасалар ва тадбирлар билан алоқа боғлаш

22.1. Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўлаш топширилган хизматлар, жиноий одил судлов тизимининг бошқа органлари, ҳам ҳукуматга қарашли, ҳам ноҳукумат ижтимоий тараққиёт ва таъминот муассасалари ўртасида соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, таълим ва бандлик, шунингдек, оммавий ахборот воситалари соҳаларида ўзаро алоқа ўрнатишга қўмаклашиш учун турли даражаларда тегисли механизмлар яратилиши керак.

**Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция¹
2006 йил 13 декабрь
(кўчирма)**

(...)

**8-модда
Маърифий-тарбиявий иш**

1. Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларга эришиш учун кечиктириб бўлмайдиган, самарали ва зарур чораларни қўриш мажбуриятини олади:

а) бутун жамиятнинг, шу жумладан оила даражасида ногиронлик масалалари бўйича билимини ошириш ҳамда ногиронларнинг ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш;

б) ногиронларга нисбатан турмушнинг барча жабҳаларида, шу жумладан жинси ва ёши асосидаги ақидалар ва зарарли одатлар билан кураш олиб бориш;

¹ БМТ Бош Ассамблеясининг 61/106-резолюцияси билан қабул қилинган. Таржимон: Э.Эрназаров.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция / Таржимон: Э. Эрнazarов; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Т.: Baktria press, 2013. 56 б.

с) ногиронларнинг салоҳияти ва ҳиссасини тарғиб этиш.

2. Шу мақсадда қўрилаётган чоралар қуйидагиларни қамраб олади:

а) қуйидагиларга даъват этилган самарали ижтимоий-маърифий кампанияларни авж олдириш ва олиб бориш:

i) ногиронлар ҳуқуқларини тан олишни ўргатиш;

ii) ногиронлар тўғрисидаги ижобий тасаввурларни ва уларнинг жамият томонидан чуқурроқ англанишини рағбатлантириш;

iii) ногиронларнинг кўникмалари, кадр-қиммати ва қobiliяти, шунингдек уларнинг иш жойи ва меҳнат бозоридаги ҳиссаси эътироф этилишига кўмаклашиш;

б) таълим тизимининг барча даражаларида, шу жумладан, кичик ёшдан бошлаб барча болаларни ногиронлар ҳуқуқига ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

с) барча оммавий ахборот воситаларида ногиронларни ушбу Конвенция мақсадларига мос тушадиган тарзда тасвирлашга даъват этиш;

д) ногирон ва уларнинг ҳуқуқларига бағишланган тарбиявий-таништириш дастурларини илгари суриш.

9-модда

Фойдаланиш имконияти

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар мустақил турмуш кечириш ва турмушнинг барча жабҳаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлиши учун ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний муҳитдан, транспортдан, ахборот ва алоқадан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимидан ҳамда шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам аҳоли учун очиқ ёки тақдим этиладиган бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Фойдаланиш имкониятига ҳалақит берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этишни қамраб оладиган ушбу чоралар, жумладан, қуйидагилардан иборат:

а) бинолар, йўллар, транспорт ҳамда бошқа ташқи ва ички объектлар, шу жумладан мактаблар, турар-жойлар, тиббиёт муассасалари ва иш жойлари;

б) ахборот, коммуникация ва бошқа хизматлар, шу жумладан электрон хизматлар ва шошилинч хизматлар.

2. Иштирок этувчи давлатлар, шунингдек қуйидаги зарур чораларни кўрадилар:

а) аҳоли учун очиқ ёки тақдим этиладиган объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини кўзда тутадиган минимал стандартлар ва кўрсаткич мўлжалларини ишлаб чиқиш, амалга киритиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

б) аҳоли учун очиқ ёки тақдим этиладиган объектлар ва хизматларни таклиф этадиган хусусий корхоналар ногиронлар фойдаланиш имкониятлари учун барча жиҳатларни ҳисобга олишларини таъминлаш;

с) ногиронлар дуч келадиган фойдаланиш имконияти муаммолари масаласига алоқадор барча томонлар учун йўриқнома беришни ташкил этиш;

д) аҳоли учун очиқ бинолар ва бошқа объектларга Брайль алифбосида бажарилган, осон ўқиладиган ва тушуниладиган шаклдаги белгиларни жойлаштириш;

е) аҳоли учун очиқ бинолар ва бошқа объектлардан фойдаланиш имкониятини енгиллаштириш учун ёрдамчилар ва воситачиларнинг турли хизматларини, шу жумладан йўл кўрсатувчилар, суҳандонлар ва профессионал сурдотаржимонлар хизматларини тақдим этиш;

ф) ногиронларнинг ахборотдан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ёрдам ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа зарур шакллари ривожлантириш;

г) ногиронларнинг янги ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланиш имкониятларини рағбатлантириш;

ҳ) аввалбошдан фойдаланиш имконияти бўлган, кам харажат талаб этадиган ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва тарқатишни рағбатлантириш.

(...)

21-модда

Фикр ва эътиқодни ифода этиш эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш имконияти

Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар фикр ва эътиқодларини эркин ифода этиш ҳуқуқини, шу жумладан ушбу Конвенциянинг 2-моддасида белгилаб қўйилган муомаланинг барча шаклларида ўз танлови бўйича фойдаланган ҳолда ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради, шу жумладан:

а) ногиронларни фойдаланиш имконияти бўлган шаклда ва ногиронлик турли шакллари ҳисобга олган технологиялардан фойдаланиб, ўз вақтида ва қўшимча ҳақ олмасдан кенг оммага мўлжалланган ахборот билан таъминлаш;

б) расмий муомалада ишора тили, Брайль алифбоси, муомалани кучайтирадиган ва муқобил воситаларидан ҳамда ногиронларнинг танлови бўйича муомаланинг бошқа фойдаланиш имконияти бўлган барча воситалари, усуллари ва шаклларида фойдаланишларига ёрдам кўрсатиш;

с) кенг оммага, шу жумладан Интернет орқали хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарни ногиронлар учун фойдаланиш имконияти бўлган ва яроқли шакллардаги ахборот ва хизматлар тақдим этишга даъват этиш;

д) оммавий ахборот воситаларини ногиронлар ахборотдан, шу жумладан Интернет орқали тақдим этадиган хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлашга даъват этиш;

е) ишора тилларидан фойдаланишни эътироф этиш ва рағбатлантириш.

(...)

30-модда

Маданий ҳаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини эътироф этади ва ногиронларга қуйидагиларни таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради:

а) маданият асарларидан фойдаланиш имконияти бўлган шаклларда фойдаланишларга имконият яратиш;

б) телевидение дастурлари, фильмлар, театр ва бошқа маданий тадбирлардан фойдаланиш имконияти бўлган шаклларда фойдаланиш имкониятини яратиш;

с) театрлар, музейлар, кинотеатрлар, кутубхоналар ва туризм хизматлари каби маданий тадбирлар ўтказиладиган ва хизматлар кўрсатиладиган жойлардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари, шунингдек миллий маданий аҳамиятга эга ёдгорлик ва объектлардан энг кўп имконият даражасида фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар ижодий, бадиий ва интеллектуал салоҳиятларини фақат ўзлари учунгина эмас, балки бутун жамиятни бойитиш учун ривожлантириш ва бу салоҳиятларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларига барча зарур чораларни кўради.

3. Иштирок этувчи давлатлар халқаро ҳуқуққа мувофиқ интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ногиронларнинг маданият асарларидан фойдаланишлари учун асоссиз ёки камситувчи тўсиқ бўлиб қолмаслигини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

4. Ногиронлар бошқалар билан тенг равишда уларнинг алоҳида маданий ва тили ўзига хослиги, шу жумладан ишора тиллари ва карлар маданияти эътироф этилиши ва қўллаб-қувватланиши ҳуқуқига эга.

(...)

31-модда

Статистика ва маълумотларни тўплаш

1. Иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенция ижросини таъминлаш мақсадида стратегиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

имконини берадиган зарур ахборотларни, шу жумладан статистика ва тадқиқот маълумотларини тўплаш мажбуриятини олади. Ушбу ахборотни тўплаш ва сақлаш жараёнида қуйидагиларга амал этилади:

а) ногиронлар шахсий ҳаёти махфийлиги ва дахлсизлигини таъминлаш учун белгилаб қўйилган ҳуқуқий кафолатларга, шу жумладан маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш;

б) статистика маълумотларини тўплаш ва улардан фойдаланишда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилишга тааллуқли халқаро эътироф этилган нормаларга, шунингдек ахлоқ принципларига риоя этиш.

2. Ушбу моддага мувофиқ тўпланган ахборот тегишли тарзда рўйхатга олинади ҳамда иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликларини баҳолаш, шунингдек ногиронлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда дуч келаётган тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун фойдаланилади.

3. Иштирок этувчи давлатлар ушбу статистика маълумотларини тарқатиш масъулиятини ўз зиммасига олади ва ногиронлар ҳамда бошқа шахслар улардан фойдалана олишларини таъминлайди.

Халқаро раддия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция **1952 йил 16 декабрь**

Муқаддима

Аҳдлашувчи давлатлар,
ўз халқлари тўла ва холисона хабардорлик борасидаги ўзларининг ҳуқуқларидан фойдалана олишларини истаб,
эркин ахборот ва фикр алмашиш йўли билан халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилашни истаб,

шу йўл билан башариятни уруш офатларидан қўриқлашни, ким томонидан бўлишидан қатъи назар тажовузкорлик такрорланишидан огоҳлантиришни ва тинчликка таҳдид солиш, тинчликка путур етказиш ёхуд тажовузкорлик содир этиш ёки унга қўмаклашишни кўзловчи ёхуд бунга сабаб бўлувчи ҳар қандай тарғиботга қарши курашишни истаб,

нотўғри маълумотларнинг эълон қилиниши халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш ва тинчликни сақлаб туриш учун хавф туғдиришини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўзининг навбатдаги иккинчи сессиясида давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларга зиён етказиши мумкин бўлган ёлғон ёки уйдирма маълумотларнинг тарқатилишига қарши чоралар кўришни тавсия этганини эътиборга олиб,

аммо маълумотлар тўғрилигини текширишнинг ёлғон ёки уйдирма маълумотлар эълон қилингани учун жазо қўлланишига олиб келиши мумкин бўлган бундай халқаро тартиби ўрнатилиши ҳозирги пайтда мақсадга мувофиқ эмаслигини эътиборга олиб,

шу билан бирга, бундай маълумотлар эълон қилинишининг олдини олиш учун ёки улар етказадиган зарар миқёсини камайтириш учун аввало ахборотнинг кенг қўламда тарқатилишига ва ахборот тарқатиш билан мунтазам шуғулланувчи кишиларда маъсулият ҳисси кучайишига қўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб,

ушбу мақсадга эришишнинг энг мақбул йўли тегишли ахборот агентлиги тарқатган муайян давлатларга бевосита дахлдор қандайдир ахборотни ёлғон ёки уйдирма деб эътироф этган шу давлатларнинг ўзига ўз раддияларини кенг қўламда эълон қилиш имконияти таъминлаб берилишидан иборат эканини эътиборга олиб,

айрим давлатлар қонунчилигида чет мамлакатлар ҳукуматлари фойдаланиши мумкин бўлган раддия ҳуқуқи кўзда тутилмагани ва шу боис бундай ҳуқуқнинг халқаро миқёсда белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ эканини эътиборга олиб,

Конвенцияни шу мақсадда имзолашга қарор қилиб,

Қуйидагиларга келишиб олдилар:

I модда

Мазкур Конвенцияда:

1. “Информацион хабар” ибораси – ёзма ёки электрон алоқа воситасида одатда ахборот агентликлари газеталарга, даврий нашрларга ва радиоэшиттириш ташкилотларига юборадиган ва улар эълон қилишдан олдин фойдаланадиган шаклдаги хабар берувчи материални англатади.

2. “Ахборот агентлиги” ибораси – матбуот, радио, кино, телевидение ёки телефотография соҳасига тегишли, ҳукуматга қарашли ёхуд хусусий бўлган, мунтазам равишда хабардор этувчи материалларни тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланадиган, ҳудудида асосий идораси жойлашган муайян аҳдлашувчи давлатнинг қонунлари ва қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган ҳамда ҳудудларида ўзи иш юритадиган барча аҳдлашувчи давлатларнинг қонунлари ва қарорларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган ташкилотни англатади.

3. “Мухбир” ибораси – Аҳдлашувчи давлатлардан бирининг фуқароси бўлган ёки аҳдлашувчи давлатлардан биридаги ахборот агентлигида хизмат қиладиган, мунтазам равишда хабардор этувчи материалларни тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланадиган ва чет элда эканида тегишли паспорт ёхуд ўзининг мухбирлигини тасдиқловчи халқаро даражада эътироф этилган намунадаги ҳужжатга эга муайян шахсни англатади.

II модда

1. Мухбирлар ва ахборот агентликларининг касб масъулияти улардан фактларни камситишларсиз ва тегишлича ўзаро алоқа-дорликда хабар қилишни талаб этишини, улар шу йўл билан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни ошириш, халқаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ҳамда халқаро тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни сақлаб туриш борасида қўмаклашишини эътироф этиб,

шунингдек, касб этикасига мувофиқ барча мухбирлар ва ахборот агентликлари ўзлари берган ёхуд чоп этган ва охир-оқибатда ёлғон ёки уйдирма бўлиб чиққан информацион хабарларга раддия беришда ёки чоп этишда худди шундай одатдаги тартибга амал қилиши зарурлигини эътиборга олиб,

Аҳдлашувчи давлатлар келишиб олдиларки, Аҳдлашувчи давлатлардан бири муайян Аҳдлашувчи давлатнинг ёки мазкур Конвенция иштирокчиси ҳисобланмаган давлатнинг мухбирлари ёхуд ахборот агентликлари бир мамлакатдан бошқасига узатган информацион хабарлар ўзининг бошқа давлатлар билан муносабатларига ёки миллий шаъни ва қадр-қимматига зиён етказиши мумкин деб тасдиқласа ҳамда шу давлатнинг ҳудудидан ташқарида чоп этилган ёхуд тарқатилган ушбу маълумотлар ёлғон ёки уйдирма ҳисобланса, у ўз ҳудудидида ўша хабарлар чоп этилган ёхуд тарқатилган Аҳдлашувчи давлатларга тегишли фактлар юзасидан ўз версиясини (бундан кейин “коммюнике” деб аталади) тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ушбу коммюнике нусхаси бир вақтнинг ўзида тегишли мухбир ёхуд ахборот агентлигига юборилади ва бу билан ўша мухбир ёхуд ахборот агентлигига тегишли информацион хабарни тузатиш имконияти яратиб берилади.

2. Бундай коммюнике фақат информацион хабарларга нисбатангина татбиқ этилиши мумкин ва унда ҳеч қандай танбеҳ ёки фикр-мулоҳаза баён этилмаслиги керак. Унинг ҳажми гўёки йўл қўйилган ноаниқлик ёхуд уйдирмани тузатиш учун зарур бўлганидан ортиқ даражада чўзилиб кетмаслиги керак ва чоп этилган ёхуд тарқатилган хабарнинг сўзма-сўз матни, шунингдек ушбу хабар мухбир ёхуд ахборот агентлиги томонидан чет элдан узатилганини исботловчи далил мазкур коммюникега илова қилиниши зарур.

III модда

1. Бундай коммюникени олган Аҳдлашувчи давлатлар, II модда қоидаларига мувофиқ юборилган коммюнике олинган кундан эътиборан имкон қадар қисқа вақтда ва ҳар ҳолда беш кеча-кундуз ичида, фактларга нисбатан ўз позицияси қандай эканидан қатъи назар, қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

а) мазкур коммуникени ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган мухбирлар ва ахборот агентликларига, халқаро масалаларга тааллуқли хабарларни узатиш учун белгиланган одатдаги тартибда, чоп этиш мақсадида юбориш;

б) ҳамда худди шу коммуникени мухбири тегишли хабар пайдо бўлиши учун жавобгар бўлган муайян ахборот агентлигининг асосий идорасига, агар ушбу асосий идора шу давлат ҳудудида жойлашган бўлса, етказиб бериш.

2. Агар Аҳдлашувчи давлатлардан биронтаси бошқа Аҳдлашувчи давлатдан келиб чиқиб ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаса, у ҳолда коммунике юборган давлат икки томонламалик принципини қўллаш ва ўз мажбуриятини бузган давлат қачондир ўзига йўллайдиган муайян коммуникега нисбатан худди шу тартибда муносабатда бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

IV модда

1. Агар Аҳдлашувчи давлатлардан биронтаси II моддага мувофиқ юборилган бундай коммуникени олганидан кейин III моддада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаса, ўзининг раддия бериш ҳуқуқини рўёбга чиқараётган Аҳдлашувчи давлат тегишли коммуникени, унга чоп этилган ёхуд тарқатилган хабарнинг сўзма-сўз матнини илова қилган ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин;

айни пайтда мазкур давлат ўз хатти-ҳаракати билан уни шикоят қилишга сабабчи бўлган давлатни ўзининг бундай қадамидан хабардор этиши зарур. Бундай хабарни олган тегишли давлат хабар келган кундан эътиборан беш кеча-кундуздан кечикмай Бош котибга ўз фикр-мулоҳазаларини тақдим этиши мумкин, бунда ана шу фикр-мулоҳазалар фақат ушбу давлат кейин III модда бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни гўёки бажармагани ҳақидаги айбловгагина тааллуқли бўлиши даркор.

2. Бош котиб ҳар қандай шарт-шароитда мазкур коммуникени, у олинган кундан эътиборан ўн кеча-кундуздан кечиктирмай, ўз хатти-ҳаракати билан шикоят қилишга сабабчи бўлган давлатнинг ўзига тақдим этилган маълумотлари ва фикр-мулоҳазалари билан биргаликда, агар шундай маълумотлар тақдим этилган бўлса, ихтиёридаги ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда, тегишли даражада ошкор этиши зарур.

V модда

Ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ Аҳдлашувчи давлатлар ўртасида мазкур Конвенцияни талқин этиш ёки қўллаш борасида юзага келадиган барча келишмовчиликлар, уларни музокалар

йўли билан баргараф этиш имкони бўлмаган тақдирда, агар Аҳдлашувчи давлатлар ўзларининг ана шу келишмовчиликларини ҳал этишининг бошқа биронта усули юзасидан ягона битимга келмаган бўлса, у ҳолда ҳал этиш учун Халқаро Судга оширилади.

VI модда

1. Мазкур Конвенция ҳар қандай давлат – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ахборот эркинлиги тўғрисидаги масала бўйича 1948 йили Женевада бўлиб ўтган Конференциясига таклиф этилган барча давлатлар ва Бош Ассамблея резолюциясида бундай ҳуқуққа эга деб эълон қилинадиган бошқа ҳар қандай давлатлар имзолаши учун очиқдир.

2. Мазкур Конвенция уни имзолаган давлатлар томонидан уларнинг асосий қонунларида кўзда тутилган тартибда ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрликлари сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

VII модда

1. Мазкур Конвенция VI модданинг 1-бандида кўзда тутилган давлатлар унга қўшилиши учун очиқдир.

2. Қўшилиш бу ҳақдаги ҳужжатни сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топшириш билан амалга оширилади.

VIII модда

VI модданинг 1-бандида кўзда тутилган давлатлардан ҳар қандай олтитаси ўзларининг ратификация ёрликлари ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатларини сақлаш учун топширгач, олтинчи ратификация ёрлиги ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейин ўттизинчи кундан эътиборан улар ўртасида мазкур Конвенция кучга киради. Мазкур Конвенция уни ратификация қилаётган ёки унга қўшилаётган ҳар бир давлат учун шу давлат ўзининг ратификация ёрлиги ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатини сақлаш учун топширганидан кейин ўттизинчи кундан эътиборан кучга кириб боради.

IX модда

Мазкур Конвенция қоидалари Конвенция иштирокчисига айланган давлат метрополияси ҳудуди билан бир қаторда, шу давлат бошқарувида ёхуд қўл остида бўлган барча ҳудудларда, уларнинг ўзини ўзи бошқармайдиган, васийликдаги ёхуд мустамлака ҳудуд эканидан қатъи назар, бир хилда тарқалади ва қўлланилади.

X модда

Ҳар бир Аҳдлашувчи давлат мазкур Конвенцияни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини бу ҳақда хабардор қилиш

йўли билан, денонсация қилиши мумкин. Денонсация Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби бу ҳақда тегишлича хабар топган кундан эътиборан олти ойдан кейин кучга киради.

XI модда

Мазкур Конвенциянинг таъсир ҳаракати денонсация кучга кирган кундан, Конвенцияда иштирок этувчи томонлар миқдори олтитадан камайиб қолганидан кейин, барҳам топади.

XII модда

1. Ҳар қандай Аҳдлашувчи давлат ҳар қандай пайтда мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқишни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини бу ҳақда хабардор қилиш орқали, сўраши мумкин.

2. Бош Ассамблея бундай илтимосга нисбатан кўриладиган чоралар тўғрисидаги масалани, агар бу зарур деб топилса, ҳал этади.

XIII модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби VI модданинг 1-бандида кўзда тутилган давлатларни қуйидагилар ҳақида хабардор этади:

а) VI ва VII моддаларга мувофиқ, ўзининг хабардорлиги асосида имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш, денонсация қилиш ҳужжатлари тўғрисида;

б) XIII моддага мувофиқ, мазкур Конвенциянинг кучга кириш санаси ҳақида;

с) X модданинг 1-бандига мувофиқ, олинган денонсация қилиш ҳужжатлари ҳақида;

б) XI моддага мувофиқ, бекор қилиш тўғрисида;

е) VII моддага мувофиқ, олинган билдиришлар тўғрисида.

XIV модда

1. Инглизча, испанча, хитойча, русча ва французча матнлари бир хил кучга эга бўлган мазкур Конвенция сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби унинг тасдиқланган нусхаларини VI модданинг 1-бандида кўзда тутилган барча давлатларга юборади.

3. Мазкур Конвенция ўзи кучга кирган кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида қайд этилади.

“Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисида”ги қўшма декларация 2020 йил 30 апрель

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Фикр эркинлиги ва уларнинг эркин ифода этилиши ҳуқуқини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалалар бўйича махсус маърузачиси,

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили,

Америка давлатлари ташкилотининг (АДТ) Фикрни ифода этиш эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси

«АРТИКЛЬ 19, Фикрни ифода этиш эркинлиги йўлида бутун-жаҳон кампанияси» ҳамда «Ҳуқуқ ва демократия масалалари бўйича марказ (ХДМ)» ташкилотлари кўмагида муҳокамалар ўтказиб;

Ўзларининг 1999 йил 26 ноябрда, 2000 йил 30 ноябрда, 2001 йил 20 ноябрда, 2002 йил 10 декабрда, 2003 йил 18 декабрда, 2004 йил 6 декабрда, 2005 йил 21 декабрда, 2006 йил 19 декабрда, 2007 йил 12 декабрда, 2008 йил 10 декабрда, 2009 йил 15 майда, 2010 йил 3 февралда, 2011 йил 1 июнда, 2012 йил 25 июнда, 2013 йил 4 майда, 2014 йил 6 майда, 2015 йил 4 майда, 2016 йил 4 майда, 2017 йил 3 мартда, 2018 йил 2 майда ва 2019 йил 10 июлда қабул қилган қўшма декларацияларини эътиборга олиб ва тасдиқлаб;

Фикрни ифода этиш ва ахборот эркинлиги, эркин, мустақил ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган оммавий ахборот воситалари ҳамда очик ва фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган интернетнинг эркин ва адолатли сайловлар, жумладан, референдумлар ўтказишни таъминлашда, хусусан, жамоатчиликни партиялар, номзодлар ва уларнинг сиёсий платформалари билан таништириб боришда таянч аҳамият касб этишини таъкидлаб;

Хусусан, оммавий ахборот воситалари, сайловлар даврида шароит тақозо этган ҳолларда, жумладан, номзодлар ва партияларнинг жамоатчилик билан мулоқоти учун тенг имкониятлар, сиёсий дебатлар уюштиришга платформалар ҳамда сайловлар билан боғлиқ масалалар бўйича ҳолис ва ишончли ахборот тақдим этишда алоҳида ўрин тутишини қайд этиб;

Демократия учун медиа-муҳитнинг изчил суръатларда ривожланиши, ижтимоий аҳамиятга эга масалалар бўйича фаол оммавий мунозаралар ўтказилиши ҳамда жамоатчиликнинг хилма-хил ахборот ва ғоялардан хабардорлигига эришиш мақсадида зарур шароитларнинг мавжуд бўлиши муҳим эканини эътироф этиб;

Ҳозирги даврда, шу жумладан, коммуникация шакллари сезиларли даражада ривожланаётгани, анъанавий ва рақамли оммавий ахборот воситалари ўзаро яқинлашаётгани ҳамда ижтимо-

ий тармоқлар ва рақамли технологияларнинг роли тобора ортиб бораётгани, шунингдек ана шу ўзгаришларни ҳисобга оладиган ҳамда онлайн-контентни янгилашни очик ва масъулият билан назорат қилишга қўмаклашадиган норматив асосга эҳтиёж мавжудлиги, ўз навбатида, фикрни ифода этиш эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги олдида турган даъватлар эканлигини чуқур англаб;

Сайловларни ўтказиш даврида сайловчилар учун ахборотдан эркин фойдаланиш, ўз фикрини эркин ифода этиш ва номзодлар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш борасида, шунингдек номзодлар ва партиялар, шу жумладан, чекланган ресурсларга эга бўлганлари учун ўз хабарларини тарқатиш ва тарафдорларини сафарбар этиш каби масалаларда зарур имкониятларни таъминлашда рақамли технологияларнинг ижобий салоҳиятини тан олиб;

Сайловларни ёритиш даврида журналистлар дуч келиши мумкин бўлган таҳдидлар ва уларга қарши зўравонлик ҳолатлари, шунингдек журналистларга, айниқса, аёл-журналистларга қарши қаратилган бўҳтонбозлик кампаниялари уларнинг ишига ҳамда жамоатчиликнинг журналистикага нисбатан ишончига путур етказишидан жиддий хавотир билдириб;

Давлат ҳокимияти органларини оммавий ахборот воситаларида, уларнинг жамоат мулки ёки хусусий мулкка тааллуқли эканидан қатъи назар, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотлар ёритилиши ёхуд шундай мазмундаги тарғибот тарқатилишига эришиш мақсадида ўз мақомини суистеъмо қилишдан тийилишга чақириб;

Тангликни юзага келтириши ва, ҳатто, сайлов ўтказилиши муносабати билан зиддиятларни кучайтириши эҳтимоли мавжуд бўлган нотўғри, ёлғон, ноҳолис, ноҳақ ва “нафрат тили”даги ахборотлар тарқатишни қоралаб, партиялар ва номзодларни ўзларининг сайловолди мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида атайлаб бундай тарздаги баёнотлар беришдан сақланишга ҳамда сайловларни тартибга солувчи мустақил органлар бу каби чиқишларга қарши курашиш ва ахборотдан эркин фойдаланиш борасида қўмаклашишда муҳим роль ўйнашини эътироф этишга ундаб;

Давлатга қарашли ва хусусий субъектлар томонидан сайлов жараёнларига путур етказиш, шу жумладан, бунда шубҳали хулқ-атворнинг турлича шакллари ва “ҳисоблаш тарғиботи”ни (хулқ-атворга таъсир кўрсатувчи автоматлаштирилган воситаларни) қўллаш орқали ижтимоий тармоқлардан ғайриқонуний фойдаланилиши ҳолатларидан ташвиш билдирган ҳолда;

Қўплаб давлатларнинг, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, расман мақбул қонунлар қабул қилиш орқали асоссиз равишда фикр билдириш эркинлигини чеклашидан, оммавий ахборот воситалари устидан давлат назоратини кен-

гайтиришидан, интернетда сўз эркинлигини чегаралаб қўйишидан ва (ёки) фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни йиғиш борасида турли субъектлар имкониятларини кучайтиришидан хавотирланган ҳолда;

Жамоатчиликнинг интернетдан фойдаланиши учун тўсиқлар мавжудлиги, шу жумладан, унинг тўлиқ ёки қисман ўчириб қўйилиши ҳолатлари оммавий ахборот воситалари, партиялар, номзодлар ва бошқа шахсларнинг жамоатчилик билан ўзаро муносабатда бўлиш, шунингдек жамоатчилик вакилларининг ахборотдан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўяётганидан афсусланиб;

Партиялар ва номзодлардан сайловлар даврида оммавий ахборот воситаларидаги реклама учун сарфланадиган харажатлар борасида шаффофликни талаб этадиган ишончли қоидалар ва тизимлар зарурлигини таъкидлаб;

Бутун дунёда COVID-19 пандемияси авж олган шароитда режалаштирилган сайловларнинг ўтказилиши жамоатчиликни хабардор этиш борасида қўшимча тўсиқларни юзга келтириши мумкинлигини, айниқса, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаси билан танлаш имконига эга бўлишлари учун уларга зарур даражадаги хилма-хил ахборот ва ғоялар ниҳоятда керак бўлиб турган даврда баъзи ахборотлар давлат субъектлари томонидан асоссиз равишда тикиштирилиши ҳолатлари учраши эҳтимоли мавжудлигини эслатиб;

2020 йил 30 апрель куни, Жаҳон матбуот эркинлиги куни тантаналари доирасида қуйидаги Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қиладилар:

1. Давлатларга тавсиялар

а. Умумий принциплар

i. Давлатлар эркин, мустақил ва фикрлар хилма-хиллиги асосида фаолият юритадиган ҳамда сайловчиларга партиялар, номзодлар ва бутун сайловлар жараёни ҳақида тўлиқ, ҳаққоний ва ишончли ахборот тақдим этиши мумкин бўлган анъанавий ва рақамли оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий ва институционал асос яратишлари тақозо этилади.

ii. Давлатлар аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, рақамли технологиялар борасидаги жинсий, ирқий, миллий мансублик, ногиронлик, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва бошқа белгилар билан боғлиқ фарқланишлардан қатъи назар, ҳамманинг интернет ва бошқа рақамли технологиялардан амалий фойдалана олишини, шунингдек тармоқлар мустақиллиги принципига риоя қилиниши учун аниқ талаблар ва стратегиялар белгилашни таъминлайдиган тизимларни ташкил этишлари керак бўлади.

iii. Давлатлар сайлов даврида фикрни ифода этиш эркинлиги-га нисбатан қўлланиладиган ҳар қандай чекловлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонунчиликнинг учта мезони – қўзланган мақсаднинг қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва зарурийлиги талабларига жавоб бериши ҳамда қуйидагиларни назарда тутишини таъминлашлари тақозо этилади:

1) Оммавий ахборот воситаларини олдиндан цензура қилишга, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларининг веб-сайтларини маъмурий тарзда ёпиб қўйиш ёки интернетни ўчиришга йўл қўйилмайди.

2) Сайловолди ташвиқоти ҳуқуқининг ҳар қандай тарздаги чекланиши халқаро стандартлар, жумладан оддий фуқаролардан фарқи равишда, оммага таниқли инсонлар ўз шахсиятига қаратилган танқид ва ўз фаолиятига бўлган синчков эътиборга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлишларини талаб этадиган андозаларга мос келиши зарур.

3) Нотўғри ахборотга доир қонунлар умумий мазмунда ёки ноаниқ бўлиши, масалан, “сохта янгиликлар” ёхуд “ноҳолис ахборот” тақиқига доир нормаларни қўзда тутиши мумкин эмас.

4) Сайлов даврида ижтимоий фикр сўрови натижаларини ёри-тадиган оммавий ахборот воситаларига нисбатан киритиладиган ҳар қандай чекловлар ҳам юқорида тилга олинган учта мезонга қатъиян мос келиши шарт.

iv. Давлат субъектлари ҳеч қандай ҳолатда ўз мавқеи ёки ва-колатларини суиистеъмол қилмасликлари керак, улар оммавий ахборот воситаларини лицензиялаш ё улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ёки уларнинг тартибга солувчи органлари (регуляторлари) орқали бевосита аралашув йўли билан ёхуд газе-та қоғози харид қилиш, радиочастоталардан фойдаланиш, бутун мамлакат миқёсида оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари-ни эркин тарқатиш имкониятларини чеклаш каби билвосита йўл-лар билан оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига, шу жум-ладан, сайловларнинг ёритилишига ноқонуний таъсир кўрсатиш мақсадига қаратилган чораларни қўллагмасликлари зарур.

v. Давлат субъектлари оммавий ахборот воситаларини расмий ахборот манбалари ва давлат лавозимларига номзодлар билан боғланишини ишончли тарзда таъминлашлари ҳамда бундай ахбо-рот ва ғояларни тарқатиш йўлидаги асоссиз тўсиқларга, жумладан, COVID-19 пандемияси даврида, шу жумладан, мазкур Қўшма декла-рацияни амалда татбиқ этиш доирасида барҳам беришлари зарур.

b. Сайловларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши

i. Анъанавий, шунингдек рақамли оммавий ахборот воситала-ри сайлов даврида бевосита партиялар ёки номзодлар томонидан эълон қилинган баёнотларни тарқатганлик учун жавобгарликдан озод этилиши керак, бу баёнотлар мустақил ва холис суд ё маъму-рий орган томонидан ноқонуний деб эътироф этилган ёхуд зўра-вонликка қутқу қиладиган мазмунли туфайли оммавий ахборот

воситаси ихтиёрий равишда уни тарқатишнинг олдини олиш имконига эга бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

ii. Оммавий ахборот воситаларига тааллуқли қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш ваколатига эга ҳар қандай маъмурий орган сайлов даврида ҳукуматдан мустақил бўлиши ва унинг қарорлари суд томонидан ўз вақтида назорат қилиб борилиши лозим.

iii. Жамоатчилик асосида ва давлат томонидан таъсис этилган барча оммавий ахборот воситалари сайлов даврида жамоатчиликнинг сайлов бўйича маълумотлардан хабардорлигини таъминлаб боришлари, адолат, ҳолислик ва мувозанат тамойилларига қатъий амал қилишлари, шунингдек барча партиялар ҳамда номзодларга жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқот учун тенг имкониятларни текинга ёки аниқ белгиланган миқдордаги маблағлар эвазига тақдим этишлари зарур.

iv. Сайлов даврида номзодларга тенг имкониятлар яратиш учун ажратилган маблағларга доир ҳар қандай қоидалар анъанавий, шунингдек рақамли оммавий ахборот воситаларига нисбатан, уларнинг фарқли хусусиятларини, шу жумладан, сиёсий реклама шаффофлиги тўғрисидаги талабга жавоб беришини ҳисобга олган ҳолда, қўлланилиши лозим.

v. Давлатлар рақамли оммавий ахборот воситалари фаолиятдан, жумладан, сайлов мавзусидаги рақамли ахборотлардан хабардорлиқни таъминлаш мақсадида бу борада аҳолининг саводхонлигини оширишга қаратилган ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга ошириши талаб этилади.

vi. Агар тегишли шахслар ўз шахсий маълумотларидан айна шу мақсадда фойдаланишга розилик бермаган бўлса, уларнинг шахсий маълумотларига асосланган сиёсий рекламани, айниқса, сайлов даврида медиа тармоқларида мақсадли аудиторияларда тарғиб этишга (таргетинг қилишга) йўл қўйилмайди.

с. Фикрни ифода этиш эркинлигига / оммавий ахборот воситалари эркинлигига чекловлар

i. Давлатлар нотўғри ахборотга қарши онлайн курашиш бора-сидаги ижобий чора-тадбирларни, хусусан, далилларни текшириш бўйича мустақил механизмлар яратиш ва жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш бўйича кампаниялар ўтказишни қўллаб-қувватлаш имкониятларини кўриб чиқишлари, бунда нотўғри ахборот учун жиноий жавобгарлик ўрнатишга йўл қўймасликлари керак.

ii. Давлатлар фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишга тўғридан-тўғри тўсқинлик қилишга, масалан, қаерда ва қачон овоз берилишига оид нотўғри ахборотни қасддан тарқатишга қаратилган баёнотларнинг эълон қилинишини тақиқладиган аниқ ифодали ва мутаносиб қонунларни қабул қилишлари талаб этилади.

iii. Давлатлар сайловлар даврида журналистларга ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа вакилларига, шу жумладан, улар-

нинг мол-мулки ва оиласига нисбатан ҳам офлайн, ҳам онлайн шаклда уюштирилган ҳужумлар, таҳдидлар, таъқиблар ва қўрқи-тишларнинг олдини олиш, бу қилмишларни тергов қилиш, судда муҳокама этиш ва жазолаш бўйича тезкор ва самарали чоралар кўриш учун, айниқса, бундай ҳолатларда давлат субъектларининг алоқаси бор бўлса ёки алоқаси борлиги тахмин қилинган тақдир-да, алоҳида мажбур ҳисобланади. Мазкур талаб аёл-журналистлар ва аҳолининг маргиналлашган гуруҳларига мансуб шахслар билан боғлиқ ҳолатларда янада қатъий аҳамият касб этади.

iv. Интернет-воситачилар ўзларининг платформаларида тарқатилган ёлғон, нобоп ва ноҳолис ахборот учун жавобгар бўл-масликлари лозим, улар томонидан матн мазмунига бевосита таъсир кўрсатиш ёки ўша матнни (контентни) олиб ташлаш тўғри-сидаги юридик мажбурий кучга эга қарорни бажармаслик ҳолат-лари бундан мустаснодир.

d. Сайловларга доир ахборотдан эркин фойдаланиш

i. Давлатлар анъанавий, шунингдек рақамли оммавий ахборот воситаларидан, камситмаслик принципига мувофиқ, уларнинг мулкий тузилиши тўғрисидаги маълумотни очиқлашларини талаб қилиши тақозо этилади.

ii. Партиялар ва номзодлар ўзларининг сайлов учун, шу жум-ладан, анъанавий ва рақамли оммавий ахборот воситаларидаги тарғибот ҳамда рақамли коммуникация соҳасидаги бошқа фаоли-ят учун сарфлайдиган харажатлари манбаи билан боғлиқ маълум-отларни ўз вақтида, жумладан, оммавий ахборот воситаларига тақдим этишлари зарур.

iii. Давлат субъектлари, жумладан, сайлов ўтказиш жараёнла-рини тартибга солиш учун масъуллар ўзларининг интернет-воси-тачилар, хусусан, рақамли компаниялар ва ижтимоий тармоқлар билан сайловга тааллуқли ҳар қандай расмий ё норасмий кели-шувлари ёки шериклик муносабатлари борасида шаффофликни (транспарентликни) таъминлашлари лозим.

2. Нодавлат субъектлар учун тавсиялар

a. Рақамли субъектлар

i. Интернет-воситачилар ва рақамли оммавий ахборот воси-талари БМТ ишлаб чиққан “Тадбиркорлик фаолиятининг инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан раҳбарий принциплари”ни амал-да қўллашлари керак ҳамда ўз маҳсулоти, сиёсати ва амалиёти, шу жумладан, шахсий маълумотларни йиғиш ва хабарларни тор доирада тарқатиш (микротаргетинг) соҳасидаги фаолияти ин-сон ҳуқуқларини бузмаслигини таъминлаш учун зарур даражада эҳтиёткорлик билан иш кўришлари лозим.

ii. Рақамли оммавий ахборот воситалари ва платформалар фойдаланувчиларнинг хилма-хил сиёсий қарашлар ҳамда нуқтаи назарлардан эркин хабардор бўлишларига имконият берадиган

чораларни кўриш борасида оқилона саъй-ҳаракат қилишлари зарур. Хусусан, улар алгоритмли тартибга солиш (ранжирлаш) каби автоматлаштирилган воситалар, қасддан ёки қасддан бўлмаса ҳам, сайловга тааллуқли контентдан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслигига ва фойдаланувчиларнинг хилма-хил нуқтаи назарлар билан танишишини қийинлаштириб қўймаслигига ишонч ҳосил қилишлари тақозо этилади.

iii. Етакчи интернет-воситачилар, зарур даражада эҳтиёткорлик билан ёндашган ҳолда, ўзларининг сиёсий рекламага тааллуқли маҳсулоти, сиёсати ва амалиёти беихтиёр равишда номзодлар ёки партияларнинг ўз хабарларини тарқатиш имкониятини чеклаётганлиги билан боғлиқ ҳолатни баҳолаш масаласини назарда тутишлари лозим.

iv. Рақамли оммавий ахборот воситалари ва интернет-воситачилар сайловга тааллуқли ёлғон, нобоп ва ноҳолис ахборот ҳамда спамга қарши курашиш учун оқилона саъй-ҳаракатларни амалга оширишлари, жумладан, далилларни мустақил текшириб кўриш, рекламаларни архивлаштириш, контентни зарур даражада модерация қилиш ва жамоатчиликни огоҳлантириш каби чораларни кўришлари зарур.

v. Рақамли субъектлар автоматлаштирилган воситалардан фойдаланиш ва уларга ҳар қандай турдаги амалий таъсир кўрсатиш масаласида, зарур ҳолларда, шаффоф бўлишлари лозим, гарчи ушбу воситалар ишлашини таъминлайдиган махсус кодлаштириш тизимига нисбатан бундай ёндашув мажбурий эмас, бинобарин, мазкур воситалар маълумотларни йиғиш, рекламани тарғиб қилиш (таргетинг), контентни, айниқса, сайловга тааллуқли ахборотни алмашиш, тартибга солиш ва (ёки) олиб ташлаш жараёнига таъсир кўрсатади.

b. Бошқа манфаатдор томонлар

i. Кўрсатиш-эшиттириш билан шуғулланадиган оммавий ахборот воситалари учинчи шахслар сайлови тўғрисидаги материалларни ёритишга аралашмасликлари керак, агар бу ишни бажариш суд қарори ёки мустақил ва холис тартибга солувчи (шу жумладан, маъмурий) орган қарорида кўрсатилган бўлса ёхуд, масалан, зўравонлик орқали қонуний манфаатларга сезиларли даражада зарар етказишининг олдини олиш зарурати юқори даражада ишончли ва аниқ бўлган ҳолатларда бундай тақик истисно этилади.

ii. Партиялар, сиёсатчилар ва номзодлар ўзларининг сайлов муносабати билан оммага ошкор қилган ҳар қандай маълумотларидан оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистларнинг хабардор бўлишлари имкониятини чеклашдан тийилишлари зарур.

iii. Анъанавий, шунингдек рақамли оммавий ахборот воситалари ўзлари ўтказадиган ёки бу ҳақда хабар тарқатадиган ҳар қандай ижтимоий фикр сўровларида фойдаланиладиган методологиялар шаффофлигини назарда тутишлари лозим.

2-БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА УМУМЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури 1993 йил 25 июнь (кўчирма)

39. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари ва инсонпарварлик масалалари бўйича холисона, масъулиятли ва бетараф ахборотнинг муҳимлигини таъкидлаб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференциясида оммавий ахборот воситаларининг кенгроқ қатнашишини қўллаб-қувватлайди. Оммавий ахборот воситаларига миллий қонунчилик доирасида эркинлик ва ҳимоя кафолатланган бўлиши керак.

(...)

67. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган муассасалар мустақамланиши ва барпо этилишига, плюралистик фуқаролик жамияти ривожланишига ва ночор гуруҳлар ҳимоя қилинишига кўмаклашиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу жиҳатдан ҳукуматларнинг илтимосига кўра эркин ва адолатли сайловларни ўтказишда берилаётган ёрдам, шу жумладан, сайловларга тегишли бўлган инсон ҳуқуқлари ва жамоатчиликни сайловлардан хабардор қилишда кўмак бериш йўли билан ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Қонунийликни мустақамлаш, фикрни эркин ифодалашни рағбатлантириш, шунингдек адолатли суд қилиш ҳамда қарорлар қабул қилиниши жараёнида халқни реал ва самарали иштирок этишга кўрсатилаётган ёрдам кам бўлмаган аҳамиятга эгадир.

3-БОБ. ЮНЕСКОНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ

**Оммавий ахборот воситаларининг тинчлик ва халқаро
ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини
ривожлантириш ва ирқчилик ҳамда апартеид ва урушга
ғижғижлашга қарши курашдаги ҳиссасига оид асосий
принциплар тўғрисидаги декларация**
1978 йил 28 ноябрь
(қўчирма)

Муқаддима

(...) “ахборот эркинлиги” инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисоблана-ди ва эркинликнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ҳимоя-сига олган барча турлари учун мезон саналади;..

II модда

1. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг таркибий қисми сифатида этироф этиладиган фикр, уни ифодалаш ва ахборот эркинлигини амалга ошириш тинчлик ва халқаро ҳам-жиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

2. Жамоатчиликнинг ахборотга эга бўлиши ранг-баранг очик манбалар ва ахборот воситалари кўмагида таъминланиши ва шу йўл билан ҳар бир кишининг фактлар асослилигига ишонч ҳосил қилиш ва воқеа-ҳодисаларни холис баҳолаш имконияти кафолат-ланиши керак. Шу мақсадда журналистлар маълумотларни узатиш эркинлигига ва ахборот олишнинг имкон қадар тўлақонли восита-ларига эга бўлиши зарур. Шунинг баробарида, оммавий ахборот воситалари халқлар ва алоҳида шахсларнинг истак-хоҳишларига жавоб бера олиши ва, бунинг натижаси ўларок, ахборот тайёр-лашда жамоатчилик иштироки таъминланишига кўмаклашиши муҳим аҳамиятга эга.

4. Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятида мазкур Декла-рация принципларига амал қила олишлари учун журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа ходимлари ўз мам-лакатида ёки хорижда шундай ҳимоядан фойдаланиши керакки, уларга ўзларининг касбий фаолиятини бажариши учун энг қулай шарт-шароит таъминлаб бериладиган бўлсин.

III модда

1. Оммавий ахборот воситалари тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда ирқчилик, апартеид ва урушга гижигишлашга қарши кураш йўлида ўзининг муҳим ҳиссасини қўшиши керак.

2. Тажовузкорона урушлар, ирқчилик, апартеид ва шу каби хурофот ҳамда жаҳолат васвасаси ҳисобланмиш инсон ҳуқуқларининг бошқа хил бузилишларига қарши курашда ахборот воситалари барча халқларнинг орзу-умидлари, мақсад ва интилишлари, маданиятлари ва эҳтиёжлари ҳақида маълумотлар тарқатиш орқали халқлар ўртасидаги ноаҳиллик ва бир-биридан беҳабарлик барҳам топишига, бир мамлакат фуқаролари бошқаларининг эҳтиёж ва интилишларини англаб етишига, барча миллатлар, барча халқлар ва барча шахсларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қиммати ирқи, жинси, тили, дини ёки миллатидан қатъи назар бирдек таъминланишига ва башариятнинг қашшоқлик, очарчилик ва касалланиш сингари катта кулфатларига эътиборни жалб этишга кўмаклашади, шу йўл билан давлатларнинг халқаро тангликни энгиллаштиришга ва халқаро низоларни тинчлик ҳамда адолат асосида бартараф этишга қаратилган энг мақбул сиёсатни ишлаб чиқишида ёрдам беради.

IV модда

Оммавий ахборот воситалари инсон ҳуқуқларини, барча кишилар ва барча миллатлар ҳуқуқлари тенглигини ривожлантириш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришиш мақсадида ёшларни тинчлик, адолат ва эркинлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнаши даркор. Улар ёш авлод дунёқараши ва орзу-умидлари билан таништириб боришда ҳам муҳим роль ўйнаши шарт.

V модда

Фикр, уни ифодалаш ва ахборот эркинлигини ҳурмат қилиш учун ва ахборот барча нуқтаи назарларни тўла ифодалай олиши учун кишиларнинг ўзи ҳақида чоп этилган ёки тарқатилган муайян ахборот тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ёхуд ирқчилик, апартеид ва урушга гижигишлашга қарши кураш бўйича ўз саъй-ҳаракатларига жиддий зиён етказди деб ҳисоблашдан иборат фикр-мулоҳазалари ва баҳоларига ошқора йўл берилиши зарур.

VIII модда

Касб бўйича ташкилотлар, шунингдек журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа ходимларини касбга тайёрлашда иштирок этувчи ҳамда уларга ўз вазифаларини масъулият

билан бажаришида қўмаклашувчи шахслар ахлоқ кодексларини ишлаб чиқиш ва улар ижросини таъминлаш жараёнида мазкур Декларация принципларига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

IX модда

(...) ахборот эркин (...) тарқатилиши, шунингдек журналистлар ҳимояси таъминланиши учун (...) зарур шарт-шароит яратишга қўмаклашиш керак (...)

XI модда

Мазкур Декларациянинг тўла самарадорлигини таъминлаш учун... Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда баён этилган тегишли принципларга мувофиқ равишда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун зарур шарт-шароит (...) кафолатланиши (...) шарт (...)

Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Виндхук декларацияси 1991 йил 3 май

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йил 14 декабрдаги 59(1)-резолюцияси тасдиғи сифатида ахборот эркинлиги – инсоннинг асосий эркинлиги эканини қайд этиб,

БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 11 декабрдаги инсонийлик хизматидаги ахборотга доир 45/76А-резолюцияси, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1989 йилдаги асосий эътибор “миллатлар ўртасида ва халқлар ичида сўз ва тасвирда ифодаланган ғоялар оқими эркинлиги”га қаратилган 25С/104-резолюциясини тасдиқлаб,

Биз баёнот берамизки:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасига мувофиқ мустақил, плюралистик ва эркин матбуотни таъсис этиш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш миллат демократиясини ва иқтисодий тараққиётини ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

2. Мустақил матбуот, деганда – биз давлатдан, сиёсий ва иқтисодий назоратдан, газеталар, журналлар ва даврий нашрлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун зарур материаллар ҳамда инфратузилмалар устидан назорат ўрнатилишидан мустақил бўлган матбуотни тушунамиз.

3. Плюралистик матбуот, деганда – биз барча турдаги яққал кимликларнинг барҳам топишини ва жамиятдаги барча ранг- ба-

ранг фикрлар ифодасини ўзида акс эттирувчи газеталар, журналлар ва даврий нашрлар имкон қадар кўпроқ бўлишини тушунамиз.

4. Кўппартияли демократияга интилаётган ва мустақил ҳамда плюралистик матбуот пайдо бўлиши учун тегишли муҳит яратаётган Африка давлатларининг сони тобора ортиб бораётгани билан боғлиқ ўзгаришларни қутлаймиз.

5. Демократияга ва ахборот ҳамда фикрни ифодалаш эркинлигига дунё миқёсида интилиш инсоният орзу-ниятларининг ижобати йўлида муҳим улуш ҳисобланади.

6. Ҳозирги Африкада, айрим мамлакатлардаги ижобий тараққиётга қарамай, аксарият мамлакатларда журналистлар, муҳаррирлар ва ноширлар қатағонлар қурбони бўлмоқда, уларни ўлдиришмоқда, қамоққа ташлашмоқда, ҳибсга олишмоқда ва цензура қилишмоқда, уларнинг матбуотда чиқишини чеклаш, нашр этиш имкониятларини чеклайдиган лицензия тизимини жорий этиш, журналистларнинг эркин ҳаракатланишига йўл бермайдиган виза чеклашларини қўллаш, янгиликлар ва ахборот алмашишни чеклаш, газеталарнинг мамлакатлар бўйлаб ва миллий чегаралардан ташқарида айланишини чеклаш каби иқтисодий ҳамда сиёсий чеклашларга дучор этишмоқда. Айрим мамлакатларда битта партия томонидан ахборот устидан тўла назорат ўрнатилмоқда.

7. Бугунги кунда камида 17 журналист, муҳаррир ва ноширлар Африка қамоқхоналарида сақланмоқда, 1969 йилдан – 1990 йилгача бўлган даврда ўз касб вазифасини бажариш чоғида 48 нафар африкалик журналист ўлдирилган.

8. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Декларация бўйича цензура тўғрисидаги бандни Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия фаолияти соҳасига кирувчи инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши сифатида навбатдаги сессия кун тартибига киритиши керак.

9. Африка давлатлари матбуот эркинлиги ва ассоциациялар эркинлигининг конституциявий қафолатлари бажарилишини рағбатлантиришлари зарур.

10. Африкада юз бераётган ижобий ўзгаришларни рағбатлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда салбий ўзгаришларга барҳам бериш учун халқаро ҳамжамият, айниқса, халқаро (ҳукуматга қарашли ва ноҳукумат) ташкилотлар, тараққиёт агентликлари ва касб бўйича ассоциациялар, биринчи галда, жамиятни яхлит бир воқелик сифатида тасвирловчи ва ўзлари хизмат қиладиган жамиятнинг турли нуқтаи назарларини акс эттирувчи нодавлат газеталар, журналлар ва даврий нашрларнинг ривожлантирилиши ва таъсис этилишига жамғармавий асосда тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатиши даркор.

11. Барча молиявий таъминотлар плюрализмни, шунингдек мустақилликни рағбатлантириш мақсадига қаратилган бўлиши керак. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳокимият томонидан ахборот ва

фикрни ифодалаш эркинлиги ҳамда матбуот мустақиллиги конституциявий асосда ва самарали қафолатланадиган жойдагина жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситалари молияланиши зарур.

12. Юқорида зикр этилган эркинликларни ҳимоя қилиш учун журналистларнинг том маънода мустақил, ваколатли синдикатлари ёхуд касаба уюшмалари ассоциацияларини ҳамда муҳаррирлар ва ноширлар ассоциацияларини таъсис этиш масаласи Африканинг бундай ташкилотлар айна чоғда мавжуд бўлмаган барча мамлакатлари учун бирламчи вазифа ҳисобланади.

13. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ва Африка мамлакатларида меҳнат муносабатлари тўғрисидаги миллий қонунлар, ваколатли ташкилотларнинг мавжуд бўлишини ва улар матбуот эркинлигини ҳимоялаш бўйича муҳим вазифаларни бажара олишини қафолатлаш нуқтаи назаридан, қайта кўриб чиқилиши зарур.

14. Журналистларни касб фаолияти учун қамокда сақлаб турган Африка давлатлари ҳукуматлари ўз яхши ниятларининг белгиси сифатида уларни зудлик билан озод этиши керак. Ўз мамлакатини тарк этишга мажбур қилинган журналистлар ватанига қайтиш ва ўзининг касб фаолиятини қайта тиклаш эркинлигига эга бўлиши лозим.

15. Африка ноширлари, шунингдек Шимол ва Жануб ноширлари ўртасидаги (масалан, бирлашиш принципига асосланган) ҳамкорлик рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланиши даркор.

16. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва, хусусан, Коммуникациялар тараққиёти бўйича халқаро дастур (КТХД) зарур ҳолларда давлатга қарашли донор агентликлар, тегишли ноҳукумат ташкилотлар ва касб ассоциациялари билан қуйидаги алоҳида соҳаларда ҳамкорлик борасида пухта, батафсил тадқиқот ўтказишни бошлаб бериши керак:

а) ахборот агентликларини таъсис этишга халал берувчи иқтисодий ғов-тўсиқларни, шу жумладан, қоғоз, босмаҳона асбоб-ускуналарга чекланган импорт поштиналарини, тариф ва квоталарни, газета савдосига солинадиган солиқларни уларга барҳам беришнинг бошланиши сифатида тадқиқ этиш;

б) журналистлар ва менежерлар учун тренинглар ва касб бўйича ўқув ташкилотлари ва курслари мавжудлиги;

в) журналистлар, муҳаррирлар ва ноширлар касаба уюшмалари ёхуд ассоциацияларининг эътироф этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини чекловчи қонунчиликда мавжуд тўсиқлар;

г) тараққиёт агентликлари ва бошқа шу каби ташкилотлар миқсолида эҳтимол тутилган молиявий манбаларни, ушбу фондлар билан алоқа боғлаш шартларини ва уларга мурожаат этиш усуллари рўйхатга олиш;

д) Африканинг у мамлакати билан бу мамлакати ўртасида матбуот эркинлигининг аҳволи.

17. Янгиликлар ва ахборот соҳасида радио ва телевидение муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, Бош Ассамблеяга ҳамда Африкадаги радио ва телевидение хизматлари журналистлари ва менежерлари семинарига ана шу оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва плюралиزمи бўйича бундай концепциялардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиқишни тавсия этиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЮНЕСКОга таклиф этилган.

18. Халқаро ҳамжамият мазкур Декларация Иловасида баён этилган ташаббуслар ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда имплементация қилишга қўмаклашиши зарур.

19. Мазкур Декларация БМТ Бош Ассамблеяси Бош котиби ва ЮНЕСКО Бош директори томонидан ЮНЕСКО Бош конференциясига тақдим этилиши лозим.

Илова

Семинарда аниқлаштирилган ташаббуслар ва лойиҳалар:

А. Африкадаги хусусий газеталар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш:

- улар ўртасида нашрлар алмашилишига қўмаклашиш;
- ахборот алмашилишига қўмаклашиш;
- тажриба бойитиш учун журналистлар алмашилишига қўмаклашиш;
- улар номидан журналистлар, менежерлар ва техник ходимларнинг тренинглари ва ўқув сафарларини ташкил этиш;

Б. Ноширлар, муҳаррирлар ва мустақил журналистларнинг ўзини ўзи бошқарадиган, мустақил, миллий уюшмаларини тузиш.

В. Ноширлар, муҳаррирлар ва мустақил журналистларнинг минтақавий уюшмаларини тузиш.

Г. Касбни имкон қадар самарали ҳимоялаш ва уни ҳимоялаш нуфузининг кафолатини таъминлаш учун ҳар бир мамлакатда ноҳукумат нормалар ва одоб кодексларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Д. Мустақил матбуотга қўмаклашувчи жамғарма таъсис этиш мумкинлигини ўрганишни, шунингдек ана шу жамғармани молиялаштириш учун капитал манбалар излашни молиялаштириш.

Е. Қоғоз буюртма бериш бўйича марказий бошқарма ташкил этиш мумкинлигини ўрганишни, шунингдек ана шундай бошқармани таъсис этишни молиялаштириш.

Ж. Минтақавий матбаа корхоналари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

З. Матбуот эркинлиги, журналистлар мустақиллигининг бузилиш ҳолларини мониторинг қилиш учун Ғарбий Африка Журналистлар Ассоциациясига ўхшаган тузилмалар таъсис этишга қўмаклашиш.

И. Газеталарга хос бўлган янгиликларни ҳужжатлаштириб бориш учун мустақил Африка матбуоти маълумотлар базасини яратиш.

Бағрикенглик тамойиллари декларацияси

1995 йил 16 ноябрь

(кўчирма)

3-модда. Ижтимоий жиҳатлар

(...)

3.2. Бағрикенглик алоҳида одамлар ўртасида, оила ва жамоадаги ўзаро муносабатларда зарурдир. Мактабларда ва университетларда, норасмий таълим йўли билан уйда ва иш жойларида бағрикенглик руҳини мустаҳкамлаш ва кишилар ўртасида бир-бирига очиқлик, эътибор ва бирдамлик муносабатларини шакллантириш лозим. Бунда коммуникация воситалари эркин, очиқ мулоқот ва муҳокамага кўмаклашишда, бағрикенглик қадриятларини тарқатишда, айниқса, бош кўтараётган мурасасизликни тарғиб қилувчи гуруҳлар ва мафкураларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш хавfli эканини тушунтиришда амалий аҳамият касб этади.

(...)

Бағрикенглик тамойиллари декларациясини

ҳаётга татбиқ қилиш

Бош конференция,

ЮНЕСКО таълим, фан (табиий ва ижтимоий фанлар), маданият ва коммуникациялар соҳаларида ўз Низомида юклатилган вазифаларига мувофиқ бағрикенглик ва мурасасизлик каби муҳим муаммоларнинг барча жиҳатларига давлатларнинг ва халқларнинг эътиборини қаратмоғи лозимлигини инобатга олиб, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО эълон қилган Бағрикенглик тамойиллари декларациясини эслатиб,

1. Аъзо давлатларни:

а) ҳар йили 16 ноябрни Бағрикенгликка бағишланган халқаро кун сифатида нишонлаш, унда махсус тадбирлар ва дастурлар ташкил этиб, ҳар бир минтақада ўқув муассасалари, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари, ахборот воситаларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан фуқаролар ўртасида бағрикенглик ғояларини тарқатишга (...) қатъий даъват этади.

4-БОБ. ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ҚЎМИТАСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ

Ҳаракатдаги армиялардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисидаги Женева конвенцияси (Биринчи Женева конвенцияси)

1949 йил 12 август

(қўчирма)

3-модда

Олий Ахдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида халқро бўлмаган қуроли можаро содир этилаётган ҳолда, ўзаро низода бўлган томонларнинг ҳар бири энг камида қуйидаги қоидаларни қўллашга мажбур ҳисобланади:

(...)

8.3. Ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган шахслар, жумладан, қуроли кучлар таркибида бўлгану қуролини топширган, бундан ташқари, ярадорлиги, қўлга олинганлиги ёхуд бошқа ҳар хил сабабларга кўра ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаётган шахслар ирқи, тана ранги, дини ёки эътиқоди, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатлар сабабли ҳеч бир камситишларга йўл қўйилмаган ҳолда ҳар қандай шарт-шароитда инсоний муомаладан фойдаланиши зарур.

Шу мақсадда юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан қуйидаги хатти-ҳаракатлар ҳар доим ҳар қандай жойда тақиқланган ва тақиқланади:

а) ҳаётига ва жисмоний дахлсизлигига таҳдид солиш, хусусан, ҳар хил йўллар билан ҳаётига тажовуз қилиш, жароҳат етказиш, шафқатсизларча муносабатда бўлиш, қийнаш ва азоблаш;

б) гаровга олиш;

с) инсоний кадр-қимматига, ор-номусига тажовуз қилиш, хусусан, таҳқиромуз ва кадр-қимматини хўрлайдиган муносабатда бўлиш;

д) тегишли тартибда таъсис этилган ва тараққий этган халқлар томонидан зарур деб эътироф этилган судлов кафолатларига тўла эга бўлган суд томонидан қарор чиқарилмасдан ҳукм этиш ва жазо чорасини қўллаш.

**Халқаро қуrolли можаролар қурбонларини
ҳимоя қилишга тааллуқли, 1949 йил 12 августда
қабул қилинган Женева конвенцияларига доир
қўшимча протокол
(I Қўшимча протокол)
1977 йил 8 июнь
(кўчирма)**

79-модда. Журналистлар ҳимояси бўйича чоралар

1. Қуrolли можаролар ҳудудида хатарли хизмат сафарида бўлган журналистлар 50-модданинг 1-бандида кўзда тутилган мазмундаги фуқаро шахслар, деб ҳисобланади.

2. Шу жиҳатдан улар фуқаро шахс мақомига мос келмайдиган ҳеч қандай ҳаракат содир этмаслик ва қуrolли кучлар қошида аккредитация қилинган ҳарбий мухбирларнинг Учинчи конвенциянинг 4-моддаси А.4-бандида кўзда тутилган мақомига тегишли ҳуқуқларига зиён етказмаслик шarti билан тегишли Конвенциялар ва мазкур Протоколга мувофиқ муайян ҳимоядан фойдаланади.

3. Улар мазкур Протоколнинг II Иловасида кўрсатилган намунадагидек шахсий гувоҳномалар олишлари мумкин. Журналист ўзи фуқароси ҳисобланган ёки ҳудудида доимий яшаб турган ахборот агентлиги жойлашган тегишли давлат ҳукумати томонидан бериладиган ушбу гувоҳнома ўз соҳиби журналист мақомига эга эканини тасдиқлайди.

**Халқаро бўлмаган тусдаги қуrolли можаролар
қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли,
1949 йил 12 августда қабул қилинган
Женева конвенцияларига доир
қўшимча протокол
(II Қўшимча протокол)
1977 йил 8 июнь
(кўчирма)**

4-модда. Асосий кафолатлар

1. Ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган ёки иштирок этишни тўхтатган барча шахслар, уларнинг эркинлиги чекланган ёки чекланмаганидан қатъи назар, ўз шахси, ор-номуси, маслаги ва диний таомилларининг ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгадир. Ҳар қандай шароитда уларга нисбатан инсоний бирон-бир

номувофик тафовутларсиз муносабатда бўлинади. Ҳеч кимни тирик қолдирмаслик тўғрисида буйруқ бериш тақиқланади.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган умумий қоидаларга зиён етказмаган ҳолда 1-бандда қайд этилган шахсларга нисбатан қуйидаги хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳар қачон ҳар қандай жойда тақиқланган ва тақиқланади:

а) шахсининг ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ва руҳий саломатлигига тажовуз қилиш, хусусан, ўлдириш, шунингдек азоб бериш, майиб-мажруҳ қилиш ёки бошқа хил тан жазоси кўринишида шафқатсиз муомалада бўлиш;

б) оммавий жазолаш;

с) гаровга олиш;

д) террорчилик ҳаракатларини қўллаш;

е) инсоний қадр-қимматини топташ, хусусан, хўрлаш ва ҳақоратлаш, зўрлаш, фоҳишабозликка мажбурлаш ёки бошқа хилдаги номуносиб тажовузлар кўрсатиш;

ф) қўлликка солиш ва барча тоифадаги қўл савдосига жалб этиш;

г) талон-торож қилиш;

ҳ) юқорида қайд этилган хатти-ҳаракатлардан исталган биттасини амалга ошириш тўғрисида таҳдид этиш.

13-модда. Фуқаро аҳоли ҳимояси

1. Фуқаро аҳоли ва алоҳида фуқаро шахслар ҳарбий амалиётлар туфайли юзага келадиган хавф-хатардан умумий ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳар қандай шароитда ушбу ҳимояни рўёбга чиқаришда қуйидаги қоидаларга амал қилинади.

2. Фуқаро аҳоли, шунингдек алоҳида фуқаро шахслар ҳужум учун нишон бўлмаслиги керак. Асосий мақсади фуқаро аҳолини террор қилишдан иборат бўлган зўравонлик ҳаракатларини содир этиш ёки бундай ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш тақиқланади.

3. Фуқаро шахслар ҳозирча ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмасагина ва иштирок этмаётган даврдагина ушбу қисмда кўзда тутилган ҳимоядан фойдаланади.

17-модда. Фуқаро шахсларни мажбурий кўчиришнинг тақиқланиши

1. Фуқаро шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш талаби ёки ҳарбий мазмундаги қатъий сабаблар буни тақозо этмаган тақдирда, қуролли можаро туфайли ана шу фуқаро аҳолини кўчириш тўғрисида фармойиш берилиши мумкин эмас. Бундай кўчиришни

амалга ошириш зарурати юзага келган ҳолларда фуқаро аҳолини қабул қилиш учун тегишли бошпана, гигиена, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва озиқ-овқат таъминоти нуқтаи назаридан қониқарли шарт-шароит яратиш йўлида барча зарур чоралар кўрилади.

2. Фуқаро шахслар можаро билан боғлиқ сабаблар туфайли ўзлари яшаб турган ҳудудни тарк этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

ИККИНЧИ ҚИСМ.
**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

1-БОБ. ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

Хельсинки Якунловчи ҳужжати (ЕХХҚ)

1975 йил 1 август

(қўчирма)

(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларнинг декларацияси

(...)

VII. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиш

Иштирок этувчи давлатлар барчаларнинг ирқи, жинси, тили ёки динини ажратмаган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қиладилар.

Улар инсон шахсининг кадр-қимматидан келиб чиқадиган ҳамда унинг эркин ва тўла ривожланиши учун муҳим ҳисобланадиган фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлардан самарали фойдаланишни рағбатлантирадилар ҳамда ривожлантирадилар.

(...)

Худудида озчиликни ташкил қилган миллатлар мавжуд бўлган иштирок этувчи давлатлар бундай миллатларга мансуб бўлган шахсларнинг қонун олдида тенглиги ҳуқуқини ҳурмат қиладилар, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан амалда фойдаланиши учун тўла имконият яратадилар ва шу тариқа уларнинг ушбу соҳадаги қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Иштирок этувчи давлатлар ўзаро ва барча давлатлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда дўстона муносабатларнинг ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган, ҳурмат қилиниши тинчлик, адолат ва фаровонликнинг муҳим омили ҳисобланган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг универсал аҳамиятини эътироф этадилар.

Улар ўзларининг ўзаро муносабатларида ушбу ҳуқуқларни ва эркинликларни доим ҳурмат қиладилар ҳамда уларнинг умумий универсал ва мустақил равишда ҳурмат қилинишига эришишга кўмаклашиш мақсадида биргаликда ёки мустақил равишда, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда ҳаракат қиладилар.

Улар шахсларнинг ушбу соҳадаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ҳамда уларга мувофиқ иш кўриш ҳуқуқини тасдиқлайдилар.

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсад ва принциплари ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ ҳаракат қиладилар. Улар ушбу соҳадаги халқаро декларацияларда ва шартномаларда белгиланган ўз мажбуриятларини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро пактларни, башарти улар билан боғланган бўлсалар, бажарадилар. (...)

Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик

2. Ахборот

Иштирок этувчи давлатлар,

– бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳаётининг турли жиҳатларини кенгроқ билиш ва тушуниш эҳтиёжини англаган ҳолда,

– ушбу жараёнинг халқлар ўртасидаги ишончнинг юксалишидаги ҳиссасини таъкидлаб,

– иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро тушунишни ривожлантириш ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш орқали бу соҳада тараққий эттириш мақсадида ҳаракатларни янада давом эттиришни истаган ҳолда,

– бошқа иштирок этувчи давлатлардан ахборот тарқалишининг ва бундай ахборот билан яхшироқ танишишнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб,

– шу боис матбуот, радио, телевидение, кино ва телеграф агентликлари ҳамда бу соҳаларда ишлаётган журналистларнинг жиддий ва таъсирчан ролига урғу бериб,

– барча шакллардаги ахборот эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини енгиллаштиришни, ахборот соҳасида ҳамкорликни ҳамда бошқа мамлакатлар билан ахборот алмашувини рағбатлантиришни ва бир иштирок этувчи давлатнинг журналистлари бошқа иштирок этувчи давлатда ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган шарт-шароитларни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўядилар ҳамда ўз ниятлари деб, хусусан, қуйидагиларни баён этдилар:

а) Ахборот тарқалиши, ундан фойдаланиш ва у билан алмашишни яхшилаш

1) Оғзаки ахборот

– Бошқа иштирок этувчи давлатлар етук арбоблари ва мутахассисларининг лекциялари ҳамда лекция сафарларини, шунингдек “давра суҳбатлари”, семинар, симпозиум, ёзги курслар, конгресслар ва бошқа икки томонлама ҳамда кўп томонлама учра-

шувлар каби фикр алмашувларини рағбатлантириш йўли билан оғзаки ахборот тарқалишига кўмаклашиш;

2) Матбаа ахбороти

– Ўз ҳудудида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг даврий ва даврий бўлмаган газета ҳамда матбаа маҳсулотларининг тарқалишини яхшилашга кўмаклашиш. Бу мақсадларда:

улар ўз фирмалари ва ваколатли ташкилотларини бошқа иштирок этувчи давлатлардан импорт қилинадиган газета ҳамда матбуот нашрлари номларининг сони ва тиражининг тобора кўпайишига қаратилган битим ҳамда шартномалар тузишни рағбатлантирадилар. Хусусан, бу битим ва шартномаларда матбуот нашрлари ҳамда газеталарни тезроқ етказиб бериш, ҳар бир мамлакатда одатда мавжуд бўлган уларни тарқатиш каналларидан фойдаланиш шартлари, шунингдек бу битим ва шартномалар мақсадлари рўёбга чиқишига имкон берувчи, тарафлар ўртасида келишилган ҳисоб-китоб қилиш шакллари ҳамда усуллари тилга олиниши мақсадга мувофиқ бўлур эди;

улар лозим бўлганда юқорида баён этилган битим ва шартномалар мақсадлари ва қоидаларини амалга ошириш учун тегишли чоралар кўрадилар.

– Юқорида кўрсатилган асосда импорт қилинадиган матбуот нашрлари, даврий ва даврий бўлмаган нашрлардан жамоатчилик фойдаланишига кўмаклашиш. Хусусан:

- улар бундай нашрлар сотиладиган жойлар сонини кўпайтиришни рағбатлантирадилар;

- улар конгресслар, анжуманлар, расмий сафарлар ва бошқа халқаро тадбирлар ўтказилган пайтда ҳамда туризм мавсуми пайтида туристларга бундай даврий нашрлар таклиф этилишини енгиллаштирадилар;

- улар ҳар бир мамлакатга хос қоидалар асосида обуна бўлиш имкониятларини кенгайтирадилар;

- улар йирик оммавий кутубхоналарда ва уларнинг ўқув залларида, шунингдек университетлар кутубхоналарида бу нашрлар вақтинча фойдаланишга ва ўқиш учун тақдим қилинишининг имкониятларини яхшилайдилар;

– Улар манфаатдор тарафларга мақбул бўлган келишувлар асосида дипломатик ваколатхоналар чиқарадиган ва бу ваколатхоналар тарқатадиган расмий ахборот бюллетенлари билан танишиш имкониятларини яхшилаш ниятидалар.

3) Кино, радио ва телевидение ахбороти

– Кино, радио ва телевидение ахборотини яхшилашга кўмаклашиш. Бу мақсадларда:

- улар бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳаётининг турли жиҳатларини намойиш этадиган ва бундай битим ёки келишувлар асосида олинадиган, шунингдек бевосита манфаатдор ташкилотлар ва фирмаларга зарур бўлган тасмага ёзилган турли хил ахбо-

рот кўрсатилиши ва узатилишини кенгайтиришни рағбатлантирадилар;

– улар ваколатли ташкилотлар ва фирмалар томонидан бошқа иштирок этувчи давлатлардан тасмага ёзилган аудиовидео материалларнинг импортини енгиллаштирадилар;

Иштирок этувчи давлатлар радио ахбороти тарқалишининг кенгайтирилиши этироф этадилар ҳамда бу жараён халқлар ўртасида ўзаро тушуниш манфаатларига ва мазкур Кенгаш белгиллаган мақсадларга жавоб бериши учун давом этишига умид қиладилар.

б) Ахборот соҳасидаги ҳамкорлик

Киска ёки узок муддатли битимлар ё келишувлар асосида ахборот соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш. Хусусан:

– улар оммавий ахборот органлари ўртасида, шу жумладан телеграф агентликлари, нашриётлар ва нашриёт ташкилотлари ўртасида кенгроқ ҳамкорликка қўмаклашадилар;

– улар радиоэшиттириш ва телевидениенинг ҳам давлат, ҳам хусусий миллий ва халқаро ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилишига, хусусан, тўғридан-тўғри ёки ёзилган, биргаликда яратилган радио- ва теледастурлар билан алмашиш ҳамда бундай дастурларни тарқатиш йўли билан қўмаклашадилар;

– улар ҳам журналистлар ташкилотлари ўртасида, ҳам иштирок этувчи давлатлар журналистлари ўртасида учрашувлар ва алоқаларни рағбатлантирадилар;

– улар иштирок этувчи давлатларнинг даврий нашрлари, шу жумладан газеталари ўртасида мақолалар алмашуви ва уларнинг нашр этилиши юзасидан келишувларга эришиш имкониятига хайрихоҳлик муносабатида бўлади;

– улар техника ахбороти алмашувини, шунингдек матбуот, радио ҳамда телевидение соҳасида тажриба ва фикрлар алмашуви бўйича қўшма тадқиқотлар ташкил этилиши ҳамда мутахассислар учрашувлари ўтказилишини рағбатлантирадилар.

с) Журналистларнинг иш шaroитларини яхшилаш

Иштирок этувчи давлатлар бирининг журналистлари бошқа иштирок этувчи давлатда ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган шарт-шaroитларни яхшилашга интилиб, хусусан қуйидагиларни назарда тутадилар:

– журналистларнинг мамлакатга кириш рухсатномаси бериш тўғрисидаги илтимосларини мақбул ва оқилона муддатларда хайрихоҳлик руҳида ўрганиш;

– иштирок этувчи давлатларнинг доимий аккредитациядан ўтган журналистларига келишув асосида мамлакатга кириш ва ундан чиқиш кўп маротабали рухсатномаларини муайян муддатга бериш;

– иштирок этувчи давлатларнинг аккредитациядан ўтган журналистларига улар вақтинча ҳозир бўлган мамлакатда яшаш-

га рухсатномалар ҳамда, агар зарур бўлса, бошқа керакли расмий ҳужжатлар берилишини енгиллаштириш;

- иштирок этувчи давлатлар журналистларининг ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган мамлакат бўйича сафарларини расмийлаштириш тартиб-таомилларини ўзаролик асосида енгиллаштириш ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиқ ҳудудлар мавжудлиги билан боғлиқ қоидаларга риоя этган ҳолда бундай сафарлар учун изчил равишда катта имкониятлар яратиб бериш;

- бундай журналистларнинг шу каби сафарлар тўғрисидаги илтимосларига мумкин қадар сўровнома муддатини ҳисобга олган ҳолда тез жавоб берилишини таъминлаш;

- иштирок этувчи давлатлар журналистларининг ўз ахборот манбалари билан, шу жумладан ташкилотлар ва расмий муассасалар билан шахсий муомалада бўлишининг имкониятларини кўпайтириш;

- иштирок этувчи давлатлар журналистларига техник асбоб-ускунани (ўз касбий фаолиятини бажариш учун зарур фото-, кино-, магнитофон, радио- ва телевидениега доир асбоб-ускунани) кейинчалик олиб чиқиш шарти билангина олиб кириш ҳуқуқини бериш;

- бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистларига улар доимий ёки вақтинча аккредитациядан ўтган бўлса ҳам, уларнинг касбий фаолияти натижаларини, шу жумладан магнитофон ёзувларини ва ойдинлаштирилмаган тасмани радиода эълон қилиш ёки телевидениеда кўрсатиш мақсадида иштирок этувчи давлатлар эътироф этган каналлар орқали тўлиқ, оддий тартибда ва тез улар тақдим этадиган ахборот органларига узатиш имкониятини яратиш.

Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, журналистлар ўз касбий фаолиятини қонуний амалга оширишлари натижасида мамлакатдан чиқариб юборилиши ёки бошқа тарзда жазоланиши мумкин эмас. Аккредитациядан ўтган журналист мамлакатдан чиқариб юборилган тақдирда у бунинг сабаблари тўғрисида хабардор қилинади ҳамда ўз ишини қайта кўриб чиқиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиши мумкин.

Мадрид учрашуви Якунловчи ҳужжати

1983 йил 6 сентябрь

(кўчирма)

Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик

Ахборот

Иштирок этувчи давлатлар бундан буён ҳам иштирок этувчи давлатлардан импорт қилинадиган босма, даврий ва даврий бўлмаган материалларнинг эркин ва кенг тарқатилишини, шунингдек умумий сотувда бундай материаллар бўладиган жойлар

сонини кўпайтиришни рағбатлантирадилар. Бу нашрлар йирик оммавий кутубхоналарнинг ва шу каби муассасаларнинг ўқув залларида ҳам фойдаланиш учун мавжуддир. Хусусан, иштирок этувчи давлатлар босма ахборот тарқалишини кўпайтиришга кўмаклашиш учун ўзларининг ваколатли фирмалари ва ташкилотлари ўртасидаги алоқалар ҳамда музокараларни бошқа нашрлар миқдори ва сони кўпайишига йўналтирилган узоқ муддатли битим ҳамда шартномалар тузиш мақсадида рағбатлантирадилар. Улар хорижий нашрларнинг чакана нархлари ўз мамлакатидagi нархларига нисбатан унча қиммат бўлмаслигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Улар Якунловчи ҳужжатнинг тегишли қоидаларига биноан жамоатчиликнинг обуна бўлиши имкониятларини кенгайтириш ниятларини тасдиқлайдилар.

Улар оммавий ахборот воситалари ва уларнинг вакиллари ўртасида, айниқса матбуот агентликлари, газеталар тахририятлари ва телевидение ташкилотлари, шунингдек кинокомпаниялар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга кўмаклашадилар. Улар янгиликлар, мақолалар, иловалар, радиоэшиттиришларнинг янада мунтазам алмашувини, шунингдек тегишли тажриба билан янада яхшироқ танишиш мақсадида тахририятлар ўртасида алмашувни рағбатлантирадилар. Ўзаролик асосида доимий ёки вақтинча аккредитациядан ўтган телевидение ва радио мухбирларига тақдим этиладиган моддий ва техник воситаларни яхшилайдилар. Бундан ташқари, улар журналистлар ўртасида ҳам бевосита алоқаларни, ҳам касаба ташкилотлари доирасидаги алоқаларни енгилаштирадилар.

Улар узоқ муддатга қолдирмасдан журналистлар учун мамлакатга кириш рухсатномаси тўғрисидаги илтимосномалар бўйича қарорлар қабул қиладилар ва рад қилинган илтимосномаларни оқилона муддатларда қайтадан кўриб чиқадиладар. Бундан ташқари, касбий фаолият мақсадида эмас, балки шахсий сабабларга кўра сафар қилмоқчи бўлган журналистларга ўша мамлакатдан келган бошқаларга нисбатан бўлган режим татбиқ этилади. Улар доимий аккредитациядан ўтган мухбирларга ва улар билан яшайдиган оила аъзоларига бир йиллик муддатга қўл маротаба мамлакатга кириш ва ундан чиқиш учун рухсатномалар тақдим этадилар.

Иштирок этувчи давлатлар зарур бўлганда икки томонлама келишувлар асосида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг учинчи мамлакатда доимий аккредитациядан ўтган журналистларига аккредитация қилиш ва уларга тегишли шарт-шароит яратиш имкониятини ўрганадилар. Улар ўз ҳудудида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистлари сафар қилишларига кўмаклашадилар, хусусан зарур бўлганда уларга сафарлар учун кенгрок имкониятлар яратиш мақсадида аниқ чоралар кўрадилар, хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиқ ҳудудлар бундан мустасно. Улар, башарти ҳудудлар хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиладиган бўлса, журналистларни мумкин бўлганда олдиндан хабардор қиладилар.

Улар бундан буён ҳам бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистлари учун шахсий муносабатларни ва ахборот манбаи билан алоқаларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтирадилар ва зарур бўлганда шарт-шароитларни яхшилайдилар.

Улар радио ҳамда телевидение журналистларига уларнинг илтимосига кўра ўзларининг овоз ва кино операторлари билан бирга бўлишига ҳамда ўз асбоб-ускуналаридан фойдаланишларига қоида тариқасида рухсат этадилар.

Шунингдек, журналистларнинг ўзлари маълумотнома материаллари, шу жумладан шахсий ёзувлар ва досъега эга бўлиши мумкин бўлиб, улардан қатъиян касбий мақсадлар учун фойдаланилади¹.

Иштирок этувчи давлатлар зарур бўлганда ўз пойтахтларида матбуот марказлари ёки ўша вазибаларни амалга оширадиган маҳаллий ва хорижий матбуот учун очиқ ҳамда хорижий матбуот ишлаши учун мақбул шароитлари бўлган муассасалар ташкил этилишини ва амал қилишини енгиллаштирадилар.

Улар бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистларига бошқа ёрдам кўрсатиш йўллари ва воситаларини ҳам кўриб чиқадилар ҳамда шу тарзда, улар дуч келиши мумкин бўлган амалий муаммоларни ҳал этиш имкониятини берадилар.

Вена учрашувининг Якунловчи ҳужжати

1989 йил 15 январь

(кўчирма)

(...)

Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик

Ахборот

(34) Улар ўз давлатларидаги билимлар ва ҳаётни англаш мунтазам кенгайишига кўмаклашиш мақсадида ҳаракат қилишни давом эттирадилар, шу тариқа ўз халқлари ўртасидаги ишончнинг ўсишига кўмаклашадилар.

Улар барча шакллардаги ахборотнинг эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини енгиллаштириш, ахборот соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш ва журналистларнинг иш шароитларини яхшилаш учун келгусида яна ҳаракат қиладилар.

Шу муносабат билан ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамда ахборотнинг барча шакллариини излаш, олиш ва

¹ Бу ўринда кўзда тутилган тушунчага кўра босма материалларнинг олиб кирилиши маҳаллий қоидалар билан тартибга солиниши мумкин бўлиб, улар журналистларнинг тегишли иш материалларига нисбатан эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

тарқатишга доир тегишли халқаро мажбуриятларига биноан улар алоҳида шахслар ўз ахборот манбаларини эркин танлашларини таъминлайдилар. Шу маънода улар:

– ўз давлатларида ХЭИ радиоэшиттириш қоидаларига мувофиқ амал қиладиган радио хизматлари эшиттиришлари тўғридан-тўғри ва нормал қабул қилиниши мумкинлигини таъминлайдилар; ҳамда

– алоҳида шахсларга, муассасаларга ва ташкилотларга интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда ҳар қандай турдаги ахборот материалларини олиш, уларга эга бўлиш, уларни ҳосил қилиш ва тарқатишга рухсат берадилар.

Шу мақсадда улар юқорида эслатиб ўтилган халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларга ва халқаро мажбуриятларга зид бўлган ҳар қандай чеклашларни бартараф этадилар.

(35) Улар барча шакллардаги ахборотнинг эркинроқ ҳамда кенгроқ тарқалишини таъминлаш учун замонавий, шу жумладан кабель ва спутник алоқа воситалари берадиган барча имкониятлардан фойдаланадилар. Улар ўзларининг тегишли муассасалари, ташкилотлари ва техник экспертлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирадилар ҳамда техник андозалар ва нормаларни мувофиқлаштириш борасида ишлайдилар. Улар ўзларининг оммавий ахборот воситаларига бу замонавий алоқа воситаларининг таъсирини ҳисобга оладилар.

(36) Улар ўз ҳудудларида расмий ахборот бюллетенлари бошқа иштирок этувчи давлатларнинг дипломатик ҳамда бошқа расмий миссиялари ва консуллик ваколатхоналари томонидан эркин тарқалишини амалиётда таъминлайдилар.

(37) Улар радио ва телевидение ташкилотлари томонидан ўзларининг ўртасидаги ўзаро келишувлари асосида турли давлатлар вакиллари иштирокидаги дастурлар ва мунозараларнинг тўғридан-тўғри олиб борилишини, шунингдек иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий ва бошқа арбоблари чиқишлари ҳамда интервьюларининг трансляция қилинишини айниқса улар ўтказиладиган мамлакатларда рағбатлантирадилар.

(38) Улар радио ва телевидение ташкилотлари томонидан бошқа иштирок этувчи давлатлардаги ҳаётнинг турли жиҳатларини ёритишни ҳамда ўз мамлакатлари ўртасидаги телекўприклар сони кўпайтирилишини рағбатлантирадилар.

(39) Улар журналистлар ўз профессионал фаолиятини қонуний амалга ошириши уларни мамлакатдан чиқариб юбориш хавфи остига қўймаслигини ва бошқа тарзда жазоланишига олиб келмаслигини эслатган ҳолда журналистни репортажлар мазмунини сабабли аккредитациядан маҳрум қилиш ёки мамлакатдан чиқариб юбориш каби чеклаш чоралари қабул қилишдан ўзларини тийиб турадилар.

(40) Улар журналистлар, шу жумладан, бошқа иштирок этувчи давлатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлган

журналистлар бундай фаолият амалга оширганида ахборотнинг ижтимоий ва хусусий манбаларидан фойдаланиш йўллари эркин излашлари ҳамда ўзлари билан алоқада бўлишлари мумкинлигини, шунингдек уларнинг профессионал махфийликдаги эҳтиёжи хурмат қилинишини таъминлайдилар.

(41) Улар журналистларнинг муаллифлик ҳуқуқини хурмат қиладилар.

(42) Ўзлари ўртасидаги келишувлар асосида зарур бўлганда ҳамда репортажлар мунтазам келиб тушиши мақсадида эҳтиёж туғилганда улар журналистларни аккредитациядан ўтказадилар ва бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистларига уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар мамлакатга кўп маротаба кириш рухсатномалари берадилар. Шу асосда улар журналистларни аккредитациядан ўтказиш ҳамда уларга мамлакатга кўп маротаба кириш рухсатномалари бериш даврини кўпи билан икки ойгача қисқартирадилар.

(43) Улар хорижий журналистларнинг илтимосига кўра мамлакатга аёшларни олиб кириш қоидалари, солиқлар ва турар жой каби амалий масалаларга оид тегишли ахборот тақдим қилиб уларнинг ишини енгиллаштирадилар.

(44) Улар матбуот учун расмий матбуот анжуманларини ва мақсадга мувофиқ бўлса, бошқа шу каби расмий тадбирлар, башарти аккредитация талаб этилганда, ундан ўтган хорижий журналистлар учун ҳам очиқ бўлишини таъминлайдилар.

ЕХҲҚ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси

Копенгаген кенгашининг ҳужжати

1990 йил 29 июнь

(кўчирма)

(...)

(7.8) – (Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар:) оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олдиш учун сайлов жараёнида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий гуруҳлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлайдилар;

(...)

(9.1) – (Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни тасдиқлайдилар:) ҳар бир киши ўз фикрини, шу жумладан муомала қилиш ҳуқуқини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз фикрида бўлиш ҳамда давлат ҳокимияти томонидан аралашувсиз ва давлат чегараларидан қатъи назар ахборот ҳамда ғояларга эга бўлиш ва уларни тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади. Ҳуқуқни амалга ошириш қонунда ўз аксини топган ва халқаро андозаларга мос келадиган чеклашларнинг предметигина бўлиши мумкин. Жум-

ладан муаллифлик ҳуқуқини ҳам ўз ичига оладиган интеллектуал мулкка тааллуқли ҳуқуқларга риоя қилган ҳолда барча турдаги ҳужжатларни қўпайтирувчи воситалардан фойдаланиш эркинлигига ва улардан фойдаланишга ҳеч қандай чеклашлар белгиланмайд.

(...)

(10) – Алоҳида шахснинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини билиш ҳуқуқини самарали таъминлаш ҳамда уларга мувофиқ иш юритиш ва уларнинг ривожланиши ва ҳимоясига мустақил ёки бошқалар билан бирга фаол ҳисса қўшиш борасидаги ўз мажбуриятини тасдиқлаб, иштирок этувчи давлатлар ўзларининг қуйидаги мажбуриятлари ҳақида маълум қиладилар:

(10.1) – ҳар кимнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳақида мустақил ёки бошқалар билан бирга фикр ҳамда ахборот сўраб олиш, олиш ва эркин узатиш ҳуқуқини, шу жумладан бундай фикр ва ахборотни тарқатиш ҳамда матбуотда эълон қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш.

Янги Европа учун Париж хартияси

1990 йил 21 ноябрь

(кўчирма)

Инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлиги:

(...)

Демократия ўз фикрини изҳор этиш эркинлиги, жамиятдаги барча гуруҳларга нисбатан сабр-тоқат қилиш ва ҳар бир инсон учун имкониятлар тенглигининг энг яхши кафолати ҳисобланади.

Биз, ҳеч қандай камситишларсиз ҳар бир инсон: фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги, ўз фикрини изҳор этиш эркинлиги, уюшмаларга бирлашиш ва тинч йиғилишлар ўтказиш эркинлиги, бир жойдан иккинчи жойга бемалол кўчиш эркинлиги ҳуқуқларига эга эканлигини тасдиқлаймиз.

ЕХХК иштирокчи давлатлари маданий мероси бўйича

Краков симпозиуми ҳужжати

1991 йил июль

(кўчирма)

(...)

6. Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини ифода этиш эркинлигига содиқлигини тасдиқлайди ва ушбу эркинликни санъат ва маданият соҳаларида рўёбга чиқариш муносабати билан қуйидагилар ҳақида баёнот беради:

6.1. Ёзма материалларни нашр этиш, мусиқа, театр ва аудио-визуал асарларини ижро этиш ва трансляция қилиш, шунингдек тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик кўргазмаларини ташкил этиш давлатлар томонидан чеклаш ёки аралаштириш объекти ҳисобланмайди, бундай чеклашлар ички қонунчиликда кўзда тутилган ва халқаро нормаларга тўла мос келадиган айрим ҳолатлар бундан мустасно.

6.2. Улар санъат ва маданият соҳаларининг давлатга қарашли бўлмаган, турли мустақил ахборот тарқатиш воситалари, масалан, нашриётлар, радиоэшиттириш, кинематография ва телевидение ташкилотлари, театрлар ва галереяларнинг мавжудлиги плюрализмни ва бадиий ҳамда маданий жиҳатдан ўзини намоён этиш эркинлигини таъминлашга кўмаклашишига ишонишларини маълум қилади.

**Миллий озчилик масалалари бўйича ЕХҲҚ экспертлари
кенгашига маърузаси
Женева, 1991 йил 19 июль
(қўчирма)**

(...)

(VII) (Озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун эркин ахборот оқими ва ғоялар алмашуви бўлиши кераклигига ишонган иштирок этувчи давлатлар) улар ахборот воситаларидан эркин фойдаланиш соҳасида ҳеч кимга нисбатан этник, маданий, тил ва динга мансублик асосида камситиш йўлини ўтказмайдилар. Улар электрон оммавий ахборот воситалари ўз дастурларида озчиликни ташкил қилган миллатларнинг этник, маданий, тилга оид ва диний ўзига хосликни ҳисобга олишга ёрдам берувчи ахборотни тақдим этадилар.

**ЕХҲҚ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси
Москва кенгашининг ҳужжати
1991 йил 3 октябрь
(қўчирма)**

(...)

(25) Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини изҳор қилиш эркинлиги ҳуқуқини, шу жумладан, мулоқот қилиш ҳуқуқини ҳамда ахборот воситаларининг ахборотлар, янгиликлар ва фикр-мулоҳазаларни йиғиш, эълон қилиш ва тарқатиш ҳуқуқини тасдиқлайдилар. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилишига тегишли ҳар қандай чеклашлар қонунда назарда тутилмайдиган ва халқаро андозаларга мувофиқ келадиган бўлади. Улар яна шуни ҳам эътироф этадилар-

ки, мустақил ахборот воситалари – эркин ва очик жамият ҳамда ўз ҳаракатлари учун масъул бўлган давлат тизимлари учун энг муҳим шарт ҳисобланиб, улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ишида алоҳида роль ўйнайди.

(25.1) Иштирок этувчи давлатлар шундай ҳисоблайдиларки, улар ҳудудидаги матбуот ва телерадио воситалари хорижий янгиликлар манбалари ва ахборот хизматлари билан ҳеч қандай тўсиқларсиз мулоқот қила билиши керак. Ҷамоатчилик, чегараларга қарамасдан, шу жумладан хорижда эълон қилинган материаллар ва телерадио дастурлари орқали давлат ҳокимиятларининг аралашувисиз ахборотлар ҳамда ғояларни олиш ва беришдан иборат шунга ўхшаш эркинликлардан фойдаланади. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилишига доир ҳар қандай чеклашлар қонунда назарда тутилдиган ва халқаро андозаларга мувофиқ келадиган бўлади.

(25.2) Иштирок этувчи давлатлар мустақил ахборот воситаларининг ахборотлар, материаллар ва техника воситаларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдалана олиш ҳуқуқининг камситилишига йўл қўймайдилар.

(...)

(27.9) Иштирок этувчи давлатлар ҷамоатчиликнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этилиши ҳамда фавқулодда ҳолатнинг бекор қилиниши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиши учун уларнинг халқаро вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ келадиган сўз эркинлиги ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Улар халқаро андозаларга мувофиқ сўз эркинлигига нисбатан, аниқ вазиятда мутлақо зарур бўлган чора-тадбирлардан ташқари, журналистларнинг ўз касбий вазифаларини қонуний амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бирор-бир чора-тадбирларни кўрмайдилар.

(...)

(33) Иштирок этувчи давлатлар зарур ҳолларда хавфли касбий хизмат сафарларида бўлган, айниқса, ҳарбий можаролар вазиятларида бўлган журналистларни ҳимоя қилиш учун барча чора-тадбирларни кўрадилар ва шу мақсадда ҳамкорлик қиладилар. Бундай чора-тадбирлар йўқолган журналистларни излаш, улар тақдирини аниқлаш, уларнинг ўз оилаларига қайтарилиши учун зарур ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашишни ўз ичига олади.

(...)

(39.11) – халқаро ҳамда давлат ҳуқуқига кўра хотин-қизлар ва уларнинг ҳуқуқларига тегишли ахборотдан бемалол фойдаланиш таъминлинишига кўмаклашиш мақсадида чора-тадбирлар кўрадилар.

Демократик институтлар бўйича ЕХХК экспертлари семинарининг ЕХХК кенгашига маърузаси

Осло, 1991 йил 15 ноябрь

(кўчирма)

(...)

(II.26) Таъкидландики, бошқарувнинг демократик шакли фикрни ифодалаш эркинлигини талаб қилади, бундай эркинликсиз унинг фуқаролари сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун зарур бўлган ахборотни ола олмайди. Ранг-баранг ва мустақил матбуот ҳамда эшиттириш-кўрсатувлар тизимлари ҳар қандай демократик жамиятда муҳим роль ўйнайди.

Ахборот воситаларига нисбатан айрим ҳуқуқ нормаларини қўллаш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Матбуот томонидан йўл қўйилаётган баъзи бир қилмишлардан муайян даражада ҳимоя зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, фикрни ифодалаш эркинлигига фақат қонунда белгилаб қўйилган ва демократик жамият тақозо этадиган чекловларгина таъсир этиши мумкинлиги таъкидланди. Айрим иштирокчилар ахборот воситалари юксак ахлоқий нормаларга амал қилиши зарурлигини қайд этар экан, буни журналистларни ёллаш ва касбга тайёрлаш тизими билан боғлашди. Аммо, шу ҳам таъкидландики, элитар, яъни сара нашрлар билан бирга, оммабоп нашрлар ҳам мавжуд бўлиш ҳуқуқига эгадир.

(...)

(II.27) Аслида иқтисодий шарт-шароит таҳририятларнинг тўлақонли мустақиллигини кафолатлаши шарт. Аммо, қайд этилганидек, матбуот ранг-баранглигини сақлаб қолиш учун бу борада давлатнинг аралашуви баъзан зарур бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода матбуот ва эшиттириш-кўрсатувлар тизимлари мамлакатнинг маданий қиёфасини белгиловчи унсурлар эканини ҳисобга олиш лозимлиги эслатиб ўтилди.

ЕХХК саммитининг

“Ўзгаришлар даври даъвати” ҳужжати

Хельсинки, 1992 йил 10 июль

(кўчирма)

VI. Инсонийлик мезонлари

(...)

Эркин ахборот воситалари

(59) (Иштирок этувчи давлатлар) ДИИХБга инсонийлик мезонлари соҳасидаги эркин оммавий ахборот воситаларига бағишланган, 1993 йилда бўлиб ўтадиган ЕХХК семинарини ташкил

етишни топширадилар. Семинар давлат органлари вакиллари билан оммавий ахборот воситалари ўртасида алоқаларни ўрнатиш, намоён этиш ва ахборот алмашишни муҳокама қилиш, кўрсатишга ёрдам бериши керак.

ЕХХҚ кенгаши Рим учрашувининг қарорлари

1993 йил 30 ноябрь – 1 декабрь

(кўчирма)

IV. Инсонийлик мезонлари

(...)

(6) Вазирлар ижод жиҳатидан мустақил радио ва телевидение ҳамда эркин матбуот воситаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида эркин ахборот воситалари бўйича семинарда бажарилган ишларга юқори баҳо бердилар. Улар асосий инсон ҳуқуқларидан бири ҳисобланадиган фикрларни ифода этиш эркинлигини ҳимоя қилиш нияти ҳақида яна бир қарра баён қилдилар ҳамда жамиятнинг эркинлиги ва очиқлигини таъминлаш учун мустақил ахборот воситалари зарурлигини таъкидладилар. Шу мақсадда вазирлар очиқ ва турли хилдаги ахборот воситаларини ривожлантиришга, шу жумладан ЕХХҚ миссияларининг тегишли имкониятларини ўрганишга қўмаклашиш учун ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги механизмларидан яхшироқ фойдаланиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилдилар.

(...)

X. Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм тўғрисидаги декларация

(1) Вазирлар Кенгашнинг Стокгольм Учрашувида қабул қилинган ўз қарорлари тўғрисида эслатган ҳолда айни вақтда худудий экспансионизм, шунингдек ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм кўринишларида тажовузкор миллатчилик ортиб бораётганлигидан қаттиқ ташвишланаётганини таъкидладилар. Бу ҳолатлар ЕХХҚ доирасида қабул қилинган принцип ва мажбуриятларга зиддир.

(2) Вазирлар бундай ҳодисалар зўравонлик қилишга, этник заминда куч ишлатиш йўли билан ажралиб чиқиш ва низоларга интилишга, энг нохуш ҳолларда эса – айбсиз фуқароларга нисбатан оммавий қувғин қилиш, этник тозалаш ва зўравонлик қилишнинг ваҳший ҳолатларига олиб келиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

(3) Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм давлатларда ва улар ўртасидаги муносабатларда этник, сиёсий ва ижтимоий танглик вазиятини вужудга кел-

тиради. Улар халқаро барқарорликка ва инсон умумий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бутун дунёда зўр бериб амалга оширилаётган ҳаракатларга ҳам путур етказди.

**ЕХХК Будапешт саммитининг
“Янги даврда ҳақиқий шериклик сари” ҳужжати
1994 йил 6 декабрь
(кўчирма)**

VIII қисм. Инсонийлик мезонлари

Сабр-тоқатлилик ва камситмаслик

25. Иштирок этувчи давлатлар мурасиизлик кўринишларини, айниқса, тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизмни қоралайдилар ҳамда уларни батамом йўқотишга қаратилган таъсирчан чоралар кўришга бундан буён ҳам кўмаклашадилар. Улар ДИИХБга бундан кейин ҳам шу ҳодисаларга алоҳида аҳамият бериб, иштирок этувчи давлатларда уларнинг турли кўринишлари тўғрисида ахборот тўплашни таклиф этадилар. Улар бу борадаги қонун ҳужжатларини мустаҳкамлашга ёки тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишга интиладилар, шунингдек бундай ҳодисалар кўринишларига барҳам бериш мақсадида мавжуд қонунчиликни самарали қўллашни таъминлаш учун тегишли чоралар кўрадилар. Улар бундай ҳодисаларга қарши курашга интеграцияга мўлжалланган сиёсат ва маърифатнинг таркибий қисми сифатида қараш лозимлигини таъкидлайдилар. Улар гўёки этник софликка эришиш мақсадида содир этилган барча жиноятларни қоралайдилар ва собиқ Югославия учун Гаагадаги Ҳарбий жиноятлар бўйича Халқаро трибунални самарали қўллаб-қувватлашни давом эттирадилар.

(...)

**Ўз фикрини билдириш эркинлиги/эркин
ахборот воситалари**

36. Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини эркин билдириш инсоннинг асосий ҳуқуқи ва демократик жамиятнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланганини яна бир бор тасдиқлайдилар. Шу маънода оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ҳамда плюрализм эркин ва очиқ жамият ҳамда давлат бошқаруви органлари ҳисобдорлигини таъминлаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг раҳбарлик принципи бу ҳуқуқни ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

37. Улар журналистларга қарши қилинган барча ҳужум ҳолларини ва уларга нисбатан мақсадли йўналтирилган ёвуз

хулқ-атворда бўлишни қоралайдилар ҳамда бундай ҳужумлар ва хулқ-атворда бўлишда бевосита айбдор шахсларни жавобгарликка тортишга интиладилар.

38. Улар айниқса, ҳукумат томонидан оммавий ахборот воситалари ёрдамида элатлараро нафрат қўзғатадиган ва кескинликни кучайтирадиган хатти-ҳаракатлар яқинлашиб келаётган можародан дастлабки огоҳлантириш бўлиб хизмат қилишини таъкидлайдилар.

ЕХХТ Лиссабон саммити декларацияси

1996 йил 2–3 декабрь

(кўчирма)

(...)

11. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги чинакам демократик фуқаролар жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан биридир. Хельсинки Яқунловчи ҳужжатида биз бу принципни ҳурмат қилишни ўз зиммамизга олганмиз. Бошқа халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишларни ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТ доирасида оммавий ахборот воситаларига доир қабул қилинган мажбуриятларни бажаришни жадаллаштириш зарурияти яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам биз Доимий кенгашга ЕХХТ доирасида қабул қилинган оммавий ахборот воситаларига тааллуқли мажбуриятларни бажариш масалаларига эътиборни кучайтириш йўллари йўганиб чиқишни ҳамда ЕХХТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакилини тайинлаш учун мандат ишлаб чиқишни топшираемиз. Ушбу мандат Вазирлар Кенгашининг 1997 йилда ўтказиладиган учрашувидан кечиктирмасдан унинг муҳокамасига тақдим этилиши лозим.

193-сонли қарор

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакилининг мандати

Вена, 1997 йил 5 ноябрь

1. Иштирок этувчи давлатлар оммавий ахборот воситалари (ОАВ) эркинлиги борасида ўзлари қабул қилган принциплар ва мажбуриятларни яна бир бор тасдиқлайди:

Улар, хусусан, ўз фикрини ифодалаш эркинлиги инсоннинг халқаро доирада эътироф этилган асосий ҳуқуқларидан бири ва демократик жамиятнинг дастуриламал унсурларидан эканини ҳамда эркин, мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситалари эркин ва очиқ жамият ва унга ҳисоб берувчи бошқарув тизими мавжуд бўлишининг зарур шарти эканини эслатиб ўтади.

Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТ доирасида қабул қилган принциплар ва мажбуриятларни назарда тутган ҳолда ва олий даражадаги Лиссабон учрашуви Декларацияси 11-банди қоидалари бажарилишига тўла садоқатини намоён этиб, улар Доимий кенгаш шафелигида Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили лавозимини таъсис этишга қарор қилади. Бундан мақсад ЕХХТ принциплари ва мажбуриятларини имкон қадар тўла адо этиш, шунингдек иштирок этувчи давлатлар ўз ялпи қадриятлари негизида амалга оширадиган қўшма ҳаракатларнинг самарадорлиги ошишини таъминлашдир.

Иштирок этувчи давлатлар Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили билан тўлақонли ҳамкорлик қилиш ниятида эканини тасдиқлайди. У иштирок этувчи давлатларга, ўзаро ҳамкорлик руҳидан келиб чиқиб, уларнинг эркин, мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасидаги садоқатини келгусида ҳам ҳаётга таътиб этиб боришда қўмаклашади.

2. ЕХХТ принциплари ва мажбуриятларига асосланиб, Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили шу муносабат билан барча иштирок этувчи давлатлардаги оммавий ахборот воситалари соҳасида юз бераётган ўзгаришларни кузатиб боради, шунингдек худди шуни ҳисобга олган ҳолда ва Амалдаги раис билан яқин ҳамкорликда ўз фикрини ифодалаш эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари эркинлигига тааллуқли ЕХХТ принциплари ва мажбуриятлари тўла бажарилишини қўллаб-қувватлайди ҳамда рағбатлантиради. Бу жиҳатдан у олдиндан огоҳлантириш вазифасини бажаради.

У бошқа масалалар қатори оммавий ахборот воситалари ишига тўсиқ бўлиб турган жиддий муаммоларни ва журналистлар фаолияти учун ноқулай шарт-шароитларни кўриб чиқиш билан шуғулланади.

У иштирок этувчи давлатлар, Доимий кенгаш, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ), Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар ва тегишли ҳолларда, ЕХХТнинг бошқа тузилмалари, шунингдек миллий ва халқаро журналистлар уюшмалари билан тигиз ҳамкорликда ишлайди.

3. Ушбу банд қоидаларига таяниб, Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили ўзининг асосий саъй-ҳаракатини иштирок этувчи давлатларнинг ўз фикрини ифодалаш эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари эркинлигига тааллуқли ЕХХТ принциплари ва мажбуриятларини жиддий равишда бажармаётгани билан боғлиқ ҳолларга тезкор муносабат билдиришга йўналтиради.

Бу принциплар ва мажбуриятлар жиддий равишда бажарилмаётгани тўғрисида хабар олгандаёқ, Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили тегишли тар-

тибда алоқадор иштирок этувчи давлатлар вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар билан бевосита алоқа ўрнатади, фактлар таҳлилини амалга оширади, иштирок этувчи давлатга ёрдам кўрсатади ҳамда муаммони ҳал этишда қўмаклашади.

У мунтазам равишда Амалдаги раисга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериб боради ва Доимий кенгашга эришилган натижалар, ўзининг мулоҳаза ва тавсиялари тўғрисида маълум қилиб туради.

4. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили юридик вазифаларни бажармайди, унинг фаолияти эса инсон ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги баёнотлар муносабати билан миллий ёки халқаро юридик тартиб-таомиллар қўлланилишини белгилаб бериши ҳеч бир мумкин эмас.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги баёнотлар муносабати билан миллий ёки халқаро тартиб-таомиллар қўлланилиши ҳолати унинг мазкур мандатга мувофиқ фаолиятини бажаришига тўсқинлик қилиши мутлақо мумкин эмас.

5. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили оммавий ахборот воситаларининг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни барча ишончли манбалардан тўплаш ва олиш ҳуқуқига эга.

У, хусусан, ДИИХБдан келиб тушадиган ахборот ва баҳоларга таянади. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили ДИИХБга эркин, мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситалари фаолияти учун сайловгача, сайлов даврида ва ундан кейин яратиб берилган шарт-шароитни баҳолаш борасида қўмаклашади.

6. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили иштирок этувчи давлатлардан ёки бошқа манфаатдор томонлардан (масалан, ташкилот ёхуд институтлардан, оммавий ахборот воситалари ва уларнинг вакилларида ҳамда алоқадор нодавлат нотижорат ташкилотларидан) ҳар қандай пайтда ЕХХТнинг тегишли принциплари ва мажбуриятларига амал қилинишини мустаҳкамлашга ва келгусида самарадорлигини оширишга тааллуқли, шу жумладан, Будапешт ҳужжати VIII боби 25-бандида ва ЕХХК Кенгаши Рим учрашуви Қарорининг X қисмида белгилаб қўйилган принципларга зид равишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланаётган иштирок этувчи давлатлар томонидан жиддий тоқатсизлик ҳоллари содир этилгани юзасидан олинган маълумотлар муносабати билан сўровлар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар тўплаш ва олиш ҳуқуқига эга.

У ана шу сўровлар, таклиф ва фикр-мулоҳазаларни Доимий кенгаш кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин, бунда, зарур ҳолларда келгусидаги хатти-ҳаракатлар юзасидан ўзининг тавсияларини ҳам ҳавола этади.

7. Бундан ташқари, Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили Амалдаги раис билан доим

маслаҳатлашиб туради ва Доимий кенгашга мунтазам равишда маърузалар тақдим этиб боради.

У мазкур мандатга мувофиқ ўз фикрини ифодалаш эркинлигига ва эркин, мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситалари фаолиятига тааллуқли муайян масалалар бўйича маърузаларини тақдим этиш учун Доимий кенгашга таклиф этилиши мумкин.

У ҳар йили инсонийлик мезонлари масалалари ижросини кўриб чиқишга бағишланган кенгашда ёки ЕХХТ таҳлилий кенгашида иштирок этувчи давлатларда ЕХХТнинг ўз фикрини ифодалаш эркинлиги ва эркин, мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситалари фаолиятига тааллуқли тегишли принциплари ва мажбуриятларига амал қилинишининг аҳволи бўйича маърузаларини тақдим этади.

8. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили террорчилик ёхуд зўравонлик усулларида фойдаланадиган ёхуд буни очиқ-ошкора оқлайдиган бирор-бир шахс ёки ташкилот билан муносабатга киришмайди ва уларнинг мурожаатларига жавоб бермайди.

9. Бу соҳа билан бевосита боғлиқ бўлган, кўп йиллик иш тажрибасига эга ва зиммасига юкланадиган вазифани ҳалол, сидқидилдан бажарадиган таниқли халқаро арбоб Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили бўлади. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили мазкур мандат тегишли қоидаларининг мустақил ва ҳолис талқинига таяниб иш кўради.

10. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили мазкур мандатга тааллуқли бўлган ва ўзи фуқароси ҳисобланган ёхуд ўзи доимий яшаб турган иштирок этувчи давлатда юзага келган жиддий ҳолатларни, фақат бунга бевосита жалб этилган барча томонларнинг, шу жумладан, манфаатдор иштирок этувчи давлатнинг розилигини олгандан кейингина кўриб чиқади.

11. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили тегишли халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, шунингдек Европа Иттифоқи билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яхшилаш ва бир-бирининг фаолиятини таққорлашдан ҳоли бўлиш мақсадида – мунтазам алоқа боғлаб туриш йўли билан – ҳамкорлик қилади.

12. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили ЕХХТ тартиб-таомилларига мувофиқ Вазирлар Кенгаши томонидан иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашувлар якуни бўйича Амалдаги раис берадиган тавсия асосида тайинланади. Тайинлаш уч йил муддатга, ҳудди шу тартибда яна бир бор бу муддатни узайтириш имконияти билан, амалга оширилади.

13 Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили лавозими мазкур мандат ва ЕХХТнинг Ходимлар ҳақидаги низомига мувофиқ таъсис этилади ва ходимлар билан таъминланади.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили ва унинг Бюроси иштирок этувчи давлатлар томонидан ЕХХТ бюджетидан ЕХХТ Молия қоидаларига мувофиқ молиялаштирилади. Тегишли жиҳатлар норасмий молия комиссиясида ишлаб чиқилади ва шундан кейин Доимий кенгаш томонидан тасдиқланади.

14 Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили Бюроси Венада жойлашади.

Илова

Хельсинки маслаҳатлашувлари Якуний тавсияларининг 79-бандига (6-боб) мувофиқ изоҳловчи баёнот

Франция делегацияси томонидан:

“Қуйида номлари зикр этилган давлатлар – Европа Иттифоқи аъзолари Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг ахдлашувчи томонлари сифатида мазкур Конвенцияда кўрсатилган ўз фикрини ифодалаш эркинлиги, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари эркинлигига тааллуқли қоидаларга ўзларининг садоқатини яна бир бор тасдиқлайди.

Улар ҳисоблайдиларки, Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакили ўз мандатини бажариш асносида юқорида айтиб ўтилган қоидаларга ҳам амал қилиши шарт.

Бизнинг мамлакатларимиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг бошқа иштирок этувчи давлатларини ушбу баёнотга қўшилишга даъват этади.

Албания, Арманистон, Австрия, Бельгия, Болгария, Кипр, Дания, Испания, Эстония, Финляндия, Франция, Буюк Британия, Греция, Венгрия, Ирландия, Италия, Латвия, Лихтенштейн, Литва, Люксембург, Мальта, Молдова, Норвегия, Нидерландия, Польша, Португалия, Руминия, Словакия Республикаси, Словения, Швеция, Чехия Республикаси, Туркия”.

ЕХХТ Истанбул саммити декларацияси 1999 йил 19 ноябрь (кўчирма)

(...)

27. Биз (ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг давлат ва ҳукумат бошлиқлари) фикрлар хилма-хиллиги ҳукмрон бўлган де-

мократик жамиятлар қарор топишининг фундаментал шarti ҳисобланган оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамикзга оламиз. Биз можаролар юз берган зоналарда нафрат ва элатлараро кескинлик оловини ёкиш учун оммавий ахборот воситаларини суиистеъмол қилишдан, шунингдек фуқароларни эркин оммавий ахборот воситаларидан махрум қилиш учун ҳуқуқий чекловлар ва гижгижлашлардан фойдаланилишидан ниҳоятда ташвишдамиз. Биз ҳар қандай демократик жамиятда сиёсий мулоқотнинг энг муҳим унсурларидан бўлган ўз фикрларини эркин билдиришни таъминлаш зарурлигини таъкидлаймиз. Биз Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакил Бюросининг эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Европада хавфсизлик хартияси

Истанбул, 1999 йил 19 ноябрь

(қўчирма)

(...)

(26) Биз мустақил оммавий ахборот воситалари ва эркин ахборот оқими, шунингдек жамоатчиликнинг ахборот олиш эркинлигининг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз ҳар қандай демократик, озод ва очиқ жамиятнинг энг муҳим узви ҳисобланувчи эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатиши ҳамда ахборот оқимларининг трансчегаравий ҳудудларда ва давлатнинг ичкарасида тўсиқсиз ўтиши учун зарур негизни яратиш бўйича барча тегишли чора-тадбирларни кўриш мажбуриятини ўз зиммамикзга оламиз.

2-БОБ. ЕВРОПА КЕНГАШИНING МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси

1950 йил 4 ноябрь

(қўчирма)

(...)

10-модда

1. Ҳар ким ўз фикрини ифодалаш эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз фикрида собит қолиш, давлат органлари аралашувисиз ва давлат чегараларидан қатъи назар ахборот ва ғояларни олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади. Ушбу модда давлатларга радиоэшиттириш, телевидение ёки кинематография корхоналарини лицензиялаш тартибини жорий этишига тўсқинлик қилмайди.

2. Мажбурият ва масъулият юклайдиган ушбу эркинликларни рўёбга чиқариш миллий хавфсизлик, ҳудудий яхлитлик ёки жамият осойишталиги манфаатлари нўқтаи назаридан қонунда кўзда тутилган ва демократик жамият тақозоси бўлган ҳамда тартибсизликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлиқ ва маънавиятни асраб-авайлаш, бошқа шахсларнинг шаъни ёки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, махфий суратда олинган ахборотни тарқатишнинг олдини олиш ёхуд одил судлов холислигининг нуфузини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқадиган муайян расмийлик, шарт-шароит, чеклашлар ва жазо чоралари билан боғлиқ ҳолда кечиши ҳам мумкин.

Фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги тўғрисидаги декларация

1982 йил 29 апрель¹

Европа Кенгашига аъзо давлатлар:

1) ҳақиқий демократия принциплари, ҳуқуқ устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши ўзаро ҳамкорлик учун асос яратади, шунингдек фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги ана шу принципларнинг туб унсуридир, деб ҳисоблаган ҳолда;

¹ Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 70-сессиясида қабул қилинган.

2) ушбу эркинлик миллий конституцияларда ва халқаро ҳужжатларда, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 10-моддасида эълон қилинганини назарда тутиб;

3) мазкур Конвенциялар кўмагида фикрни ифодалаш эркинлиги ва сиёсий тараққиёт сари жамоавий саъй-ҳаракат йўлида, унинг ижросини назорат қилишни шу Конвенцияга мувофиқ тузилган органларга топшириш орқали, муҳим қадам қўйилганини эслатиб;

4) фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги ҳар бир инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиши учун зарур ҳамда ижтимоий ва маданий қатламлар, миллатлар ва халқаро ҳамжамиятнинг уйғун тараққий этиши учун шарт-шароит яратади, деб ҳисоблаб;

5) ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланишида давом этиши ахборот ва ғояларни, чегара ва манбаидан қатъи назар, ифодалаш, излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини кенгайтиришга хизмат қилиши зарурлигига ишонч билдириб;

6) давлатлар фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлигини ҳимоялаш, улар бузилишининг олдини олиш мажбуриятига эга эканига ҳамда имкон қадар кўпроқ турли хил оммавий ахборот воситаларини ташкил этишга ва ахборот манбаларига плюралистик ёндашишга қаратилган сиёсат юритиши, шу тахлит ғоялар ва фикрлар плюрализмини эълон қилиши зарурлигига амин бўлиб;

7) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 10-моддаси 2-бандида белгиланган қонуний чораларга қўшимча сифатида кўнгилли равишда этика кодекслари таъсис этилгани ва улардан оммавий ахборот воситалари соҳасидаги профессионал ташкилотлар фойдаланаётганини қайд этиб;

8) чегаралар орқали ҳар қандай ахборотнинг эркин ўтиши ва кенг узатилиши халқаро нуқтаи назардан, кишиларни бирлаштириш ва маданиятларни ўзаро бойитиш борасида муҳим омил ҳисобланишини эътироф этиб;

I. Демократия ва плюралистик жамиятнинг асосий унсури сифатида фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги принципларига ўзларининг қатъий содиқликларини яна бир бор таъкидлайдилар;

II. Ахборот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида қуйидаги мақсадларга эришишга интилаётганлари ҳақида баёнот берадилар:

а) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 10-моддасида белгиланганидек, тегишли шарт-шароитда ҳар кимнинг, чегаралардан қатъи назар, ўз фикрини ифодалаш, ахборот ва ғояларни, манбаидан қатъи назар, излаш ва олиш ҳуқуқини ҳимоялаш;

б) оммавий ахборот воситаларида, ахборотни узатиш ёки тарқатиш соҳасида цензура ёки бошвоқсиз назоратнинг ё ахборот жараёни иштирокчиларини мажбурлашнинг мавжуд бўлмаслигига эришиш;

с) жамоатчилик секторида, шу жумладан ахборотга эга бўлиш борасида, индивидуумларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий мавзулар бўйича тушунчаларни ҳамда шу мавзуларда эркин баҳс-мунозара юритиш кўникмасини ривожлантириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, очиқ сиёсат юритиш;

д) ахборот ва ғоялар хилма-хиллигини акс эттириш учун имкон берадиган ранг-баранг мустақил ва эркин оммавий ахборот воситаларининг кенг доираси мавжудлигини таъминлаш;

е) ахборот ва ғояларни узатиш ва тарқатишнинг муқобил миллий ва халқаро воситаларига эга бўлиш ҳамда улардан оқилона шароитларда фойдаланиш;

ф) ахборот оқими эркинлигини кучайтириш ҳамда ахборот алмашуви борасидаги инфратизимни ва ундан фойдаланиш борасидаги омилкорликни яхшилаш учун жамоатчилик асосидаги ва хусусий каналларни қўллаб-қувватлашда халқаро ҳамкорлик ва кўмакни рағбатлантириш.

III. Қуйидагиларга эришиш учун ҳамкорликни кучайтиришга қарор қиладилар:

а) ҳар бир кишининг фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлигини рўёбга чиқариш борасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш;

б) фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлигини рўёбга чиқариш самарадорлигини таълим йўли билан рағбатлантириш;

с) урф-одатлар ва эътиқодлар мазмун-моҳиятини янада яхшироқ англашни, фикрлар хилма-хиллиги ва маданиятлар бир-бирини ўзаро бойтишини ҳурмат қилишни халқаро миқёсда тушуниш ва ҳис этишга кўмаклашувчи эркин ахборот оқимини рағбатлантириш;

д) оммавий ахборот воситалари соҳасидаги тажриба ва билимларни тарқатиш;

е) фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлигини кенгайтириш учун янги ахборот ва коммуникация технологиялари ва хизматларидан имкон бор жойда самарали фойдаланилишини таъминлаш.

3-БОБ. АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси **Сан-Хосе, 1969 йил 22 ноябрь** (кўчирма)

(...)

13-модда. Эътиқодлар ва уларни ифодалаш эркинлиги

1. Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифодалаш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ ҳар қандай ахборот ва ғояларни оғзаки, ёзма, матбуот орқали, шунингдек бадиий ифода воситасида ёки ўз истагига кўра бошқа ҳар қандай шаклда, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Мазкур модданинг юқоридаги бандида кўрсатилган ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда инсон олдиндан цензурага дучор этилмаслиги керак, аммо унинг зиммасига қонунда белгиланган ва қуйидагиларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган муайян мажбуриятлар юкланади:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва шаънини ёхуд

б) давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқ-одобини тегишлича ҳурмат қилиш.

3. Ўз фикрини ифодалаш ҳуқуқи босма оммавий ахборот воситалари, радиочастоталар ёки ахборот тарқатиш учун қўлланиладиган асбоб-ускуналар устидан давлат томонидан ёхуд хусусий назорат ўрнатилиши каби қўшимча воситалар орқали, шунингдек ғоя ва фикрларни хабар қилиш ёхуд тарқатишга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳар қандай чоралар билан чеклаб қўйилиши мумкин эмас.

4. Мазкур модда 2-банди қоидаларига амал қилинмаган тақдирда оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари, фақат болалар ва ёшларнинг маънавиятини ҳимоялаш нуқтаи назаридан ушбу маҳсулотлардан уларнинг фойдалана олиш имконини тартибга солиш мақсадида, олдиндан цензура қилишга дучор этилиши мумкин.

5. Урушни ҳар қандай йўл билан тарғиб қилиш, шунингдек зўравонликка гижгижловчи ёки ҳар қандай негизда, шу жумладан ирқи, тана ранги, тили ёхуд миллий мансублигини асос қилиб олган ҳолда ҳар қандай инсонга ёки кишилар гуруҳига шу каби турли ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишдан иборат бўлган ҳар қандай миллий, ирқий ёхуд диний адоватни тарғиб қилувчи

чиқишлар қонун бўйича жазоланадиган ҳуқуқбузарлик сифатида қаралиши шарт.

14-модда. Жавоб қайтариш ҳуқуқи

1. Ўзига оммавий ахборот воситалари орқали кўпчиликка ошкор бўлган ноаниқ ёхуд ҳақоратомуз баҳолар ёки ғоялар билан зиён етказилган ҳар қандай инсон тегишли қонунда белгиланган шарт-шароитларда худди ўша оммавий ахборот воситаси орқали жавоб қайтариш ёки раддия бериш ҳуқуқига эга.

2. Раддия ёки жавоб берилиши айбдор тортилиши мумкин бўлган юридик жавобгарликни мутлақо бекор қилмаслиги керак.

3. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини самарали ҳимоялаш учун ҳар қайси ношир ва ҳар бир газета, кино-, радио- ва телекомпания дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлмаган ва алоҳида имтиёзлар билан ҳимояланмаган муайян масъул шахсга эга бўлиши шарт.

4-БОБ. АФРИКА ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисида Африка хартияси
Найроби, 1981 йил 26 июнь
(кўчирма)

9-модда

1. Ҳар бир инсон ахборот олиш ҳуқуқига эгадир.
2. Ҳар бир инсон қонун доирасида ўз фикрини ифодалаш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадир.

5-БОБ. МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

МДҲнинг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенцияси

Минск, 1995 йил 26 май¹

(кўчирма)

(...)

11-модда

1. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга-дир. Бу ҳуқуқ ўз фикрида собит қолиш, ахборот ва ғояларни ҳар қандай қонуний йўл билан, давлат ҳокимияти аралашувисиз ва давлат чегараларидан қатъи назар, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Мажбурият ва масъулият юклайдиган ушбу эркинликларни рўёбга чиқариш қонунда кўзда тутилган ва демократик жамият тақозоси бўлган ҳамда давлат ёхуд жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадларидан келиб чиқадиган муайян расмийлик, шарт-шароит ва чеклашлар билан боғлиқ ҳолда кечиши ҳам мумкин.

(...)

32-модда

Мазкур Конвенция бўйича кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашга йўл қўйилиши билан боғлиқ қоидалар кўзда тутилган ўринлардан бошқа мақсадларда қўлланилиши мумкин эмас.

33-модда

Мазкур Конвенциядаги бирон-бир нарсга тегишли Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги у иштирокчиси ҳисобланган дастуриламал халқаро ҳужжатга мувофиқ эътироф этиладиган ва кафолатланадиган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан биронтасини чеклаш ёки камситиш мазмунида талқин этилиши мумкин эмас.

¹ Ушбу Конвенция 1998 йил 11 августдан эътиборан Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикасида кучга кирган.

УЧИНЧИ ҚИСМ.

**НОҲУКУМАТ ЙЎНАЛИШДАГИ
ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР
ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛГАН ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАР**

Йоханнесбург принциплари

1995 йил 1 октябрь

Миллий хавфсизлик, фикрни ифодалаш эркинлиги ва ахборотга эга бўлиш

Принциплар Австралия, Буюк Британия, Замбия, Исроил, Ҳиндистон, Кения, Россия, Шимолий Ирландия, Сенегал, Европа Иттифоқи, АҚШ, Франция, Швейцария, Швеция, Югославия, ЖАР, Жанубий Кореянинг 36 нафар экспертдан иборат оммавий ахборот воситалари ҳуқуқи соҳаси бўйича америкалик мутахассис Пол Хоффман раислигидаги гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Кириш

Мазкур Принциплар 1995 йил 1 октябрда Жанубий Африканинг Уитуотерсрэнд Университети ҳузуридаги Амалий ҳуқуқий тадқиқотлар маркази кўмагида фаолият юритувчи “Артикль 19” аксилцензура халқаро марказида тўпланган халқаро ҳуқуқ, миллий хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари соҳалари экспертлари гуруҳи томонидан қабул қилинган.

Принциплар давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида (шу жумладан, миллий судлар қарорларида) тобора чуқур ўрин эгаллаб бораётган инсон ҳуқуқлари ҳимоясига тааллуқли халқаро ва минтақавий ҳуқуқ нормаларига, шунингдек ҳуқуқнинг ҳамдўстлик давлатлари томонидан эътироф этилган умумий принципларига асослангандир.

Мазкур Принциплар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт қоидаларига, шунингдек Фавқулодда ҳолатларда инсон ҳуқуқларига нисбатан Париж минимал стандартларига тааллуқли Сиракуз принципларининг қўлланилишда давом этаётганини эътироф этади.

Муқаддима

Мазкур Принциплар лойиҳасини тайёрлашда иштирок этувчилар:

БМТ Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматини ҳамда ҳар кимнинг ажралмас, тенг ҳуқуқларини эътироф этиш эркинликнинг, одил судловнинг ва бутун дунёдаги тинчликнинг негизи эканидан келиб чиқиб;

судларга зулм ва жабр-ситам етказиш ҳолларига қарши охир-ги ҳимоя чораси сифатида ёндашадиган ҳуқуқ устуворлиги принципи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдириб;

фикрни ифодалаш эркинлиги ва ахборот эркинлиги демократик жамиятда муҳим роль ўйнашига ҳамда унинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши ва инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари рўёбга чиқишида жиддий аҳамиятга эга эканига ишончи комиллигини таъкидлаб;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Судлар мустақилиги тўғрисидаги БМТ асосий принциплари, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг тегишли қоидаларини эътиборда тутиб;

инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг айрим ўта жиддий бузилиши ҳолларининг ҳукуматлар томонидан миллий хавфсизликни муҳофаза қилиш зарурати сифатида ёқлаб чиқилаётганини яхши англаб;

ҳукумат хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва демократик жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш учун кишилар ҳукумат ихтиёридаги ахборотга эга бўлиши зарурлигига қатъий талаб сифатида ёндашиб;

миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб фикрни ифодалаш эркинлиги ва ахборот эркинлигини чеклашга ўта тор кўламда йўл қўйилиши мумкинлиги ва бундан кўзланган мақсад ҳукуматни миллий хавфсизликни вақт қилиб ана шу эркинликларга нисбатан асоссиз чеклашларни қўллашга рағбатлантирмаслик экани билан боглиқ қоида тан олинishiга кўмаклашишни истаб;

ҳуқуқ устуворлиги принципининг асосий талабларига жавоб берадиган, аниқ ва пухта тайёрланган қонунлар қабул қилиш орқали ана шу эркинликларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш зарурлигини эътироф этиб;

ушбу эркинликларни мустақил судларда юридик жиҳатдан ҳимоялаш зарурлиги тўғрисида яна бир бор эслатиб;

Иштирокчилар қуйидаги Принциплар бўйича келишиб олди ва миллий, минтақавий ҳамда халқаро даражалардаги тегишли органларга уларни кенг тарғиб этиш, қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган амалий қадамлар қўйишни тавсия этади.

I. Асосий принциплар

1-Принцип. Фикр, фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги

(а) Ҳар ким четдан ҳалал берилмаган ҳолда ўз фикрида собит қолиш ҳуқуқига эга.

(b) Ҳар ким ўз фикрини ифодалаш ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ғояларни, чегарадан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма усулда ёхуд санъат асари шаклида ёки ўзи танлаган ҳар қандай алоқа воситаси орқали излаш, олиш ва узатиш эркинлигини камраб олади.

(c) (b)-бандда белгиланган ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, шу жумладан миллий хавфсизликни ҳимоялаш мақсадида конкрет асосларга кўра чеклаш предмети бўлиши мумкин.

(d) Модомики ҳукумат тегишли чеклаш қонунчиликда кўзда тутилганини ва демократик жамиятда миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатлари ҳимояси учун зарур эканини намоён этмас экан, ўз фикрини ифодалаш ёки ахборот эркинлигини миллий хавфсизликни вақ қилиб ҳар қандай чеклашларга йўл қўйилмаслиги керак.

1.1-Принцип. Барча чеклашларнинг қонунда белгиланиши

(a) Ўз фикрини ифодалаш ёки ахборот эркинлигини ҳар қандай чеклаш қонунда кўрсатилган бўлиши зарур. Ҳар бир киши мунайян хатти-ҳаракатнинг ғайриҳуқуқийми-йўқлигини олдиндан аниқ билиб олишига имкон бериш учун қонун ҳаммабоп, лўнда, аниқ ва равшан бўлиши лозим.

(b) Қонунда унинг талаблари бузилишига қарши муқобил қафолатлар, шу жумладан мустақил суд ёхуд одил судлов органи томонидан чеклашнинг асосийлигини юридик жиҳатдан тезкор, тўлиқ ва самарали кўриб чиқиш кўзда тутилган бўлиши керак.

1.2-Принцип. Миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатлари ҳимояси

Ҳукумат миллий хавфсизлик тақозоси сифатида ёқлаш истагида бўлган ўз фикрини ифодалаш ёки ахборот эркинлигини ҳар қандай чеклаш аслида ҳам худди шу мақсаддан келиб чиққан бўлиши ва якуний натижаси миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратилгани исбот этилиши шарт.

1.3-Принцип. Демократик жамият принципларига мувофиқлик

Фикрни ифодалаш ёки ахборот эркинлигининг чекланиши миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатлари ҳимояси йўлида зарурлигини исбот этиш учун қуйидагиларни намойиш қилиши даркор:

(a) мазкур масала бўйича фикрни ифодалаш ёки ахборот миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатларига жиддий таҳдид солишини;

(b) жорий этиладиган чеклашлар бу манфаатлар ҳимояси йўлидаги энг кам чеклаш чораларини кўзда тутишини;

(с) чеклашларнинг демократик жамият принципларига мувофиқлигини.

2-Принцип. Миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатлари

(а) Агар миллий хавфсизликни важ қилиб жорий этилаётган чеклашнинг асл мақсади ва яқуний натижасининг далолати муайян мамлакатга ёки унинг ҳудудий яхлитлигига қарши куч ишлатишдан ёхуд куч ишлатишга таҳдид этишдан ёки ташқи манбалардан бўлса ҳам, масалан, ҳарбий таҳдид ва ёки ички манбалардан бўлса ҳам, масалан, ҳокимиятни зўрлик билан ағдариб ташлашга гижгижлаш учун куч ишлатишга ёхуд куч ишлатишга таҳдид этишга нисбатан мамлакатнинг қарши тура олиш имкониятини ҳимоя қилишдан иборат бўлмаса, бундай чеклаш қонуний ҳисобланмайди.

3-Принцип. Фавқулодда ҳолат

Мамлакат мавжудлигига таҳдид этадиган ва юзага келгани ҳақида миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ расмий равишда ва қонуний йўл билан эълон қилинган фавқулодда ҳолат юз берган тақдирда, давлат фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлигига нисбатан чеклашлар жорий этиши мумкин, аммо бу чеклов фақат вазиятга мувофиқ қатъий талаб этилган миқёсда ва ҳукуматнинг халқаро ҳуқуқ бўйича бошқа мажбуриятларига зид келмагандагина ва зид келмайдиган даражадагина бўлиши лозим.

4-Принцип. Камситишларни тақиқлаш

Фикрни ифодалаш ёки ахборот эркинлигини чеклаш, шу жумладан, миллий хавфсизликни важ қилиб чеклаш чоғида ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа маслаги, миллий ёхуд ижтимоий келиб чиқиши, фуқаролиги, мулкӣ мавқеи, туғилиши ёки бошқа белгиларига қараб камситишларга йўл қўйилмаслиги даркор.

II. Фикрни ифодалаш эркинлигини чеклашлар

5-Принцип. Фикр эркинлиги

Ҳеч ким ўзининг фикри ёки эътиқоди туфайли бирон-бир чеклашга, ҳуқуқларидан маҳрум бўлишга ёхуд жазоланишга дучор этилмаслиги керак.

6-Принцип. Миллий хавфсизликка таҳдид этиши мумкин бўлган фикрни ифодалаш

15 ва 16-принципларга мувофиқ, агар ҳукумат қуйидагиларни намоиш эта олса, фикрни ифодалаш миллий хавфсизликка таҳдид этади, деб жазога лойиқ қўрилиши мумкин:

(а) фикрни ифодалаш зўравонликка асосланган хатти-ҳаракатларга даъват этиш мақсадини кўзлаганини;

(б) худди шундай зўравонликка асосланган хатти-ҳаракатларга олиб келиши мумкинлигини;

(с) фикрни ифодалаш билан шундай зўравонликка асосланган хатти-ҳаракатлар эҳтимолни ўртасида тўғридан-тўғри ва бевосита боғлиқлик мавжудлигини.

7-Принцип. Ҳимояда бўлган фикрни ифодалаш

(а) 15 ва 16-принципларга мувофиқ, фикрни ифодалаш эркинлиги ҳуқуқини тинч йўл билан рўёбга чиқаришга миллий хавфсизликка таҳдид сифатида қаралмаслиги ёки у чеклаш ва жазолашларга дучор этилмаслиги керак. Миллий хавфсизликка таҳдид деб ҳисобланмайдиган фикрни ифодалаш қуйидагилардан иборат бўлиб, худди шу фикрни ифодалашлар билангина чекланиб қолмайди:

(i) ҳукумат сиёсатини ёки ҳукуматнинг ўзини зўрлик ишлатмасдан ўзгартириш даъвати билан чиқади;

(ii) мамлакатни, давлатни ёки унинг рамзларини, ҳукуматини, давлат ташкилотлари ёхуд арбобларини, шунингдек хорижий мамлакатни, давлатни ёки унинг рамзларини, ҳукуматини, давлат ташкилотлари ёхуд арбобларини танқид қилиш ёки ҳақоратлашдан иборат бўлади;

(iii) диний жиҳатлар, виждон ва эътиқод эркинлиги нуқтаи назаридан, ҳарбий хизматга чақирувга ёки ҳарбий хизматнинг ўзига; муайян низога ёхуд халқаро можароларни ҳал этиш учун куч ишлатиш таҳдидига қарши эътироз билдиради ёки эътирозни маъқуллаб чиқади;

(iv) инсон ҳуқуқлари ёки халқаро гуманитар ҳуқуққа тааллуқли халқаро нормаларнинг бузилганлиги эҳтимол тутилган ахборотни етказишга йўналтирилган бўлади.

(б) Мамлакатни, давлатни ёки унинг рамзларини, ҳукуматини, давлат ташкилотлари ёхуд арбобларини, шунингдек хорижий мамлакатни, давлатни ёки унинг рамзларини, ҳукуматини, давлат ташкилотлари ёхуд арбобларини танқид қилгани ёки ҳақоратлагани учун, агар фақат бундай танқид ёхуд ҳақорат зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этишга гижгижлаш учун йўналтирилмаган бўлса ва ёки худди шундай хатти-ҳаракатларга сабабчи бўлмаса, ҳеч кимнинг жазоланиши мумкин эмас.

8-Принцип. Миллий хавфсизликка таҳдид этиши мумкин бўлган фаолият тўғрисидаги маълумотларни оддий йўл билан етказиш

Ҳукумат томонидан миллий хавфсизлик манфаатларига ёхуд у билан тигиз боғлиқ бўлган манфаатларга таҳдид сифатида эълон қилинган ташкилот чоп этган ёки шу ташкилот ҳақида чоп этилган ахборотни етказганлиги учунгина фикрни ифодалаш чеклаб қўйилиши ёки жазоланиши мумкин эмас.

9-Приицип. Миллий озчиликка мансуб тилдан ёки бошқа тиллардан фойдаланиш

Фикрни ифодалаш, ёзма ёки оғзакилигидан қатъи назар, у ёки бу тилдан, айниқса, миллий озчиликка мансуб тилдан фойдаланилаётганини асос қилиб тақиқлаб қўйилиши мумкин эмас.

10-Принцип. Фикрни ифодалашга учинчи шахсларнинг ғайриқонуний аралашishi

Давлатлар тинч йўл билан рўёбга чиқарилаётган фикрни ифодалаш эркинлигига, ҳатто ушбу фикрни ифодалаш ҳукумат ва унинг сиёсатига нисбатан танқидий руҳда бўлса ҳам, хусусий гуруҳлар ёхуд алоҳида шахсларнинг ғайриқонуний аралашishига барҳам бериш учун оқилона чоралар кўришга мажбур. Хусусан, ҳукуматлар фикрни ифодалаш эркинлигига тазйиқ ўтказишга қаратилган ғайриҳуқуқий ҳаракатларни қоралашга, тергов қилишга ва айбдорларни одил судлов органларига топширишга мажбур.

III. Ахборот эркинлигини чеклаш

11-Принцип. Ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишнинг умумий қоидалари

Ҳар ким ҳокимият тузилмаларидан ахборот олиш, шу жумладан, давлат хавфсизлигига тааллуқли ахборотни олиш ҳуқуқига эгадир.

Миллий хавфсизликни ваз қилган ҳолда ушбу ҳуқуқни ҳар қандай чеклашларга, агар ҳукумат бундай чеклаш қонунда белгиланганини ва демократик жамиятда миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш учун зарурлигини намоён этмаса, йўл қўйилмайди.

12-Принцип. Хавфсизлик ваз қилинган истисноларнинг тор доирасини белгилаш

Давлат миллий хавфсизликка тааллуқли барча ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишни батамом рад этиши мумкин эмас, аммо фақат демократик жамиятда миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатлари йўлида ёпиқ қолдириш зарур бўлган ахборотнинг аниқ ва тор доирадаги тоифасини қонунда белгилаб қўйиши даркор.

13-Принцип. Ахборот очиқлигига жамият манфаатининг дахлдорлиги

Ахборот олиш ҳуқуқига тааллуқли барча қонун ва қарорларда биринчи галда ана шу ахборотни олишга нисбатан жамият манфаатининг дахлдорлигини ҳисобга олиш зарур.

14-Принцип. Ахборот тақдим этишни рад қилишни мустақил кўриб чиқиш ҳуқуқи

Давлат ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш учун тегишли чоралар кўришга мажбур. Бу чоралар ҳокимият тузилмалари ахборот тақдим этишни рад қилган тақдирда бунинг сабабини ёзма равишда ва имкон қадар қисқа муддатда баён этишини, шунингдек мустақил органларга рад этишнинг асослилиги ва қонунийлигини кўриб чиқиш, шу жумладан, у ёки бу кўринишда юридик жиҳатдан кўриб чиқиш ҳуқуқини беришини кўзда тутиши керак. Ўтирозларни кўриб чиқувчи орган беркитилаётган ахборот билан танишиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт.

15-Принцип. Махфий ахборотни очишнинг умумий қоидалари

Куйидаги ҳолларда ҳеч ким ахборотни фош этганлик учун миллий хавфсизликни вақ қилиб жазоланмаслиги лозим:

ушбу очиш миллий хавфсизликнинг қонуний манфаатларига том маънода зиён етказмаса ва, эҳтимол, зиён етказа олмайдиган бўлса;

ушбу ахборотни олишга нисбатан жамият манфаати уни очишдан етадиган зиёндан устун бўлса.

16-Принцип. Давлат хизматидан олинган ахборот

Ҳеч ким давлат хизматидан олинган ахборотни фош этгани учун, агар ушбу ахборотни олишга нисбатан жамият манфаати уни очишдан етадиган зиёндан устун бўлса, миллий хавфсизликни вақ қилган ҳолда таъқиб этилиши мумкин эмас.

17-Принцип. Оммавий мулкка айланган ахборот

Ахборот, ҳатто ноқонуний воситалар орқали бўлса ҳам, оммавий мулкка айланганидан кейин уни келгусида чоп этишни давом эттиришга барҳам бериш зарурлигини исботловчи барча асослар жамиятнинг ахборот олиш ҳуқуқидан устун туролмайди.

18-Принцип. Журналистика манбаларини ҳимоялаш

Миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш журналистни ўз манбаси махфийлигини очишга мажбур этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

19-Принцип. Ёпиқ ҳудудларга кириш ҳуқуқи

Эркин ахборот оқимини ҳар қандай чеклаш инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ асосларини йўққа чиқарадиган даражага бориб етмаслиги керак. Хусусан, ҳукуматлар журналистлар ёки инсон ҳуқуқлари ё гуманитар ҳуқуқ нормалари бузилаётгани ёхуд бузилгани ҳақида асосли тахминлар мавжуд бўлган ҳудудларда инсон ҳуқуқлари ва гуманитар нормаларга нечоғли амал қилинаётганини

назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳукуматлараро ёхуд ноҳукумат ташкилотлар вакилларининг шу ҳудудларда бўлишига тўсқинлик қилмасликлари керак.

Ҳукумат зўравонлик ҳаракатлари юз бераётган ёки қуролли низо бораётган ҳудудларга журналистлар ва шундай ташкилотлар вакиллари киришини тақиқлаши мумкин эмас, уларнинг ўша жойда бўлиши бошқаларнинг хавфсизлигини яққол хавф остида қолдирадиган ҳолатлар бундан мустасно.

IV. Ҳуқуқ устуворлиги принципи ва бошқа принциплар

20-Принцип. Ҳуқуқ устуворлиги умумий принципи кафолатлари

Хавфсизликка, фикрни ифодалашга ёхуд ахборотга алоқадор жиноятда айбланувчи ҳар қандай шахс халқаро ҳуқуқнинг узвий қисми бўлган ҳуқуқ устуворлиги принципининг барча кафолатларидан фойдаланади. Улар қуйидаги ҳуқуқларни қамраб олади, аммо шулар билан чекланиб қолмайди:

- (a) айбсизлик презумпцияси ҳуқуқи;
- (b) асоссиз ҳибсга олинмаслик ҳуқуқи;
- (c) қўйилган айбловлар ва ушбу айбларни тасдиқловчи далиллар тўғрисида тушунарли тилда тезкор хабардор бўлиш ҳуқуқи;
- (d) ўзи танлаган адвокатга тезликда боғланиш ҳуқуқи;
- (e) оқилона қисқа муддатли суд маҳкамаси ҳуқуқи;
- (f) ҳимояга тайёрланиш учун етарли вақтга эга бўлиш ҳуқуқи;
- (g) ишнинг ҳолис суд ёки одил судлов органида ҳалол ва очиқ кўриб чиқилиши ҳуқуқи;
- (h) айблов бўйича гувоҳларни сўроқ қилиш ҳуқуқи;
- (i) агар айбланувчи шахсга қарши далиллар келтириш имкони берилмагани билан бирга далиллар келтирилмаган бўлса, судлов жараёнида шундай далилларни келтирмаслик ҳуқуқи;
- (j) қарорни қонун ва келтирилган далиллар нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ваколатига эга мустақил суд ёки одил судлов органига апелляция бериш ҳуқуқи.

21-Принцип. Ҳуқуқий ҳимоя воситалари

Барча ҳуқуқий ҳимоя воситалари, шу жумладан, “habeas corpus” ва “amparo” каби махсус воситалар хавфсизликка, шу жумладан, 3-Принципдаги таъриф бўйича мамлакат ҳаётига таҳдид солувчи фавқулодда ҳолатга дахлдор жиноятларда айбланувчи кишиларга берилиши зарур.

22-Принцип. Ишларни мустақил одил судлов органида кўриб чиқиш ҳуқуқи

(a) Айбланувчининг танлаши асосида хавфсизликка алоқадор жиноятда айблов бўйича иш маслаҳатчилар иштирокидаги суд

мажлисида, шундай институт мавжуд жойда ёки чинакам мустақил ҳисобланувчи судьялар томонидан кўриб чиқиши керак.

(б) Фуқаро шахс ҳавфсизликка алоқадор жинояти учун ҳарбий суд ёки трибунал томонидан судлов амалиётига дучор этилиши мутлақо мумкин эмас.

(с) Фуқаро шахс ёки ҳарбий хизматчи ишни кўриб чиқиш учун махсус тузилган алоҳида судлар ёки трибуналлар томонидан судлов амалиётига дучор этилиши мутлақо мумкин эмас.

23-Принцип. Олдиндан цензура қилиш

Фикрни ифодалаш миллий ҳавфсизлик манфаатлари йўлида олдиндан цензура қилиниши мумкин эмас, 3-Принципда таърифланган мамлакат ҳаётига таҳдид солувчи ҳавфкулодда ҳолат шарт-шароитлари бундан мустасно.

24-Принцип. Номутаносиб жазолашлар

Ҳавфсизликка алоқадор бўлган ва фикрни ифодалаш ва ахборот ҳуқуқига дахл қилган жиноятлар учун алоҳида шахслар, оммавий ахборот воситалари органлари ва бошқа ташкилотлар санкцияларга, ҳуқуқларни чеклашларга ёхуд содир этилган жиноятнинг жиддийлигига номутаносиб бўлган жазо чораларига дучор этилиши мумкин эмас.

25-Принцип. Мазкур Принципларнинг бошқа нормаларга муносабати

Мазкур Принциплардаги бирор-бир нарса халқаро, минтақавий ёхуд миллий қонунчиликда ёки нормаларда эътироф этилган ҳар қандай инсон ҳуқуқлари ёхуд эркинликларини чеклаш ёхуд чегаралаш сифатида талқин этилиши мумкин эмас.

София Декларацияси 1997 йил 13 сентябрь¹

Биз, Софиёда, Болгарияда 1997 йил 10–13 сентябрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жамоатчилик ахбороти департаменти (БМТЖАД) ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) томонидан ташкил этилган Мустақил ва плюралистик ахборот воситаларини мустаҳкамлаш бўйича Европа семинари (айниқса, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида) иштирокчилари,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини

¹ Мустақил ва плюралистик ахборот воситаларини мустаҳкамлаш бўйича Европа семинарида қабул қилинган.

ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чеғараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб қайд этилган 19-моддасига мурожаат этиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1946 йил 14 декабрда қабул қилинган ва ахборот эркинлиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири экани кўрсатиб ўтилган 59(1)-резолюцияси, шунингдек Бош Ассамблеянинг 1990 йил 11 декабрда қабул қилинган ва инсоният хизматидаги ахборотга тааллуқли бўлган 45/76 А-резолюциясига мурожаат этиб;

ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 1989 йилдаги йигирма бешинчи сессиясида қабул қилинган ва “ғояларни ҳам халқаро, ҳам миллий даражаларда сўз ва тасвирий йўллар билан эркин тарқатиш”га қўмаклашишга эътибор қаратилган 104-резолюциясига мурожаат этиб;

шунингдек, ЮНЕСКО Бош Конференциясининг (1989 йилдаги) йигирма олтинчи сессиясида қабул қилинган ва “эркин, плюралистик ва мустақил матбуот ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий унсурларидан ҳисобланади”, деб эътироф этилган ҳамда Бош директорга “матбуот эркинлигини рағбатлантириш ва оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ва плюрализмига қўмаклашиш мақсадида (...) дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам саъй-ҳаракатларни (...) тарқатиш” тавсия қилинган 4.3-резолюциясига мурожаат этиб;

яна, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 3 майни Жаҳон матбуот эркинлиги куни деб эълон қилиш тўғрисида 1993 йил 20 сентябрда қабул қилинган 48/432-қарорини эсла-тиб;

ЮНЕСКО Бош конференциясининг (1995 йилдаги) йигирма саккизинчи сессиясида қабул қилинган ва Виндхукда (Намибия, 1991 йил), Олма-отада (Қозоғистон, 1992 йил) ва Сантьягода (Чили, 1994 йил) бўлиб ўтган семинарлар иштирокчилари томонидан қабул қилинган декларацияларнинг “муҳим аҳамияти”га урғу берилган ва уларнинг мақбуллиги билдирилган 4.6-резолюциясини мамнуният билан қайд этиб ва Ижроия кенгаш ўзининг (1996 йилдаги) 150-сессиясида Бош конференцияга Сана шахрида (Яман, 1996 йил) қабул қилинган Декларацияни маъқуллашни тавсия этган 150EX/3.1(III)-қарорга мурожаат этиб;

семинарнинг очилиш маросимидаги Болгария Республикаси Бош вазири ўринбосарининг нутқини, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номидан йўлланган мактубни ва ЮНЕСКО Бош директори қутловини ва у ўз сўзида демократиянинг тамал тошларидан ҳисобланувчи фикрни ифодалаш эркинлиги, айниқса, ўтиш даврини бошдан кечираётган барча мамлакатларда жуда омонатлиги, ана шу ўтиш даврида оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётган шарт-шароит кўплаб қийинчиликлар билан боғлиқ эканини таъкидлаганини эхтиром билан қайд этиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва ЮНЕСКОга мазкур семинарни ташкил этганлари учун самимий эҳтиромимизни изҳор этиб;

шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЮНЕСКОнинг мазкур семинарни ташкил этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига қўмаклашган барча ҳукуматлараро, ҳукуматга қарашли ва ноҳукумат ташкилотларга, муассасалар ва жамғармаларга самимий эҳтиромимизни изҳор этиб;

семинар муваффақиятли ўтишига ёрдами теккан илтифотли меҳмондўстлиги учун Болгария Республикаси ҳукуматига, халқига, шунингдек оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича ташкилотлар ва мутахассисларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этиб;

Биз, тасдиқлаймизки, мустақил плюралистик ва эркин оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш демократияни ривожлантириш ва сақлаб туриш учун ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз матбуотнинг бир бутун вазифаси жамият манфаатлари учун хизмат қиладиган ахборот ва ғояларни узатиш, шунингдек ҳокимият органлари фаолиятини мониторинг қилишдан иборат эканини яна бир бор таъкидлаймиз.

Биз эркин, мустақил ва плюралистик матбуот ва электрон ахборот воситаларини, шу жумладан, интернетни ва дунёнинг барча минтақаларида мавжуд интерактив алоқа воситаларини ривожлантиришда қўмаклашиш борасида Виндхук декларацияси ўта муҳим аҳамиятга эгаллигини эътироф этиб, унинг принципларига ўз садоқатимизни баён этамиз; биз барча манфаатдор томонларни ушбу Декларацияда белгиланган жами принципларни ҳаётга татбиқ этишга даъват қиламиз.

Биз кишилар орзу-умидларини рўёбга чиқаришнинг дастлабки муҳим шартларидан ҳисобланувчи фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги демократиясининг умумжаҳон ҳаракати ва йўналишларини қўллаб-қувватлаймиз.

Биз бевосита ёхуд билвосита цензуранинг ҳар қандай шакллариномаъқул деб ҳисоблаймиз; биз таъкидлаймизки, ахборот воситалари ходимлари ҳали ҳам таъқиблар, жисмоний куч ишлатишлар, таҳдидлар, қамоқлар, хибслар, қийноқлар, ўғирлаб кетишлар, сургунлар ва қотилликларнинг қурбонлари ҳисобланади. Улар иқтисодий ва сиёсий тазйиққа, шу жумладан, сиёсий мазмун касб этувчи ишдан бўшатишлар, амалдаги қонунларни, янги қонунларда жорий этиладиган қўшимча чеклашларни ғайриҳуқуқий қўллаш шаклидаги тазйиқларга дучор этилмоқда. Янгиликлар ва ахборотни эркин тарқатишга, даврий нашрларни мамлакат ичида ва миллий чегаралар орқали тарқатишга нисбатан чеклашлардан ташқари, ахборот воситалари матбаа дастгоҳ-ускуналарида, радиоэшиттириш тизимларидан, интернетдан, интерактив ва бошқа хил алоқа воситаларидан фойдаланиши борасида ҳам тез-тез чеклашларга дучор этиляпти. Лицензиялаш

тизимидаги суиистеъмолчиликлар ва назоратни амалга оширишдаги бошбошдоқликлар, шунингдек ҳаддан ортиқ таърифлар ахборот воситаларига эга бўлишни ҳам, бундай воситалар орқали ахборот чоп этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳам чеклаб қўймоқда.

Биз Европада ва дунёнинг бошқа жойларида журналистлар ва ахборот воситалари соҳасидаги бошқа мутахассисларга қарши содир этилган деярли барча қотилликлар ва бошқа жиноятлар жазосиз қолаётганидан кескин норози эканимизни маълум қиламиз.

Биз, тегишли давлатлардан уларда журналистлар ва ахборот воситалари соҳасидаги бошқа мутахассисларга қарши содир этилган қотилликлар ва бошқа жиноятлар юзасидан ўтказилган тергов натижалари ҳақида ва бу борада қўрилган бошқа ҳуқуқий чоралар тўғрисида муқобил ахборот олиш учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги ҳукуматлараро ташкилотларни ҳам, минтақавий доирадаги ташкилотларни ҳам, фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришга даъват этамиз.

Биз ҳукуматларни ўз касб фаолияти туфайли қамоқ жазосига дучор этилган журналистларни зудлик билан озод қилишга даъват этамиз.

Биз, шунингдек ҳаракатланишни чеклашга қарши, паспортларни олиб қўйишга қарши, визалар беришни рад этишга қарши қатъий норозилигимизни маълум қиламиз. Хорижий ва маҳаллий журналистлар ўртасига фарқ қўйилмаслиги керак. Журналистлар мамлакатда ўз танлови асосида ва ҳар қандай, хоҳ маҳаллий ва хоҳ хорижий ахборот воситаларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлишлари шарт.

Биз фикрни ифодалаш, шу жумладан, матбуот ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш эркинлиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири, деб ҳисоблаган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига ўзининг навбатдаги сессиясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига, айниқса, 19-моддасига мажбурий тус берилиши ва уларнинг янада самаралироқ ҳаётга татбиқ этилиши бўйича чоралар қўриш юзасидан қарор қабул қилишни таклиф этамиз. Бундай қарор Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 50 йиллик байрамига муносиб ҳисса бўлур эди.

Биз барча тегишли ҳукуматлараро ташкилотларга ва донор-муассасаларга дунёнинг жами минтақаларида мустақил ва плюралистик ахборот воситаларини тузиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ўз қўмақларини янада кучайтириш мақсадида алоҳида саъй-ҳаракатлар қилишни тавсия этамиз.

Биз шундай баёнот берамизки:

1. Ҳозирги замонда Марказий ва Шарқий Европанинг тобора кўпроқ давлатларида демократия равнақи йўлида юз бераётган ижобий ўзгаришлар мустақил ва плюралистик ахборот воситалари пайдо бўлиши ва ривожланиши учун қулай муҳит яратади.

2. Барча давлатлар эътиқодни ифодалаш эркинлиги ва матбуот эркинлигининг конституциявий ва ҳуқуқий кафолатларини таъмин этиши, қаердаки бундай кафолатлар мавжуд бўлса, уларни мустаҳкамлаши ва ана шу асосий эркинликни чеклайдиган қонунлар, қоидалар ва чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиши, ўзгартириши ва/ёки бекор қилиши керак бўлади. Улар ана шу кафолатларга амал қилинишини таъминлашга жиддий эътибор беришлари лозим. “Тақиқланган зоналар” ёки табу ўрнатишга қаратилган, қонун доирасидан четлайдиган тамойиллар бундай эркинликни чеклаб қўяди ва шу боис номақбул ҳисобланади.

3. Барча мамлакатлар ўз ҳудудига сафарга келишни, ушбу мамлакат ҳудудига ҳаракатланишни ва ишлашни истайдиган чет эллик журналистларга ҳаракатланишни енгиллаштириши ва визалар тақдим этиши лозим; касб фаолияти билан боғлиқ асбоб-ускуналарни олиб кириш ва улардан фойдаланиш борасида ҳеч қандай тўсиқ қўйилмаслиги даркор.

4. Ҳокимият органлари барча журналистларга ахборотга эга бўлиш имкониятини яратиб бериши зарур. Журналист ахборот манбаларини фош этишга мажбур қилинмаслиги керак. Бу борада муқобил кафолатлар белгиланган бўлиши лозим.

5. Журналистларнинг том маънода мустақил, ваколатли ассоциациялари, бирлашмалари ёки касба уюшмаларини, шунингдек муҳаррирлар ва ноширларни бирлаштириб турувчи ассоциацияларни ташкил этиш ва/ёки мустаҳкамлаш лозим. Мустақил журналистик ташкилотлар тузиш йўлидаги ҳар қандай ҳуқуқий ва маъмурий тўсиқларга барҳам берилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Журналистлик фаолиятининг касбий нуқтаи назардан тўғри танланган усуллари ҳукумат чеклашларидан ва алоҳида манфатдор гуруҳларнинг тазйиқларидан энг самарали кафолат бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай нормалар ва дастурий принциплар белгиланиши билан боғлиқ саъй-ҳаракатларга журналистларнинг ўзлари бош-қош бўлиши керак. Ахборот воситалари ва/ёки ахборот воситалари ходимларига тааллуқли, улар касб фаолиятини бажараётган пайтда юзага келган низолар судда ҳал этилиши лозим ва бундай ишлар жиноий (ёки ҳарбий) эмас, балки фуқаролик кодекси ва процедураларига мувофиқ кўриб чиқиши керак.

7. Касбий мустақиллик ва нашриёт-тахрир эркинлиги барча ахборот воситаларида эътироф этилиши шарт. Давлатга қарашли кўрсатув-эшиттириш органлари ва ахборот воситалари биринчи навбатда ислоҳ қилиниши ва уларга журналистлик ва ноширлик мустақиллигига эга очиқ жамоат муассасалари мақоми берилиши лозим. Радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар соҳасида бошқарувчи органлар ташкил этилган тақдирда, улар ҳокимият органларига нисбатан тўла мустақил бўлишига эришиш зарур. Мустақил ахборот агентликлари, шунингдек хусусий ва/ёки жамоатчиликка, хусусан қишлоқ жойларидаги жамоаларга қарашли кўрсатув-эшиттириш воситалари ташкил этишни рағбатлантириш даркор.

8. Журналистлар мустақиллиги ва ахборот воситалари эркинлигини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатларда журналистларни ўқитиш ва тайёрлаш тизимлари барпо этилишини қўллаб-қувватлаш учун алоҳида савий-ҳаракат кўрсатиш лозим.

9. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ҳукм сураётган иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитни, шу жумладан, мазкур субминтақанинг алоҳида ҳудудларидаги фарқли жиҳатларни инобатга олиб, халқаро ҳамжамият (тараққиёт ва касб бўйича ассоциациялар соҳасига дахлдор халқаро ташкилотлар, муассасалар) биринчи галда барча мустақил ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли ва барқарор молиявий қўмак кўрсатиш билан боғлиқ масалалар борасида келишиб олиши зарур. Бунга қўшимча сифатида Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, халқаро ташкилотлар ва донор-муассасалар биргаликда савий-ҳаракат қилиб, мустақил фаолият кўрсатувчи Ахборот воситаларини кредит билан таъминлаш жамғармасини ташкил этиши ўринлидир.

10. Янгидан-янги ахборот ва коммуникация технологияларининг пайдо бўлиши, ахборотни эркин тарқатиш учун янги каналларнинг очилиши плюрализмга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга, демократия ва тинчликка ёрдам бериши мумкин ва даркор. Аънавий ахборот воситаларига нисбатан амалда бўлган фикрни ифодалаш эркинлиги ҳимояси янги ахборот воситаларига эга бўлиш ва улардан фойдаланиш борасида ҳам худди шу даражада амалда бўлиши керак.

11. Ксенофобия ва турли этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар Европанинг аксарият ҳудудларида тинчлик ва демократияга таҳдид солмоқда. Журналист одоби бўйича таълим дастурлари доирасида бидъат ва камситиш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларга журналистлар эътиборини қаратиш лозим. Этник ва бошқа хил озчилик вакили ҳисобланувчи журналистлар ва журналистикани жалб этиш учун қулай имконият яратиш мақсадида кадрлар танлаш борасида ўта оқилона сиёсат юритиш зарур.

12. Низоли ҳудудларда ишлаш даврида ва ўша жойлардан репортажлар узатиш чоғида ҳолис, фактларга асосланган ахборот ва юксак даражадаги касб фаолияти бўйича нормаларнинг ўрни ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

13. Ахборот воситаларига мулкий эгалик ҳуқуқининг муайян бир объект ихтиёрида ҳаддан ортиқ тўплашиб қолишига ёки плюрализмни чекловчи назоратга, шу жумладан, давлат томонидан амалга ошириладиган назоратга барҳам беришни ўзида қамраб оладиган самарали чоралар қўллаш ва бу борада тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш лозим.

14. Жамият манфаатларининг белгиланиши мулкий эгалик шаклига боғлиқ эмас. Барча ахборот воситаларига мулкий эгалик ва уларнинг молиявий таъминоти очик мазмунда бўлиши ва ошқо-ра эълон қилиниши керак. Давлатлар ҳуқуқий кафолатлар тақдим этиш йўли билан мулкий эгалик шакллари-нинг хилма-хиллигига

қўмаклашиши зарур. Жамоат жамғармалари бунда мулкый эгалик шакллариининг тенглигини ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиши лозим.

15. Барча ахборот воситаларига тижорий ва бошқа хил таъйиқлар кучайган шароитда ахборот воситалари материаллари мазмунининг сифатини таъминлаш йўли билан уларга ишончининг сақланиб қолишига эришиш айниқса муҳимдир.

16. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Декларацияни, уни рўйбга чиқариш ва тегишли чораларни кўриш мақсадида, Бош Ассамблеяга, ЮНЕСКО Бош директори эса – Бош конференцияга тақдим этиши лозим.

Таллуар декларацияси **1981 йил, 15–17 май¹**

Биз, матбуот эркинлиги ғоясига яқдил садоқати билан ўзаро боғлиқ бўлган кишилар – дунёнинг кўплаб ҳудудларидаги репортёрлар, муҳаррирлар, фотомуҳбирлар, ноширлар ҳамда радио ва телевидение ходимлари, бутун дунёда эркин ахборот оқимини яхшилаш воситалари ва усулларини муҳокама қилиш ва ана шу эркин оқимга ҳар қандай чанг солинишига қарши чора кўришга қатъий шайлигимизни намойиш этиш учун 1981 йилнинг 15–17 май кунлари Франциянинг Таллуар шаҳрида учрашувга тўпландик;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб қайд этилган 19-моддасини қўллаб-қувватлашга азму қарор этиб;

ЮНЕСКО Низомида қайд этилган “ғояларни сўз ва тасвирий йўллар билан эркин тарқатиш”га қўмаклашиш борасидаги мажбуриятларни дастуриламал билиб;

шунингдек, БМТ Низомида қайд этилган: “инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматига, эркак ва аёлнинг тенгҳуққилиги ҳамда катта ва кичик миллатлар ҳуқуқларининг тенглиги”га яқдил ишонч-эътиқодимиз юксаклигини англаган ҳолда;

бундан ташқари, 1975 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши Якунловчи ҳужжатини имзолаган (Хельсинки, Финляндия) давлатлар “барча шакллардаги ахборот янада эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини энгиллаштиришни, ахборот соҳасида ҳамкорликни ҳамда бошқа мамлакатлар билан ахборот алмашувини рағбатлантиришни ва бир иштирокчи-давлатнинг журналистлари бошқа иштирокчи-давлатда ўз касбий фаолиятини амалга

¹ Мазкур Декларацияни Таллуар шаҳрида (Франция) бўлиб ўтган “Озодлик овози” Халқаро конференциясида дунёнинг 20 мамлакатидagi мустақил ахборот тузилмалари раҳбарлари қабул қилган.

оширадиган шарт-шароитни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги”ни эслатиб, ўзимизнинг “ахборот тарқатиш, олиш ва алмашишни яхшилаш”га қўмаклашиш борасидаги ниятимизни маълум қилар эканмиз, шундай баёнот берамизки:

(1) Биз ана шу принципларга содиқлигимизни тасдиқлаймиз ҳамда барча халқаро ташкилотлар ва давлатларни уларга амал қилишга даъват этамиз.

(2) Биз ахборот ва ғояларни эркин тарқатиш ўзаро ҳамжиҳатлик ва бутун дунёда тинчликни сақлаш учун зарур, деб ҳисоблаймиз. Биз янгиликлар ва ахборотни тарқатишга нисбатан чеклашлар халқаро ҳамжиҳатлик манфаатларига зид, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, ЮНЕСКО Низоми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши Якунловчи ҳужжатига хилоф ҳамда БМТ Низомига номутаносиб, деб ҳисоблаймиз.

(3) Биз инсоннинг тўла хабардор бўлишдан иборат ялпи ҳуқуқини қўллаб-қувватлаймизки, бу ҳуқуқ ахборот ва фикрларнинг эркин тарқалишини тақозо этади. Биз ана шу асосий ҳуқуққа бирон-бир таъйиқ ўтказилишига қатъиян норозилик билдирамиз.

(4) Биз кишиларнинг ва матбуотнинг барча расмий ҳамда нерасмий ахборот манбаларидан эркин фойдалана олиш ҳуқуқи кафолатланган ва кенгайтирилган бўлиши зарурлигини тасдиқлаймиз. Матбуот эркинлигини рад этиш, умуман, шахс эркинлигини рад этиш деганидир.

(5) Биз ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари кўпинча, уларнинг фикрига ўзларига зиён етказадиган ёки ноқулай аҳволга солиб қўядиган, ахборотни узатишни чеклашини ва бошқа йўллар билан бунга тўсқинликлар қилишини ҳамда ҳукуматлар одатда бундай чеклашларни оқлашга интилиб миллий манфаатларни ва жамиятнинг умуман халқ манфаатларига ва шу боис мамлакат манфаатларига ҳам ахборотнинг эркин ва очиқ тарқатилиши кўпроқ мос келади, деб ҳисоблаймиз. Таъсирчан оммавий баҳс-мунозаралар мамлакат ва унинг халқи олдига турган муаммоларни яхшироқ англаш имконини беради, зеро муаммо нечоғлик чуқур тушуниб етилса, уни ҳал этиш шунчалик енгиллашади.

(6) Биз, ҳар қандай жамиятда мустақил оммавий ахборот воситаларининг кўп бўлиши, аввало, шу жамият манфаатларига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Аксарият ҳолларда, айрим мамлакатлар муайян иқтисодий негизга эга эмаслиги туфайли катта миқдордаги матбуот нашрларини, радио ва телестанцияларни қўллаб-қувватлай олмайди, деган мазмундаги фикрлар эшитилиб қолади. Қайсидир мамлакатда қандайдир сабабга кўра катта миқдордаги мустақил оммавий ахборот воситалари бўлмаган тақдирда, мавжуд ахборот каналлари турли хил нуқтаи назарларни ёритиши зарур.

(7) Биз истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда ҳамда кучли ва мустақил матбуотнинг молиявий негизини мустаҳкамлашда рек-

лама муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этамиз. Молиявий мустақилликсиз матбуот мустақил бўлиши мумкин эмас.

(8) Биз янги техника ва технология сезиларли даражада ахборот тарқатишни енгиллаштириши ва дунё бўйлаб ахборот тарқатишга қўмаклашишини ҳамда қўлаб мамлакатлардаги оммавий ахборот воситалари тараққиётнинг ана шу неъматларидан етарли даражада фойдаланмаётганини тан оламиз. Биз халқаро ташкилотлар ва шу каби давлатга қарашли ва хусусий ташкилотларнинг, бутун дунёда матбуот, радио, телевидениенинг ва журналист касбининг равнақ топишига қўмаклашиш мақсадида, ана шу номутаносибликни тузатишга ҳамда мазкур технологияларга эга бўлиш учун йўл очишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

(9) Биз, ҳозирги замон жамиятида янгиликлар ва ахборот тарқатиш муаммолари бўйича ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларда кечаётган муҳокамаларни амалий мақсадлар йўлида хизмат қилдириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Биз ушбу муҳокамалар чоғида юзага келган бир қатор муайян масалаларга нисбатан ўз муносабатимиз мавжудлигини ва қуйидагиларга ишончимиз комил эканини яна бир бор тасдиқлаймиз:

9.1. ахборот ва жамоатчилик фикрини цензура қилишга ва бошқа бирон-бир шаклда назорат қилишга барҳам берилиши керак;

9.2. кишиларнинг янгиликлардан хабардор бўлиш ва ахборот олиш ҳуқуқларига дахл этилмаслиги шарт;

9.3. журналистларнинг турли хил – расмийми ёки норасмийми – янгилик ва фикр олиш манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳеч қандай чеклашларга дучор этилмаслиги даркор. Бу ҳуқуқ кишиларнинг ахборот олиш ҳуқуқидан ажралмасдир;

9.4. журналист одоби бўйича бирон-бир халқаро кодекс мавжуд бўлиши мумкин эмас. Турли-туман нуқтаи назарларнинг мавжудлиги бунга йўл қўймайди. Бирон-бир мамлакатда журналистлар учун ахлоқ-одоб қоидалари кодекси қабул қилинар экан, аввало, уни журналистларнинг ўзи яратиши керак ва бундай кодекс ихтиёрийлик асосида қўлланилиши шарт. Агар бундай кодекс ҳукумат томонидан яратилса, жорий этилса ва назорат қилинса, у матбуот устидан расмий назорат қилувчи қуролга айланади ва шу боис матбуот эркинлиги рад этилишига олиб келади;

9.5. журналистлар миллий ва халқаро қонунларнинг тўла ҳимоясидан фойдаланиши даркор. Биз ҳеч қандай алоҳида ҳимояга ва ҳеч қанақа алоҳида мақомга эга бўлиш учун интилаётганимиз йўқ ва журналистларни ҳимоялашни ваз қилиб, аслида улар устидан назорат ўрнатишга олиб келадиган ҳар қандай таклифларга қарши норозилик билдирамиз;

9.6. ҳар қандай кишининг журналистлик фаолияти билан шуғулланишдан иборат эркин ҳуқуқи ҳеч қандай чеклашларга дучор этилмаслиги керак. Журналистлар ўзларининг касб билан боғлиқ манфаатларини ҳимоялайдиган ташкилотлар тузиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт;

9.7. миллий ва халқаро ташкилотларнинг журналистларга лицензиялар беришига рухсат этилмаслиги лозим, шунинг баробарида, журналистларга лицензия бериш ўрнига қандайдир алоҳида талаблар қўйиш ҳам мумкин эмас. Бундай чоралар журналистларни матбуот эркинлиги ғоясига мутлақо мос келмайдиган назорат ва таъйиқларга дучор этади;

9.8. матбуотнинг касбий бурчи – ҳақиқатни, адолатни аниқлаш. Матбуот учун қонунлар чиқариш ёки бошқа қандайдир йўллар билан унинг зиммасига масъулият ва мажбуриятлар юклаш – уни мустақиллигидан, охир-оқибатда эса журналистнинг эркин фикр алмашиш билан боғлиқ масъулияти кафолатидан маҳрум этиш, демакдир;

9.9. оммавий ахборотнинг матбаа ва электрон воситалари журналистиканинг барча эркинликларидан тенг равишда фойдаланиши керак. Аксарият мамлакатларда радио ва телевидение – янгилик ва ахборот етказиб берувчи асосий воситалар экани назарда тутилдиган бўлса, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар каналларини ахборот ва фикрларни эркин тарқатиш учун очиқлигини таъминлаш алоҳида муҳимлиги аён бўлади.

(10) Биз бутун дунёда ахборот тарқатиш эркинлигини кенгайтиришга қаратилган барча астойдил саъй-ҳаракатларни қўллашга, ўзаро ҳамкорлик қилишга сўз берамиз. Биз ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар ўзларининг янгиликлар ва ахборот мазмунини йўриққа солишга ва матбуот учун қоидалар яратишга қаратилган ҳаракатларидан воз кечишлари учун фурсат етилди, деб ҳисоблаймиз.

Барча саъй-ҳаракат олдимизда турган муаммоларни ҳал этишга, масалан, истиқболли технологик тараққиётни таъминлашга, касб бўйича тажриба алмашиш ва асбоб-ускуналар етказиб беришни кенгайтиришга, алоқа воситаларидан фойдаланганлик учун тўловлар миқдорини камайтиришга, иложи борица арзон газета қоғози ишлаб чиқаришга ва оммавий ахборот воситалари имкониятларини янада ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилиши даркор.

Бизнинг, ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар матбуоти вакилларининг, манфаатларимиз муштаракдир. Биз барчамиз ўзимизнинг касбий иқтидоримиз даражасида ёзишимиз ва тарқатишимиз мумкин бўлган имкон қадар эркин, аниқ ва холис ахборотга астойдил тарафдоримиз.

Биз айрим мамлакатлардаги ва халқаро доирадаги баъзи бир назарийётчилар ва мансабдор шахсларнинг, қайсидир мамлакатда халқ матбуот эркинлигига тайёр бўлиши мумкин, аммо бошқа мамлакатларда халқ тараққиётнинг етарли даражада юксак поғонасига кўтарилгани йўқ ва шу боис у бундай эркинликка тайёр эмас, деган мазмундаги фикрларини инкор этамиз.

Биз аксарият мамлакатларда ва халқаро ташкилотларда ахборот соҳасида алоҳида инсоннинг манфаатларидан ҳукуматлар

манфаатларини устун қўйиш тамойили тобора кучайиб бораётганидан ғоят хавотирдамиз.

Биз, давлат инсон учун хизмат қилиши керак ва унинг бурчи – инсон ҳуқуқларини ҳимоялашдир, деб ҳисоблаймиз. Биз, “эркин матбуот” тушунчаси охир-оқибатда ҳукуматлар ёки халқаро ташкилотларнинг ҳаракатларини эмас, аслида, алоҳида журналистларнинг касб маҳорати, куч-қуввати ва жасоратини англатади, деб ҳисоблаймиз.

Матбуот эркинлиги – инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ва ана шу ҳуқуқни қўллаб-қувватлаш йўлида ҳамжиҳат бўлиб чора-тадбирларни амалга ошириш бизнинг қатъий ниятимиздир.

Журналист одоби халқаро принциплари **1983 йил¹**

I Принцип. Кишиларнинг ишончли ахборот олишга бўлган ҳуқуқи. Халқлар ва кишилар аниқ ва батафсил ахборот воситасида воқеликнинг объектив манзарасидан хабардор бўлиш ҳуқуқига, шунингдек маданият ва алоқаларнинг турли шакллари ёрдамида ўз нуқтаи назарини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгадир.

II Принцип. Журналистнинг объектив воқеликка содиқлиги. Журналистнинг энг биринчи вазифаси – объектив воқеликни ҳалоллик билан ёритиш орқали кишиларнинг тўғри ва ишончли ахборот олишини кафолатлашдан иборат. Журналист фактларни виждонан ёндашиб, уларнинг асл маъно-мазмунини сақлаган ҳолда, муҳим аҳамиятга эга ўзаро боғлиқ жиҳатларини кўрсатиб ва аини чоғда, уларни бузиб талкин қилмасдан баён этади.

У бутун ижодий иқтидорини имкон қадар жамоатчилик ўзининг дунё ҳақидаги аниқ ва муштарак тушунчасини шакллантириб боришига кифоя қиладиган даражада ахборотга эга бўлиши йўлида сафарбар этади. Токи, воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиши, табиати ва мазмун-моҳияти, ишларнинг бориши ва аҳволи иложи бориचा яққол тушунарли бўлсин.

III Принцип. Журналистнинг ижтимоий масъулияти. Журналистикада ахборот истеъмол буюми сифатида эмас, балки ижтимоий неъмат сифатида тушунилади. Бу журналист ўзи узатган ахбороти учун масъулиятни баҳам кўради, деганидир.

У нафақат оммавий ахборот воситаларини назорат қилувчилар олдида, балки, аввало, турли ижтимоий манфаатларни инobatга олган ҳолда, кенг жамоатчилик олдида масъулдир. Журналистнинг ижтимоий масъулияти ҳар қандай шароитда у ўзининг маънавияти, тафаккурига таяниб иш тутишини тақозо этади.

¹ Ушбу ҳужжат Журналистлар касб бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларининг Прага ва Парижда бўлиб ўтган IV Маслаҳат учрашувида қабул қилинган.

IV Принцип. Журналистнинг касбий ҳалоллиги. Журналистнинг жамияттаги роли ундан юксак касбий ҳалолликни талаб этадики, бунда унинг ўз маслак-этикодига зид ишга қўл урмаслик ва ахборот манбаларини фош қилишни рад этиш ҳуқуқлари, шунингдек ўзи ишлайдиган оммавий ахборот органларида қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи кўзда тутилади.

Касбий ҳалоллик журналистнинг манфаатдор шахслардан қандайдир хайр-садақалар олишига, шунингдек умум манфаатларига зид келадиган тор хусусий манфаатларни ифодалашига йўл қўймайди. Журналистнинг одоб принциплари сирасига интеллектуал мулкни ҳурмат қилиш, хусусан, кўчирмачиликка, яъни адабий ўғриликка йўл қўймаслик ҳам киради.

V Принцип. Оммавий ахборот воситаларининг ҳамма учун очиқлиги ва уларнинг фаолиятида жамоатчилик иштироки. Касбининг мазмун-моҳияти журналистдан оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳамма учун очиқлигини таъминлашга кўмаклашишини талаб этади. Бунда хатоларни тузатиш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи кўзда тутилади.

VI Принцип. Шахсий ҳаётни ва инсон шаънини ҳурмат қилиш. Касб ахлоқ-одоби нормалари журналистнинг халқаро инсон ҳуқуқлари талабларига мувофиқ равишда инсон шаънини ва унинг шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилишини ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат, тухмат, бўҳтонлардан ҳимоя қилишини тақозо этади.

VII Принцип. Жамият манфаатларини ҳурмат қилиш. Касб андозалари журналист жамият манфаатларини, унинг демократик институтларини, жамият маънавиятини ҳурмат қилиши кераклигини ўзида мужассам этади.

VIII Принцип. Умуминсоний қадриятларни ва маданиятлар ранг-баранглигини ҳурмат қилиш. Ҳақиқий журналист гуманизмнинг умуминсоний қадриятларини, биринчи галда тинчликни, демократияни, ижтимоий тараққиётни, инсон ҳуқуқлари ва миллий озодликни ёқлаб чиқади. У ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хос жиҳатларига, қадриятларига ва обрў-этиборига, шунингдек халқларнинг ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимини эркин танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Шундай қилиб, журналист демократияни кенгайтиришга қаратилган ижтимоий янгиланишларда фаол иштирок этади. Мулоқотлар воситасида журналист халқаро муносабатларда тинчлик ва адолатга, халқаро тангликка барҳам беришга, қуролсизланиш ва миллий тараққиётга кўмаклашувчи ўзаро ишонч муҳити қарор топиши йўлида улуш қўшади. Касб одоби журналистдан тегишли барча халқаро битимлар, декларациялар ва резолюциялардан хабардор бўлишни талаб этади.

IX Принцип. Урушни ва инсониятга таҳдид солувчи бошқа офатларни бартараф этиш. Гуманизмнинг умуминсоний кадриятларини ҳурмат қилиш билан боғлиқ маънавий масъулияти журналистнинг тажовузкорона урушларни, қуролланиш, айниқса, ядровий қуролланиш пойғасини ҳар қандай шаклда гижгижлашдан ёхуд оқлашдан, зўравонлик, нафратланиш ва камситиш, хусусан, ирқчилик ва апартеиднинг бошқа хил турларини кўр-кўрона химоя қилишдан ўзини тийиб туришини тақозо этади.

Бундай маънавий масъулият жабр-зулмга асосланган режимга, мустамлакачилик ва замонавий мустамлакачиликка, шунингдек қашшоқлик, очлик, касаллик каби инсониятга ташвиш келтирувчи бошқа офатларга қарши ҳаракат қилишга ундайди. Ўзининг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари билан журналист халқлар ўртасида бир-биридан беҳабарлик ва ўзаро тушунмовчиликларга чек қўйилишига кўмаклашади, ўз ватандошларида бошқа мамлакатлар халқларининг эҳтиёжлари ва истак-хоҳишларига хайрихоҳлик билан ёндашиш туйғусини шакллантиради, барча миллатлар, барча халқлар ва жинси, ирқи, тили, миллати, диний эътиқоди ва фалсафий маслагидан қатъи назар, барча кишиларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини таъмин этади.

X Принцип. Ахборот соҳасидаги янгича халқаро тузумга кўмаклашиш. Ҳозирги замонда журналист дунёда, умуман олганда, янгича халқаро муносабатларни, хусусан олганда, янги халқаро ахборот тузумини ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу янги тузум янгича халқаро иқтисодий тартибнинг ажралмас қисми сифатида халқларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши ва маданий ўзига хослиги тўла ҳурмат қилиниши негизида ахборот ва алоқалар соҳасини (ҳам миллий, ҳам халқаро кўламда) номустамлакалаштириш ва демократиялаштиришга йўналтирилгандир.

Журналистнинг бурчи – ахборот ва алоқалар соҳасида халқаро муносабатларни демократиялаштириш жараёнларига кўмаклашишдан, айниқса, тинчликни ҳамда халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Жамоатчиликка ахборот етказиш принциплари

1990 йил 29 июнь¹

Давлатимизга асос солинган пайтданоқ ижтимоий аҳамиятга молик ахборотга очиқ ва тўсқинликсиз эга бўлиш ҳуқуқи адолатли бошқарув ва эркин жамиятнинг кафолатига айланди. Ижтимоий

¹ АҚШнинг Кутубхоналар ва ахборотлаштириш бўйича миллий комиссияси томонидан қабул қилинган.

аҳамиятга молик ахборот халқни маърифатли қилишга кўмаклашади, тараққиётга рағбат уйғотади ва олдимизда турган мураккаб иқтисодий, илмий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Аммо, ахборот асри ва унинг беҳисоб технологиялари кириб келиши билан ижтимоий аҳамиятга молик ахборот ўз чегараларини шу қадар тезкорликда кенгайтириб юбордики, эндиликда уни яратишдан, ишлатишдан ва тарқатишдан кўзда тутилган асосий принципларни менсимаслик ва унутиб юбориш хавфи пайдо бўлмоқда.

Шу муносабат билан, Кутубхоналар ва ахборотлаштириш бўйича миллий комиссия ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни жамият манфаатлари учун ривожлантириш ва муҳофаза қилиш зарур бўлган миллий захира сифатида эътироф этувчи Конституция принциплари АҚШ Ҳукумати ахборот сиёсатининг замирида мужассамлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Биз федерал ҳукумат томонидан тайёрланадиган, тўпланадиган ёки сақланадиган ахборотга ижтимоий аҳамиятга молик ахборот, деб таъриф берамиз. Биз тасдиқлаймизки, ижтимоий аҳамиятга молик ахборот – халққа тегишли ва халқ ўзи сақлаш учун Ҳукуматга ишониб топширган бу ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, қонунда кўзда тутилган чеклашларгина бундан мустасно.

Ахборотга жамоат бўлиб эгалик қилиш ва жамоат бўлиб ишонч билдириш руҳидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий аҳамиятга молик ахборотнинг қуйидаги Принципларини тавсия этамиз:

1. Жамоатчилик ижтимоий аҳамиятга молик ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат идоралари ижтимоий аҳамиятга молик ахборотдан очик, ўз вақтида ва тўсқинликсиз фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаши даркор. Фуқароларга ижтимоий аҳамиятга молик ахборотнинг сақланиш шаклидан, махсус тайёргарлик ёхуд тажрибага эга эмасликдан қатъи назар, ушбу ахборотдан фойдаланиш имконияти яратиб берилиши зарур.

2. Федерал Ҳукумат ижтимоий аҳамиятга молик ахборотнинг сақланиш шаклидан қатъи назар, ушбу ахборотнинг тўлалиги ва бут сақланишини кафолатлаши шарт.

Замон тезкорлик билан ўзгараётган ва технологиялар изчил ривожланаётган бир шароитда ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни сақлаб турар экан, давлат идоралари жамият олдидан ҳисобдорлигини ва жамоатчиликнинг ўз ишлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини кафолатлайди.

3. Федерал Ҳукумат ижтимоий аҳамиятга молик ахборотнинг тарқатилиши, кўпайтирилиши ва қайта тақсимланишини кафолатлаши шарт.

Ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни ҳар қандай чеклаш ёхуд бундай ахборотга нисбатан қўлланиладиган бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракат қонунда қатъий белгиланган бўлиши керак.

4. Федерал Ҳукумат ахборотдан фойдаланадиган ёки ахборотни сўрайдиган кишилар шахсиятини махфий сақлаши, ҳукумат ҳужжатларида ўзлари ҳақида тегишли ахборот мавжуд бўлган шахсларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик ҳуқуқига амал қилиши зарур.

5. Федерал Ҳукумат ижтимоий аҳамиятга молик ахборотга эга бўлишда хилма-хил, ҳам хусусий, ҳам давлатга қарашли ахборот манбаларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаши зарур.

Ахборот манбалари вақт ўтиши билан шаклан ўзгаришга юз тутишига қарамай, давлат идоралари ушбу манбаларнинг хилма-хиллигини рағбатлантириш борасида жамият олдида масъулдир.

6. Федерал Ҳукумат ахборот қиймати фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ахборотдан фойдаланиши учун тўсқинлик қилишига йўл қўймаслиги керак.

Ҳукумат ўзининг ички мақсадлари учун ахборотни яратиш, тўплаш ва қайта ишлаш бўйича ҳосил бўлган қийматни ижтимоий аҳамиятга молик ахборотдан фойдаланиш истагида бўлган фуқаролардан ундирмаслиги лозим.

7. Федерал Ҳукумат ҳукуматга қарашли ахборотдан фойдаланишни енгиллаштиришни таъминлар экан, бу борада барча минтақаларда ягона кўрсаткичга асосланган ҳолда ахборотдан фойдаланишни бирдек енгиллаштиришга эришиши даркор.

Ижтимоий аҳамиятга молик ахборотнинг Ҳукумат кўрсаткичи ҳар бир давлат идорасида, ахборот материаллари билан биргаликда мавжуд бўлиши зарур.

8. Федерал Ҳукумат фуқароларнинг, турар-жойи ва иш жойидан қатъи назар, ижтимоий аҳамиятга молик ахборотдан фойдаланишини миллий тармоқлар ва депозитар кутубхоналар дастури каби дастурлар орқали кафолатлаши даркор.

Давлат идоралари бундай дастурларни, шунингдек жамоатчилик учун ижтимоий аҳамиятга молик ахборотдан фойдаланишнинг арзон ва қулайлигини доимий сақлаб турадиган шарт-шароитни таъминлашда қўлланиладиган технологияларни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиши керак.

Хулоса

Кутубхоналар ва ахборотлаштириш бўйича миллий комиссия ушбу ижтимоий аҳамиятга молик ахборотга тааллуқли принципларни Федерал Ҳукумат ва мамлакат ижтимоий аҳамиятга молик ахборот масалалари юзасидан қабул қиладиган қарорлар учун асос сифатида олишни тавсия этади.

Биз Федерал Ҳукуматнинг барча ҳокимият тармоқларини, штатлар ҳукуматларини ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек хусусий секторни ахборот сиёсатини ишлаб чиқишда ва ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни яратиш, қўллаш, тарқатиш ва сақлаш чоғида мазкур принциплардан фойдаланишга қақирамиз.

Биз, шу йўл билан ушбу принциплар ахборот асрида мамлакатимиз ва халқимизнинг энг эзгу манфаатларига хизмат қилади, деб ишонамиз.

Журналистларнинг хулқ-атвори принциплари декларацияси¹

**Бордо 1954 йил 25–28 апрель,
1986 йилдаги ўзгартишлар билан**

1. Ҳақиқатни ва жамиятнинг ҳақиқатни билиш ҳуқуқини ҳур-мат қилиш – журналистнинг энг асосий вазифасидир.

2. Журналист ана шу вазифасини адо этиш йўлида эркинлик принципларини қатъий муҳофаза қилиши шарт. Бу эркинликлар янгиликларни йиғиш ва эълон қилишга, шунингдек таҳлил ва танқид қилишга тааллуқлидир.

3. Журналист тўғри эканига ўзи ишонч ҳосил қилган, текширилган фактларнигина узатишга мажбур. У ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни яшириб қолиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ва бузиб кўрсатиши мумкин эмас.

4. Журналист ахборот, фотосуратлар ва ҳужжатларни олиш учун фақат ҳалол усуллардан фойдаланишга мажбур.

5. Эълон қилинган ахбороти ноаниқ чиққан ва қандайдир зиён етказган тақдирда, журналист унга раддия бериш учун имкон қадар ҳаракат қилиши зарур.

6. Журналист касб сирини сақлашга амал қилади: ўзини ошкор этишни истамайдиган ахборот манбаи махфийлигича қолиши керак.

7. Журналист ирқий, миллий ва жинсий мансублиги, ижтимоий ҳолати, тили, дини, сиёсий маслаги ва бошқа шу каби жиҳатлардан келиб чиқиб камситишларга асосланган ғояларнинг ҳар қандай шаклда матбуот воситасида тарқатилишига йўл қўймаслиги керак.

8. Журналист қуйидаги ҳолатларни касб нуқтаи назаридан жиддий айб, ноҳўя иш сифатида баҳолаши лозим:

- кўчирмачилик, адабий ўғрилиқ;
- ахборотни атайлаб бузиб кўрсатиш;
- ҳақорат, тухмат, асоссиз айблаш ва лақаб қўйиш, яъни турли ёрликлар ёпиштириш;
- муайян ахборотни матбуотга тиқиштириш ёхуд унинг эълон қилинишига тўсиқ қўйиш мақсадида ҳар қандай шаклда пора олиш.

Журналист номи юқорида зикр этилган принципларга амал қилишни тақозо этади.

Журналист ўз мамлакати қонунларига амал қилади, аynи чоғда ўз касб фаолиятини бажаришда у фақат ўз ҳамкасблари

¹ Ушбу Декларация Халқаро журналистлар федерацияси томонидан янгиликларни йиғиш, узатиш, тарқатиш, шарҳлаш ва воқеа-ҳодисаларни баён этиш билан шуғулланувчи оммавий ахборот воситалари ходимлари амал қилиши лозим бўлган принциплар кодекси сифатида қабул қилинган.

юрисдикциясини эътироф этар экан, ҳукумат ёхуд бошқа ҳар қандай томоннинг ҳар қанақа тазйиқи ёки аралашувини рад этади.

Америка газеталари муҳаррирлари жамиятининг Принциплар декларацияси 1987 йил 31 август

Муқаддима

АҚШ Конституциясига киритилган, сўз эркинлигини давлат аралашувидан ҳимоялашни кўзда тутувчи, Биринчи тузатиш матбуотга конституциявий имтиёзлар бериш билан бирга газеталар зиммасига муайян вазифаларни ҳам юклайди.

Бунинг натижасида журналистика ўз хизматида бўлганлардан нафақат тиришқоқ ва билимдон бўлишни, айна чоғда журналист сифатида ўз зиммасига олган мажбуриятларга мувофиқ шахснинг бутунлиги принципига содиқ қолишни ҳам талаб этади.

Шу муносабат билан Америка газеталари муҳаррирлари жамияти мазкур Принциплар декларациясини юксак одоб ва касб маданиятининг намунаси сифатида тавсия этади.

I модда. Жавобгарлик

Янгиликлар ва фикрларни йиғиш ҳамда тарқатишдан кўзда тутилган асосий мақсад кишиларга ахборот етказиш орқали умуминсоний эзгу ишлар йўлида хизмат қилиш ва улар долзарб масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини шакллантириб олиши учун имконият яратиш беришдан иборат. Ғаразли манфаатлар ёхуд номақбул мақсадларни деб ўз касбий обрў-этиборини суиистеъмол этувчи газета ходимлари жамият ишончига нисбатан этиборсиз кишилардир.

Америка матбуоти фақат кишиларга ахборот етказиш ёки баҳс-мунозара минбарини яратиш бериш учунгина эмас, шу билан бирга жамиятни бошқарувчи тузилмалар, шу жумладан – барча даражалардаги давлат органлари фаолияти устидан мустақил назоратни амалга ошириш учун эркин бўлган.

II модда. Матбуот эркинлиги

Матбуот эркинлиги халқникидир. Уни ҳар қандай томонларнинг, давлат бўладими ёки хусусий томонми, хуруж ва тазйиқларидан ҳимоя қилиш зарур.

Журналистлар жамоатчиликка тегишли масалалар омма ҳузурида ҳал этилишини доимо кузатиб бориши лозим. Улар матбуотдан ғаразли манфаатлар йўлида фойдаланадиганларга қарши зарба беришлари керак.

III модда. Мустақиллик

Журналистлар ноҳўя ва ноҳўядек кўринадиган хатти-ҳаракатлардан, шунингдек манфаатлар тўқнашуви ёхуд манфаатлар

тўқнашувига ўхшаш вазиятлардан узоқ юриши керак. Улар ҳадяларни қабул қилмаслиги, ўз шахсияти бутунлигига зиён етказиши мумкин бўлган ёхуд зиён етказадиган фаолият билан шуғулланмаслиги шарт.

IV модда. Ҳақиқат ва аниқлик

Ҳақиқий журналистикада ўқувчилар ишончи асос ҳисобланади. Янгиликларнинг мазмуни аниқ бўлишини, уларнинг янглишишлар ва дудмолликлардан холилигини, муаммога алоқадор барча томонларнинг қарашлари адолатли тарзда баён этилишини таъминлаш учун имкон қадар ҳаракат қилиш лозим. Таҳририят мақолалари, таҳлилий мақола ва шарҳлар ҳам худди янгиликлар каби аниқ фактларга мувофиқлик андазасига мос бўлиши керак.

Мавжуд далилий хатолар, шунингдек мазмунда йўл қўйилган кемтиклик бўйича тузатишлар зудлик билан ва кўринарли жойда эълон қилиниши даркор.

V модда. Холислик

Холислик – матбуот шубҳага бормаслиги ёки таҳририят муносабатини баён этишдан ўзини тийиши керак, дегани эмас. Айни чоғда энг тўғри йўл янгиликлар оқимини, хабарларни шарҳлардан аниқ ажрата билишдир. Ўқувчи муайян фикр-мулоҳаза акс этган ёхуд воқеалар хусусий нуқтаи назардан талқин этилган мақолаларни бир-биридан фарқлай олиши керак.

VI модда. Андишалилик

Журналистлар янгиликларда гавдаланадиган кишиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, одоб-ахлоқнинг умумий меъёрларига амал қилиши ва жамият унинг материаллари тўғрилиги ва аниқлигини текшириш ҳуқуқига эга эканини эътироф этиши шарт.

Омма олдида айбланган шахслар жавоб қайтариш ҳуқуқига эгадир.

Ахборот манбаини сир тутиш мажбурияти зинҳор бузилмаслиги керак, шу боис бундай мажбуриятларни зиммага олиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолатга жиддий ёндашган маъқул. Ахборот манбалари маълум қилиниши даркор – уларни сир сақлаш билан боғлиқ аниқ зарурат ҳоллари бундан мустасно.

Мазкур принциплар Америка журналистлари ва Америка халқи ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни сақлаб туриш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилганки, журналистлар ва халқнинг бундай ўзаро яқин алоқаларидан асосий мақсад улардан ҳар бирига давлат асосчилари томонидан инъом этилган озодликни қўлдан бермасликдир.

Қисқартмалар рўйхати

АДТ	Америка давлатлари ташкилоти
АКТ	Ахборот-коммуникация технологиялари
АҚШ	Америка Қўшма Штатлари
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
БМТЖАД	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жамоатчилик ахбороти департаменти
ДИИХБ	Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро
ЕХХК	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик конференцияси
ЕХХТ	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
ЖАР	Жанубий Африка Республикаси
КТХД	Коммуникациялар тараққиёти бўйича халқаро дастур
МДХ	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
ОАВ	Оммавий ахборот воситалари
ХДМ	Ҳуқуқ ва демократия масалалари бўйича марказ
ХЭИ	Халқаро электралоқа иттифоқи
ЮНЕСКО	Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилот

МУНДАРИЖА

Акмал Саидов. СЎЗ ЭРКИНЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАРУР ШАРТИ (Сўзбоши ўрнида)	3
---	---

БИРИНЧИ ҚИСМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

1-боб. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	15
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	15
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	16
Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция	17
Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция	17
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция	18
Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларация	20
БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари ("Пекин қоидалари")	20
БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари ("Ар-Риёд дастурий принциплари")	21
БМТнинг қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари ("Токио қоидалари")	22
Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция	22
Халқаро раддия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция	26
"Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисида"ги қўшма декларация.....	32

2-боб. Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон конференциясининг халқаро ҳужжатлари

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси
ва Ҳаракат дастури 39

3-боб. ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари

Оммавий ахборот воситаларининг тинчлик ва халқаро
ҳамжиҳатликини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини
ривожлантириш ва ирқчилик ҳамда апартеид ва урушга
ғижғижлашга қарши курашдаги ҳиссасига оид асосий
принциплар тўғрисидаги декларация 40

Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини
қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Виндхук декларацияси 42

Бағрикенглик тамойиллари декларацияси 46

4-боб. Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари

Ҳаракатдаги армиялардаги ярадорлар ва беморларнинг
қисматларини энгиллаштириш тўғрисидаги
Женева конвенцияси (Биринчи Женева конвенцияси) 47

Халқаро қуроли моjarолар қурбонларини ҳимоя
қилишга тааллуқли, 1949 йил 12 августда қабул қилинган
Женева конвенцияларига доир қўшимча протокол
(I Қўшимча протокол) 48

Халқаро бўлмаган тусдаги қуроли моjarолар
қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли, 1949 йил 12 августда
қабул қилинган Женева конвенцияларига доир қўшимча
протокол (II Қўшимча протокол) 48

ИККИНЧИ ҚИСМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1-боб. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotининг минтақавий ҳужжатлари

Хельсинки Яқунловчи ҳужжати 53

Мадрид учрашуви Яқунловчи ҳужжати 57

Вена учрашувининг Яқунловчи ҳужжати 59

ЕХХК Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати	61
Янги Европа учун Париж Хартияси	62
ЕХХК иштирокчи-давлатлари маданий мероси бўйича Краков симпозиуми ҳужжати	62
Миллий озчилик масалалари бўйича ЕХХК экспертлари кенгашига маърузаси	63
ЕХХК Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг ҳужжати	63
Демократик институтлар бўйича ЕХХК экспертлари семинарининг ЕХХК кенгашига маърузаси	65
ЕХХК саммитининг “Ўзгаришлар даври даъвати” ҳужжати	65
ЕХХК кенгаши Рим учрашувининг қарорлари	66
ЕХХК Будапешт саммитининг “Янги даврда ҳақиқий шериклик сари” ҳужжати	67
ЕХХТ Лиссабон саммити декларацияси	68
193-сонли қарор Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТ вакилининг мандати	68
Хельсинки маслаҳатлашувлари Якуний тавсияларининг 79-бандига (6-боб) мувофиқ изоҳловчи баёнот	72
ЕХХТ Истанбул саммити декларацияси	73
Европада хавфсизлик хартияси	72
2-боб. Европа Кенгашининг минтақавий ҳужжатлари	
Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси	74
Фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги тўғрисидаги декларация	74
3-боб. Америка давлатлари ташкилотининг минтақавий ҳужжатлари	
Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси	77
4-боб. Африка давлатлари ташкилотининг минтақавий ҳужжатлари	
Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси	79

5-боб. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг минтақавий ҳужжатлари

МДҲнинг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенцияси	80
---	----

УЧИНЧИ ҚИСМ. НОҲУКУМАТ ЙЎНАЛИШДАГИ ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛГАН ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Йоханнесбург принциплари	83
София Декларацияси	91
Таллуар Декларацияси	97
Журналист одоби халқаро принциплари	101
Жамоатчиликка ахборот етказиш принциплари	103
Журналистларнинг хулқ-атвори принциплари декларацияси ...	106
Америка газеталари муҳаррирлари жамиятининг принциплар декларацияси	107
Қисқартмалар рўйхати	109

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази**

Саидов, Акмал Холматович, Мирзаев, Ғулом Абдираимович

**СЎЗ, ФИКР ВА
АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ:
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР**

Муҳаррирлар

Техник муҳаррир

Компьютерда саҳифаловчи

М. Пальнова, Л. Рузикулова

Н. Сафарова

А. Жуманиязов

Босишга 2021 йил 27 апрель рухсат этилди.

Бичими 84х108 1/32.

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 6,0. Нашр табағи 5,36.

Адади 500 нусха. Буюртма №38.

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.
100029, Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 15.